Бухорий ва Муслим ривоят қилишган [2, 357].

Биз азалдан ота-боболаримиздан “Меҳмон Аллоҳнинг инояти”, “Меҳмон атойи худо”, ёки бўлмаса, “Кутган меҳмон сени меҳмонинг, кутмаган меҳмонинг Аллоҳнинг меҳмони” деган гапларни кўп эшитганмиз. Бу оғиздан-оғизга ўтиб келаётган одоб-ахлоқ насихатлари меҳморчиликда турар-жойнинг энг катта ҳажмдаги композицион элементи, ҳовлини ўраб турган хоналарни ўзига бўйсундириб турган доминантаси – меҳмонхонанинг пайдо бўлишига асос бўлган.

Мусулмон аҳли хонадонидagi энг яхши хонани меҳмонга ажратишган. Иложи бўлса турар-жой ҳовлисида алоҳида меҳмонхона қурилган. Меҳмонхоналар бошқа хоналарга нисбатан кенг, ёруғ, баҳаво бўлган. Ташқи ва ички ҳовлиларга бўлинган хонадонларда ҳар бир ҳовли учун алоҳида меҳмонхона қилинган. Ҳар бир ҳовлида ҳам ёзги ҳам қишки меҳмонхоналар бўлган. Кичкинароқ хонадонларда иккита ҳовлида биттадан, битта ҳовли кичкина хонадонларда битта, алоҳида меҳмонхонаси бўлмаган хонадонларда ҳовлидаги энг катта хонада меҳмон кутиб олинган.

Бухоро тарихий уйларини ўлчов амалиёти мобайнида битта ёзги ва битта қишки хонаси мавжуд хонадонни ўргандик. Ушбу турар-жойда ёзги хона катароқ ва баланд, одатдагидай шимолга деразалари билан қараб турибди, қишки хона эса ёзги хонага перпендикуляр равишда бирикиб, шарққа қараб жойлаштирилган. Энг қизиғи шуки, қишки хонанинг кўндаланг деворидан бири ёзги хонанинг бўйлама деворига бирикиб турибди ва шу деворда икки хона орасида 50x60 см ўлчамдаги икки табақали эшик жойлаштирилган. Бу эшик меҳмонга узатиладиган егуликни киритиш учун қўйилган. Хонадонга меҳмон келган тақдирда

меҳмонни ёзги хонада қабул қилишган. Уй бекаси эса номаҳрамга кўринмаслик ёки овоз чиқариб чақирмаслик учун қишки хонадан кичкина дарча олдида чой, нон, ширинлик каби егуликларни қолдириб кетган. Шу тарика бир ҳовли хонадонга меҳмон келганда уй бекаларини ноқулай вазиятга солмаслик учун уста-меҳморлар шундай қизиқарли ечимларни тақдим этишган.

Меҳмонхоналарнинг ички декорига алоҳида эътибор берилган. Меҳмонхона бошқа хоналарга қараганда кўпроқ зийнатланган, меҳмонхонанинг ўзига хос эстетикаси бўлган. Мартабаси улуг меҳмонларга алоҳида иззат-икром кўрсатиш учун меҳмонхона деворларига шохнишинлар ишланган. Бу сарой архитектурасидан олинган элемент. Меҳмонхонанинг кўндаланг ёки бўйлама деворларидан бирига 2,0 м дан ошмайдиган чуқурликда ниша ўйилади, нишанинг эни 2,5-3,0 м гача бўлиши мумкин. Шохнишин хона сатҳидан 30-40 см баланд бўлган. Мартабаси баланд бўлган меҳмонлар чақирилган меҳмонлар ичида алоҳида давра қилиб ўтиришлари учун мўлжалланган.

5. Яшаш хоналарида эшикни қиблага қарама-қарши томонига жойлаштирилиши.

Бухоро тарихий турар-жойларида ота-боболаримиздан қолган одат бор, ётган одам оёғини эшик ёки дераза томонга қўйиб ётади. Бундай ҳолатда ётган кишининг боши қибла томонга қараб йўналади. “Қибла” сўзи луғатда қаршида, рўбарўда турган нарса, дегани. Намозда Каъбаи Муаззама намозхоннинг юзланадиган томони бўлгани учун қибла, дейилади [3]. Шунга кўра ётган киши қиблага оёғини узотмаслиги учун хонани режалаштиришда унинг дераза ва эшиги қиблага қарама қаршидаги деворга жойлаштирилган.

Хоналарнинг эшиги ўрта бўйли одамнинг бўйидан паст бўлган. Бунинг асосида Ислом одоби ётади. Эшикдан хонага кирган одам бошини эгиб, хонадагиларга хурмат кўрсатиб уларга салом бериб кирса, қиблага қараб салом берган бўлади. Шу тарика ота-боболаримиз ёшларга одоб ахлоқ қоидаларини ўргатиб келишган.

Қуръони каримда бундай оят бор: «Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан» (Исро,37).[4, 62.]

6. Турар-жой хоналарида болорлар сони, деразалар сони, нишалар сони каби элементларда тоқ сонларнинг қўлланилиши.

Ҳадис. Убода ибн Сомит розияллоху анҳудан ривоят қиладилар:

“Набий соллalloҳу алайҳи васаллам:

“Ким “Аллоҳдан ўзга илоҳу маъбуд йўқ, У

Ўзи ёлғиздир, Унинг шериги йўқ, ...” [2, 125.].

Аллоҳнинг ёлғизлиги, ундан ўзга илоҳий куч йўқлигини эътироф этган ҳолда меъморлар турар-жойларни лойиҳалаганда тоқ сонига эътибор беришган ва конструкциядан тортиб декорда ҳам шуни унутмасдан, лойиҳаланаётган хонадон эгаларини ҳам шуни унутмасликка чақиради. Тоқ сони ишлатилган айрим мисолларни санаб ўтаемиз:

А) Яшаш хоналарининг узунлиги 7, 9, 11, 13, 15 болорли бўлган, даҳлизлар 5 болорли, мадонлар 3, 5 болорли бўлган;

Б) Яшаш хонасининг катта-кичиклигига қарамадан учта деразаси бўлган;

В) Яшаш хоналарининг мадонга қирадиган девори 3 та нишага, даразага қарама-қарши девори 5 та нишага бўлинган;

Г) Токчабандонда токчалар сони тоқ сонда бўлган.

7. Турар-жой биносининг тарзи оддий, содда, ички ҳовли тарзи ва интерьер сержило нақшлар билан безатилганлиги.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ҳамда ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) муқаррамроғингиз тақводорроғингиздир...» (Ҳужурот, 13). Ислому таълимоти инсоннинг жисмига ва суратларига эмас, балки унинг қалбига ва амалларига боқади. Имом Муслим “Саҳиҳ” китобида Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилади: “...Албатта, Аллоҳ сизларнинг суратларингиз ва жисмларингизга қарамайди, лекин қалбларингиз ва амалларингизга қарайди”. [4, 267.].

Юқорида айтилган гапларни мантиқий давом этсак, инсон ўзининг камолотига эришиш йўлида руҳини пок тушиши, ўзининг ички дунёсини бойитиши, маънавиятини ошириши зарурдир. Буларга эришиш йўлида эса молудавлатга ҳавас қилмасдан, камтарона кўринишда юриши керак.

Ҳазрат Али Умарга (розияллоху анхумо): “Икки дўстинг (Пайғамбар ва ҳазрат Абу Бакр)га қўшилишни истасанг, ямоқ қўйлақ ва ямоқ пойабзал кий. Ҳою ҳавасга берилма.” [5, 112.].

Камтарона кийиниш мусулмонларга суннатдир. Мусулмон инсоннинг намунавий образи – ташқи кўриниш оддий, камтарин, ички дунёси эса Оллоҳга муҳаббат ва илму олишга ташналик билан яшайдиган мўмин одам кўринишида гавдаланади. Шундай экан, уста-

меъморлар ҳам, ўз санъат асарларини мўмин мусулмон образига яқин қилиб ишлаган. Яъни, Бухоро тарихий турар-жойларини кўздан кечирар эканмиз, турар-жой хонадон эгасининг ижтимоий келиб чиқиши, моддий имконияти қандайлигида қатъий назар хонадонларнинг ташқи тарзлари жудда оддий ва ҳатто примитив кўринишда эканлигини кузатамиз. Лекин турар-жой ҳовлисига кириб боришингиз билан бутунлай бошқача манзара кўз олдингизда намоён бўлади. Ҳовлининг ўзига хос эстетик кўриниши, меҳмонхоналарнинг сержиллолиги инсонни ҳайратга соладиган даражада моҳирона ишланган. Интерьердаги ҳар бир детал мукамал ва катта эътибор бериб ишланган. Бу билан уста-меъмор гўё мусулмон инсоннинг қандай кўринишда бўлиши кераклиги кўрсатаятгандай. Демак, турар-жой ҳовлисининг экстерьер ва интерьерлари Ислому дини фалсафаси асосида тарбиявий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, уста-меъморлар Бухоро тарихий турар-жойларининг асосий композицион ечимларининг шаклланишида (ҳовлиларнинг бўлиниши), конструкциянинг деталларида (болорлар сони), хоналарнинг жойлашувини аниқлашда (хонанинг эшиги ва деразаси қиблага нисбатан жойлашиши), тархий ечимда (меҳмонхоналар ичида мадонларнинг жойлашуви, кириш қисмини ташкиллаштиришда), ҳажмий-фазовий ечимда (меҳмонхонани ҳовлидаги энг катта ҳажмдаги хона бўлишида), экстерьер ва интерьердаги деталларни ишлаганда (экстерьернинг оддий, интерьернинг сержиллолиги) Ислому фалсафасига асосланиб, шарият қонун-қоидаларига таяниб, Ислому маънавиятини тарғиб этувчи маданият намоёндалари сифатида хизмат кўрсатишган.

Шундай экан, Бухоро тарихий марказида турар-жойларни қайта тиклашда юқорида айтиб ўтилган ечимларга асосланган ҳолда янги турар-жойларни лойиҳалашимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Дилбар Ақобирова, “Юсуф Ҳамадонийнинг “Одобу Тариқат” асаридаги бунёдкор ғоялар”, Тошкент, “Наврўз”, 2018.
2. “РАСУЛУЛЛОҲ соллалоху алайҳи васаллам”. Таржимон: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “SHARQ”, Тошкент 2011.
3. savollar.islom.uz
4. Усмонхон Алимов “Оилада фарзанд тарбияси”, Ўзбекистон мусулмонлари нашриёти, Тошкент, 2014.
5. Абу Ҳомид Ғаззолий, “Муқошафатул кулуб” (Қалблар кашфиёти), “SHARQ”, Тошкент, 2016.

УДК 691.53

**ШЎРЛАНГАН ВА НАМ ХУДУДЛАРДА БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ
ЭКСПЛУАТАЦИОН МУДДАТЛАРИНИ ОШИРИШ**

Рахимов Р.А. - техника фанлари доктори, профессор
Мадрахимов Х. - тадқиқотчи; **Атаджанов М.К.** - талаба
Урганч давлат университети

2020 йилдан Ўзбекистоннинг Хива шаҳри Турк дунёсининг маданий пайтахти деб эълон қилинди. Халқаро турк маданияти ташкилоти – ТУРКСОЙ туркий халқларнинг дўстлиги ва ўзаро ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш, умумий турк маданиятини келажак авлодларга етказиш мақсадида фаолият олиб боради. Шарқ гавҳари ҳисобланган Хива шаҳри узининг архитектура-си билан дунёни лол қолдирган. Неча йиллардан бери узининг чиройи ва маҳобатини сақлаб турган ичан қалъа мажмуаси Хоразмлик меъморларнинг маҳорати ва билими қай даражада юксак бўлганлигига яққол далилдир.

Жаҳоннинг улкан майдонларини ташкил этадиган қуруқ иссиқ иқлимли ҳудудларда, кескин ўзгарувчан Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбий қисмида, Амударёнинг куйи оқимининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган, шимол ва шимолий шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубдан ва жанубий-ғарбдан Туркменистон Республикаси билан чегараланади. Иқлими кескин континентал, ёзги даврда кундузлари нисбий намлик 10-20% гача тушса, кечки вақтда у 50-70 % гача кўтарилади. Бу ҳудудларда булутли кунлар жуда кам учрайди, унинг ҳиссаси 5% дан ошмайди. Бундай омиллар кундузлари ҳавонинг исиб кетишига, кечқурунлари эса унинг совушига олиб келади. Ёғингарчилик кўп учрамайди. Айниқса Қарақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва бошқа бир қатор вилоятларда қор ва ёмғир жуда ҳам кам ёғади. Тез-тез шамол бўлиб туради. Кундузлари шамол эсиши кучайса, кечқурунлари сусайиб қолади. Бундай иқлим шароити, яъни кундузлари ҳароратнинг кўтарилиб, нисбий намликнинг кескин пасайиши ва кучли шамолларнинг эсиб туриши ер сиртида тўпланиб бораётган тузларнинг кўчишига ва оқибатда атроф - муҳитни ифлосланишига, конструкцияларни коррозияланишига олиб келмоқда.

Хоразм вилояти ва Қарақалпоғистон Республикаси ҳудудларида кенг миқёсида олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб шўрланган ва нам ҳудудларда ер ости агрессив (шўрланган) сувлари сатҳининг юқори даражада бўлиши дарахтларнинг баланд ўсишига йўл қўймайди, вақт ўтиши билан дарахт илдизлари шўр сувга етгач, уларнинг қуриб қолиш ҳоллари юзага келмоқда. Бу ҳолат эса ушбу ҳудудларда тарихий обидаларни умрбоқийлигини оширишда, одамларни яшаши ва иншоот-

ларни эксплуатация қилиш шароитларини яхшилашга халақит беради. Табиий иқлимнинг мураккаблиги кишиларнинг ўзларини ҳис қилишига ва соғлигига салбий таъсир этади.

Азалдан Хоразм воҳасининг тупроғи ҳар хил даражада шўрланиб келинган. Шу сабабли, тупроқ шўрлигига ва шўрланиш даражасини пасайтиришга қарши давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ер ости салбий (шўр) сувлари сатҳининг юқори даражадалиги қишги даврда грунтларнинг музлашига ва кўпчишига ҳам олиб келади. Иссиқ иқлим шароити бетонлаш ишларини бажариш жараёнида технологияга жиддий таъсир кўрсатади. Қурилиш жараёнлари технологиясини мураккаблаштиради, ортиқча сарф харажатларга олиб келади. Шу сабабли, қуруқ иссиқ иқлим шароитида қурилиш жараёнлари технологиясининг ўзига хос хусусиятларига тўла амал қилмаслик, самарали ва қулай технологик ечимларни қўлланмаслик бино ва иншоотларнинг нархини оширади, уларнинг хизмат муддатини кескин камайтиради ва оқибатда иқтисодиёт бундан катта зарар кўради. Шунинг учун ҳам қуруқ иссиқ иқлимли шароитда бино ва иншоотларни барпо этиш ва эксплуатация қилишда баъзи бир қоидаларга риоя қилиш керак бўлади.

Республикамиз капитал қурилиш соҳасида саноат ва махсус иншоотларнинг эксплуатацион мустаҳкамлиги ва умрбоқийлигини оширишга қаратилган самарали лойиҳалаш технологияларини жорий этиш юзасидан кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “.....қурилиш, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфротузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурлар амалга ошириш” вазифаси белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, табиий иқлим шароитида шўрланган ва нам ҳудудларда бино ва иншоотларни эксплуатацион ҳолатини ҳисобга олувчи лойиҳалаш, қуриш ва прогнозлаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсидаги тадқиқот натижаларига асосланиб шўрланган ва нам ҳудудларда бино ва иншоотларни жорий ва капитал таъмирлаш аниқланиб, бойитиш жараёнларида хом ашё-

ларнинг таркиби ва хоссалари таъсири ўрганилди. Урганч давлат университети олимлари тамонидан олиб борилаётган тадқиқотлар шўрланган ва нам худудларда бино ва иншоотларни эксплуатацион муддатларини ошириш технологиясини жорий қилишда маҳаллий хом ашёларни чуқур ўрганиш, шўрга чидамли, оловбардош материаллар ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашё базасини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, бажарилган илмий-тадқиқот ишлар натижасида шўрга чидамли юқори оловбардош материаллар ва махсус турдаги техника керамика материалларини ишлаб чиқаришга эришилган. Шунга қарамадан, Хоразмлик меъморлар маҳобатли биноларни қуришда ўзига хос ечимдан фойдаланиб, бино пойдеворларини қамиш ва ёғоч билан гидроизоляция қилишган. Бу услубни қўллаш билан меъморлар ҳам бинони зилзилабардошлигини оширишган, ҳам бинони ер ости сувларидан гидроизоляция қилишган. Биламизки пойдевор мустаҳкамлиги бино умрини давомийлигини белгилаб беради. Ичан қалъа мажмуасидаги аксар биноларнинг пойдеворлари ер ости сувларининг кўтарилиши сабабли намланиб, яроқсиз аҳволга келиб қолган. Буни натижасида намлик девор сатхи бўйлаб кўтарилиб деворлар емирила бошлаган. Бундай ҳолатларни текшириб олдини олишда мутахассисларимиз бир қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Чунки бино гидроизолаторининг ҳолатини бинога шикаст етказмасдан аниқлаш услуби бугунги кунда мавжуд эмас. Қадимий бино иншоотларга шикаст етказилса уларни қайта ўз ҳолига келтириш осон бўлмайди. Ўз ҳолига

ташлаб қўйилса намлик деворларни емириб тугатади. Агарда биз иншоотларнинг гидроизоляцияси ҳолатини бинога шикаст етказмасдан аниқлаш услубига эга бўлсак, қадимий меъросларимиз бўлган биноларни сақлаб қолиш ва реконструкция қилишда бир қатор енгилликларга эга бўламиз.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида биз қадимий бино иншоотларнинг гидроизоляцияси ҳолатини бинога шикаст етказмасдан аниқлаш услубини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқдамиз. Биз ишлаб чиқадиган услуб билан бино пойдеворидagi гидроизолаторларнинг ҳолатини ва айнан қайси қисми яроқсиз ҳолатда эканлигини, бинога умуман шикаст етказмасдан аниқлаш имконияти беради. Ҳозирда ушбу услубни яратиш устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, бир қатор фикр ва ғоялар илгари сурилмоқда. “Таркиб-структура-хосса” термик ишлов берилганда ҳосил қилинган композицияси асосида Хоразм вилояти шароитида сульфатли муҳитлар таъсирига чидамли бино ва иншоотларни юқори мустаҳкамликка эга эксплуатацион муддатларини оширишда минералогик, физик-кимёвий тавсифларини ва функционал кўрсаткичларни аниқлаш имконини берувчи классик ва замонавий текшириш услубларидан фойдаланиб махсус ўлчов мосламаларини ишлаб чиқиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Лойиҳада режалаштирилган натижалар шўрланган ва нам худудларда бино ва иншоотларни жорий ва капитал таъмирлаш орқали амалиётга татбиқ этиш шу куннинг долзарб вазибалардан ҳисобланади.

УДК. 72.036:72

CULTURAL HISTORIC LANDSCAPE IN THE CITIES OF CENTRAL ASIA AND WAYS TO THEIR MODERNIZATIONS

Fayzullaev N.R. - aging teacher of Bukhara engineering-technical institute

Мақолада Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг меъморий муҳитини муҳофаза қилиш ва қайта тиклашга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқот ишининг мақсад, вазибалари, янгиллиги ва олиб борилган изланишлар асосида қилинган хулосаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

В статье идет речь о целях, заданиях и о новшестве проводимой научно-исследовательской работы которая направлена восстановлению и сохранению исторической среды в древних городах Узбекистана.

In the article special attention is given to the purpose, problems, novelty and conclusions of scientifically-practical research directed on preservation and restoration of historical values of Uzbekistan.

Samarkand is deservedly considered the "pearl of East". Its unexcelled masterpieces, creation of hands of architects for many centuries and they are well preserved for descendants and were called as "Crossroads of cultures", "Rome of the East". In the epoch of Amir Temur it was "called as" a shining star of the Earth".

Samarkand – is a contemporary to the "eternal city" Rome, founded according to the latest data of

archeological researches, approximately 2750-2800 years ago. About this witness the monuments of the culture, discovered by scientists of Uzbek-French expedition in the course of excavations of the last years and studies of town fortress walls with gates of the site of ancient town Afrasiyab (Marakand). According to believe of many foreign scientists, due to the preserved cultural historic landscape, the city has had the enormous influence

upon the development of Islamic architecture in all region - from the Mediterranean to the Indian subcontinent, realizing, in its content, the most significant periods of cultural and political life in Central Asia, from ancient times till present.

The necessity of more efficient integration and precise definition of the strategy on conservation of cultural historic heritage in such cites, within the framework of wider purposes of a stable development, directed on conservation. This necessity offers to use a special approach in a broader context by means of functional use of the given landscape and separate objects in their space in definite aims. The given task requires the account, studies, interaction of physical forms of buildings, spatial organization and relationships of volumetric structures, knowledge of natural peculiarities and conditions, social, cultural, everyday life and economic valuables of the environment of the historically established landscape.

Samarkand glorified in centuries as the well-known center of Islamic science and culture. The primary-sources say that the quantity of madrasas and mosques in Samarkand, religious scholars in early medieval time, were more, than they were, in all Moslem countries taken together. In spite of the fact that a number of early medieval buildings, mentioned above: mosques, madrasas and other buildings of old times not preserve today. The tendency to rehabilitation, reconstruction and construction of such new complexes on the modern stage is developed on the modern stage.

The correct chosen functional use of a reconstructing or restoring historic-cultural object with its surrounding, helps to better realization of invaluable creations of their own protectors, left in heritage to a new generation on the following centuries.

For the last half of a century conservation of town heritage became the important state policy all over the world. This is the answer for the necessity to conserve joint valuables and fruitful use of town-planning cultural heritage. Transition from accentuation attention on architectural monuments to wider recognition of the important of social, cultural and economic tasks, in order to conserve town-planning value - cultural historic landscape, it must be supported by striving to adapt the existing policy, related to "environmental perception" of the monument and to create new mechanisms for the development of this concepts, to modernize it.

In this sense, speaking about problem of the safety "background" surrounding - cultural historic landscape, it is possible to speak and visa-versa, it is impossible imagine their safety, also, without separate monuments of architecture with their graceful artistic-decorative ornaments. The value of historic environment is in that it has a concrete

inimitable appearance due to each separate architectural monument causes by which it calls interest to itself, whether it is architectural-artistic masterpiece in the type of a solitary monument or an ordinary of mass construction - standard traditional dwelling.

Our epoch is a witness of the largest people migration in history. At present, more than half of world population lives in city districts. However quick and uncontrolled migration and urbanization can very often bring to social and spatial fragmentation and a sharp deterioration of the quality of surrounding conditions in towns. There is also deterioration from progress, when tempestuous development of reproducing forces of society approaches on defenseless historic past and changes its the latest achievements. Man can be a creator of the beauty and can be a distracter. Human activity generates positive and negative tendencies in this sphere alongside with construction building progress, it is important for specialists to know, see, check and regulate the process. The cultural policy of Uzbekistan, is directed to the way of creation. Liquidations of new buildings not irrelevant to the requirements of the historic cultural landscape is the primary task of such policy. The part of this policy is recreation of "mass constructions" of the past epochs, in connection with their decay, it does not often satisfy us today, that is way we have to refuse from them.

If to be more exactly, we are trying to restore the past historic environment around monumental monuments, on the place of pulling down buildings, not presenting historic value of new building of the previous century in the space of many-centuries cultural landscape. One of the main serious argument of opponents of such process is the instruction that in modern urbanization, there are enormous amount of examples when historic objects "beautifully" get along with new, "not native" buildings. Yes, we had such examples but these unsuccessful examples of buildings were created in the period of stagnant time of the previous century. In searches of "beauties of its time" architects of the late past epoch did not consider with neither historic tradition in architecture nor with national values. Public buildings and structures of gigantic volume were introduced in historic zones which deformed historic environment, disturbed proportions and scale. Ancient monuments of the past in encirclement of "strange, not native elements" lost their greatness, monumental value and artistic – decorative values. Historic environment around the central town ensemble Registan at the end of the last century was changed in to such environment. Encircled around "not native" buildings the of large volume - a school, a museum, cinemas, restaurants the ensemble looked

like an artificially erected model. New buildings "intruding" in historic landscape of the city not only reduced the image of the monuments of the past to ordinary objects, but simply reduced artistic – compositional influence on man. Unforgivably, that in this process, the loss of artistic phenomena occurred and consequently mission of national architecture.

So, a city "historic fabric" is multilevel structural space and one of the elements of this structure, moreover, the most mass is the above – mentioned traditional of the same type "background" building. Exactly "background building" forms that town structure, in which later on accents and dominants of public buildings are intertwined with mosques, madrassas, trade-cupola buildings and caravan-serais.

Fortunately in Uzbekistan for the last two decades scientific and practical base are consequently strengthened by means of which a number of historic monument architectures are restored, and continue to be restored, historic environment is cleaned from new buildings and it is which returns their to a primordial type. So, powerful analytical complex is created, preceding to designing, which includes in itself a number of researches as both historic environment, monuments and sociological data, revealing various tendencies and new town-planning peculiarities, realizing in modern practice. The presence of such studies of scientific-practical activity brings to release from the objects, destroying historic environment from concrete buildings, the abundance of glass on their facades, many-storied levels which are in many cases in discordant to domestic experience and historic building traditions. Under such development, it is quite possible to get an integral and natural project of the development of the whole town-planning structure of the environment and objects in it. The given approach will create conditions for appearance of the appropriate objects corresponding to the requirements and standards of historic traditions and will restore the deformed "fabrics" "background" building of historic landscape.

The medieval part of Samarkand city forms the complicated complex of social-economic, construction-technical, architectural-artistic, engineering, as well as sanitary-hygienic factors. Their nature defines social formation, the level of culture, national-traditional peculiarities, natural-climatic conditions of the region.

In by gone days, the towns of such cultural landscape had a three-part structure - a citadel, shakhristan and rabat. They were surrounded by walls, inside of which locked dwellings were tightly situated. The old town nucleus "shakhristan" mixed with trade-craft suburb "rabat" where noisy business life was in full swung

and surrounded by external ring of walls with a number of gates. The gates of citadel, as a rule, went out to a large central square.

The ensemble Registan in Samarkand was situated in such square. It presents not a large group of several buildings with front facade, pointing to a central square of the city. And the whole this not a complex ensemble is surrounded by carpet, residential, standard, "background" building of a mass nature – a traditional dwelling. The carpet building inside the town with narrow labyrinth of the streets in its planning and spatial structure, with a small central squares of mahalla (residential quarters) architectural ensembles - a distinctive peculiarities of cultural historic landscape.

The inimitable peculiarities of visual perception of the given environment forms artistic-decorative decisions of public buildings. Their facades and interiors brightly decorated by mosaic and majolica, carved pillars and ceiling in space interiors and exteriors of the given object supplement historic furnishing of the whole surroundings of the monument promoting to dominate the monument itself in the same type of environment.

The primary task of cultural policy of the country today is concentrated on conservation of the cultural historic landscape, which comprises in itself the monumental monuments of the past, "background environment", gardens and parks. With them, in its turn, nonmaterial spiritual heritage of Samarkand is connected. It is a life base of forming cultural historic landscape of the city, connected with traditional social-everyday lifestyle of the local population.

Proceeding from the text of the report stated before, we can come to conclusion that:

- speeding and frequently uncontrolled town-planning development brings to deformation and damages of town heritage with deep consequences for communal valuables all over the world;

- the presented offer, on the problems of the use of historic town landscapes as one of the approaches to conservation of town heritage, it can be surely said that it is oriented on conservation of the quality of environment, surrounding man, on the assistance of productive and stable use of town space. It provides integration of the purposes of conservation of town historical landscape and cultural-economic development. The offer is founded on the balanced and firm intercommunications between town historic environment, its landscape, between needs of the present and future generations and heritage of the past;

- the approach, oriented on conservation of historic town landscapes, neighboring gardens, allows to increase knowledge on base of traditions and ideas of local communities at simultaneous

respect of valuables national and international associations.

This task corresponds to the requirements of worldwide congress of the International Federation of architect-landscape painters (IFALP) and correspond to the international conventions about historic landscape of UNESCO.

УДК: 72.03.

НАВОИЙ ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИДА МЕЪМОРИЙ-ҚУРУЛМАВИЙ УСУЛЛАР ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Яхяев А.А. - катта ўқитувчи,
Ташкент архитектура-қурилиш институти

Ушбу мақолада Темурийлар даври шаҳарсозлик анъаналарида шаклланган, лекин турли урушлар ва босқинлари оқибатида вайрон бўлган Ҳирот, Навоий яшаган вақтларда бир мунча тикланганлиги тушунилади.

Калит сўзлар: меъморчилик, гумбаз, мадрасалар, хонақолар, масжидлар, қарвонсарой-работлар, шифоналар, савдо расталари, тимлар, кўприклар, боғ-саройлар.

В статье приводится, как в Ираке во времена Навои восстановлены традиции городского планирования, сформированные во времена Темуридов, которые были разрушены различными войнами и завоеваниями.

Ключевые слова: планирование, купол, медресе, дома, мечети, караван-сарай-больницы, больницы, торговые центры, бревна, мосты, парки и дворцы.

This article explains how the Timurid era was rebuilt during the time of Herod and Navoi, which were formed in urban planning traditions but destroyed by various wars and occupations.

Keywords: architecture, the dome, madrassas, houses, mosques, caravanserai-hospitals, hospitals, shopping malls, timbers, bridges, parks and palaces.

Алишер Навоий (1441-1501) яшаган даврлар Темурийлар меъморчилигининг сўнгги босқичларига тўғри келади. Мовароуннаҳрда ўзаро тахт талашини урушлари содир бўлаётган вақтда Хуросон тахтига ўлтурган Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида (1469-1506) пойтахт Ҳирот ва Марказий Осиёнинг Бойқарога тобе ерларида Темурийлар меъморчилиги анъаналарига хос бўлган иншоотлар қурилиши давом этган. Қариб 30 йил давлат амалларида хизмат қилган Алишер Навоийнинг бу ишларида хизмати катта ва аҳамиятли бўлган. Унинг даврида ва бошчилигида мадрасалар, хонақолар, масжидлар, қарвонсарой-работлар, шифоналар, савдо расталари, тимлар, кўприклар, боғ-саройлар бунёд этилди. Салтанатнинг қай ерига бормасин, Навоий бунёдкорлик ишларида раҳнамолик қилди.

XV асрга келиб, Марказий Осиё меъморчилигида Амир Темур ва Мирзо Улуғбек иншоотларида мужассам бўлган ғоялар ва ечимларнинг айримлари муҳим анъанавий кўринишга эга бўлган эди. Уларга асосланган иншоотлар қурилиши XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда ва айниқса Ҳиротда давом эттирилган. Ҳирот бу даврда Шоҳрух асос солган йирик маданий марказ бўлиб, мамлакат ва чет ўлкаларнинг машҳур олим-шоир, меъмор, усталари Алишер Навоий қошига йиғилган эдилар. Бобурнинг тили билан айтганда “Султон

Literature:

1. Akhmedov M.K. // «History of the architecture to Central Asia» Т.1995.,140 p.
2. Nozilov D.N. // “Interior in architecture of the Central Asia” Т. 2005 ,144p.
3. Kodirova T.F. // “Ways of the architectural rebirth Uzbekistan for XX-begin XXI c.” Т. 2007. 304 p.

Хусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Хирий шаҳри мамлу (тўла) эди. Ҳар кишининг ким бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни қамолга тегай”, шунингдек Алишер Навоийнинг бу борадаги хизмати ҳам юксак экани “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай” сўзлари далолат қилади [1].

Алишер Навоий даври меъморчилиги ва қурилишида меҳнат тақсимоли тугал ҳолга келиб шаклланган ва жамиятдаги Темур тузуқларида кўрсатилган табақаланиш даражасида меъмор-усталар 8-ўринни эгаллаган эдилар. Бу 11-даражадаги хунарманд-қосиблар табақасидан анча юқори ўриндир. Умуман Темур тартибга келтирган 12 поғонали тизимда 8-ўринда бўлиш бу меъмор муҳандисларнинг жамиятда эътиборли шахслар эканидан далолат беради, ва уларга муҳим давлат қурилишлари ишониб топширилган [2]. Навоий раҳнамолигида бу меъмор ва ҳунар усталарининг ижоди янада раванқ топиб, уларнинг ўзига хос уюшмаларини ташкил этиб ҳар бирига қалонтар (бошлиқ) тайин қилган (Хондамирнинг гувоҳлик беришича). Бу ўз навбатида машҳур меъмор усталарнинг мамлакатнинг турли ерларида қуриладиган муҳташам иншоотлардаги ижодий раванқларини ошишига имкон берган.

Бу жараён Темурийлар давридан амалиётга киритилган эди. Бизгача етиб келган турли меъморий обидалардаги ёзувларга караганда меъмор Аҳмад ибн Шамсиддин Табризий Машҳаддаги Масжиди Шоҳийни қуришда қатнашган, Шоҳрух саройи меъмори Қавомиддин эса Шерозлик бўлиб у Ҳирот, Машҳад, Ҳаргирд шаҳарларидаги бинолар қурилишини олиб борган, Ҳиротлик хаттотлар Абдуллоҳ, Тарбоҳ ва Шамсиддин Бойсункурлар Машҳаддаги Имом Ризо зиёратгоҳи масжидини безаганлар. Темурийлар даври шаҳарсозлик анъаналарида шаклланган, лекин турли урушлар ва босқинлари оқибатида вайрон бўлган Ҳирот, Навоий яшаган вақтларда бир мунча тикланиб улгурган эди. Ўзининг қадимий чегараларида, Шоҳрух ҳукмронлиги замонидаёқ, темурийлар шаҳарсозлиги ғояларида унинг ҳисори ва бошқа бўлақлари қалин девор билан ўраб олинган эди.

Ҳиротнинг ҳисор қисмида ҳукмдор қалъаси, саройлари, асосий бош бозори, масжиди Жоме, шаҳарнинг аҳолисини айрим табақаларининг турар жойлари, сарой-қасрлари жойлашган эди. Шаҳар ташқарисида эса боғ-роғлар, ҳукмрон ва ўзига тўқ хонадонларнинг кўшклари, айрим зиёратгоҳлар жойлашган эди. Ҳирот ҳисоридида мустақкам кўрғон-Ихтиёриддин қалъаси ажралиб туради. Ҳиротда ҳам Шаҳрисабз каби икки шоҳ кўчалар Чорсуда ўзаро кесишган. Нисбатан сувга камчил Ҳиротда сув таъминоти Инжил канали ва қудуқлар орқали амалга оширилган. Темурийлар шаҳарларидан Ҳирот, Шаҳрисабз ва Марв умумий тархий шакли тўрт бурчакка яқин, паҳса девор билан ўраб олинган, баъзи қисмлари, масалан, Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси ғишт билан қоплама қилинган. Шаҳар девори бўйлаб, эни 10-15 метрли чуқур хандақ билан ўралган, дарбозалари қаршисига осма кўприк қилинган. Темурийлар даври Ҳиротда деворлар ораси 6-7 метрли кўш қават параллел деворли бўлган. Чамаси, қурувчилар дастлабки деворни қайта тиклаб, янгисини ҳам қурганлар.

Ҳимоя деворларида доимий қилинадиган айлана буржлар маълум масофада мустақкам истехком кўринишида қилиниши бу давр фортификация иншоотларида ҳам анъанавий бўлган. Ҳиротда бундай буржлар 149 та эди. Уларнинг баъзиларини номи ҳам сақланиб қолган: шимолий шарқий бурж Али Асад минораси, жанубий-шарқийси-Хариф минора, шимолий-ғарбий-Шамониён, жанубий-ғарбийси эса Хокистор минораси деб аталган. Шаҳарга ёндошган худудларда боғ-ҳиёбонлар жойлашган эди. Ҳиротдаги Ҳиёбон (узунлиги 6 км) машҳур бўлиб, унинг икки атрофида кўркама бинолар жойлашган эди. Бу ҳиёбон ҳақида Навоий ҳам сўз юритган, “Одамлар қачонлардан жаннатга

тўғри йўл кидирадилар, билгилки, Фоний у Ҳирот ҳиёбонидан ўтади”.

Шаҳар атрофидаги меъморий иншоотлар тор шаҳар қурулмаларидагига караганда эркин тархий ечимга эга бўлиб, меъморларга тугал меъморий мажмуалар яратиш имконияти мавжуд эди. Сарой аёнлари, ҳукмдорлар саройлари, турли зиёратгоҳлар, хонақоҳлар атрофдаги ҳиёбон ва боғларга кўшилиб кетган эди. Ҳиротдаги бу ҳолат умуман Темурийлар даври шаҳарларига хос бўлган, Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Тошкент шаҳарларининг тарихий топографиясини ўрганганда, бундай шаҳарсозлик тизимининг асосий ғоялари кузатилади. Навоий даври меъморчилигидаги қурилиш материалларидан пишиқ ғишт, тош, мрамор, ганч кўп ишлатилган. Ёғоч, йирик иншоотларда панжара, эшик учун ишлатилган. Уларнинг нодир ўйма безакли намуналари Самарқанддаги Гўри Амир, Шаҳрисабздаги Шамсиддин Кулол мақбаралари, Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи эшикларида сақланиб қолган. Алишер Навоий иншоотларида ҳам бундай безакли эшиклар ўрнатилганига шубҳа йўқ. Навоий замонаси меъморчилигида Темурийлар қурулмавий анъаналари сақланиб қолган: ўзаро-кесишувчи равоқлар, баланд пойгумбазли ёпилма тизими, пештоқларнинг баланд ва серҳашам бўлиши бу давр меъморчилигида ҳам хосдир.

Равоқ, кубба, гумбаз шакллари ҳам турли туман бўлиб, қурулмалар тизимидан келиб чиққан. Равоқлар уч ва тўрт марказли ёйсимон кўринишда бўлиб эллипсининг икки тармоғининг кесишувидан ҳосил қилинган.

Квадрат, тўғри тўртбурчак тархли хоналарни ёпишда асоси салибсимон ва балхи куббалар қурулмаси кўп ишлатилган.

Бағалларнинг ҳам ранг-баранг шакллари аниқланган. Ҳазнадаги Абдураззоқ мақбарасида Шаҳрисабздаги Ҳазрати Имом мақбарасидаги поғонасимон торайиб борадиган равоқли бағаллар каби қурулма ишлатилган. Ёғоч тўсин ташлаб усти равоқли бағал қурулмалар Мовароуннаҳр ва Хуросон иншоотларида ҳам учрайди. Бундай бағаллар равоғи ичкараси ганч муқарнас элементлар билан тўлатилади. Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси (Туркистон), Бибиҳоним мақбараси (Самарқанд), Гавҳаршод бегим масжиди (Машҳад) иншоотида бу турдаги қурулмалар мавжуд бўлган.

Машҳаддаги Гавҳаршод бегим масжидида (1405-1418й) меъмор Қавомиддин Шерозий биринчи бор кенг гумбазни мураккаб елканли бағаллар тизимига ўрнатди. Асосий ўқда ўн икки кирраликни ташкил этувчи квадратларнинг чап-ўнгга бурилишидан ташкил этган бу бағаллар кейинчалик Хуросон ва Мовароуннаҳр меъморчилигининг XV асрнинг иккинчи

ярмидаги ривожда турли вариантларда яратилган. Геометрик жихатдан улар саккиз, ўн, ўн икки, ўн олти, йигирма тўрт қирраликнинг проекцияси асосида ташкил топган бундай қурулмаларнинг турли кўринишлари Анаудаги масжидда, Тўрбати Шайх Жомеда, Зиёратгоҳда (Хуросон), Ишратхона ва Оқсарой (Самарқанд), Ҳаргирддаги Фиёсия мадрасаси, Кўхсанддаги Гавҳаршод масжиди (Хуросон) каби биноларда қўлланилган. XV аср охиригача бу қурулма Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигида ҳукм суриб келди.

XIV асрдан бошлаб чўзиқроқ тархларда равоқларнинг параллел жойлашувига асосланган ва уларнинг ярмидан бошлаб кўндаланг равоқлар орқали гумбазга ўтиладиган қурулмалар пайдо бўла бошлаган эди. Гумбаз ости қурулмаларининг бундай ечими темурийлар меъморчилигида ҳам тажрибадан ўтган: Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги икки хонада, Туман оғо мақбарасининг масжидида, Ҳиротдаги Абдулла Ансорий, Кухсандаги Гавҳаршод мақбараларида, шунингдек Ғиждувондаги Улуғбек мадрасасида, Иезд шаҳридаги Масжиди Жомеда унинг айрим кўринишлари ишлатилган эди. Равоқларнинг учрашган қисмидаги бўшлиқлар ганч қоплама қилинарди. Бундай равоқли қурулманинг кейинги босқичида уларни ўзаро кесиштириш бўлди. Асосий равоқлар тўрт таянчдан чиққан ва юқорида кесишиб гумбаз пойини ташкил этади.

Бу тизимнинг афзаллиги: гумбаз диаметрини деярли икки баробар камайтириш, асосий оғирликни деворнинг саккиз бурчагига тушириш, ён томонларда тўртта энли тоқчаларни пайдо бўлиб хонани кенгайиш имкониятини келтириб чиқаради. Ҳиротдаги Гавҳаршод бегим мақбараси ва Ҳаргирддаги мадраса дарсхонаси гумбазларида меъмор Қавомиддин Шерозийнинг яратган бу турдаги қурулма тизими ғоятда нодир намуна бўлди. Гумбаз ичкарасида қуйма ганч муқарнасларнинг нозик ва мураккаб шакллари, турли бетакрор композициясини яратиш имконияти очилди.

Ҳиротдаги Гавҳаршод мақбараси, Ҳаргирддаги мадраса, Машҳаддаги Масжиди Шоҳда, Самарқанддаги Ишратхона ва Оқсарой ички кўринишларидаги бундай ганч куббалар Марказий Осиё меъморчилигида янгича фазовий-пластик бадий эффе́ктини яратувчи турлитуман меъморий шакллари яратилганига далолат бўлади. XV аср Хуросон меъморчилигида давом этган Темурийлар даври аънавалари кейинги асрлар учун ҳам умумий йўналиш бўлиб қолди.

XV аср Темурийлар иншоотларида кенг тарқалган кошин безак усуллари Навоий даври меъморчилигида ҳам аҳамиятини йўқотмаган

эди. XI-XII асрлардан бери ривожланиб келаётган геометрик нақш гириҳ безак гулларини йирик иншоотлар сатҳларида қўллаш имконияти математика фанининг ютуқлари асосида беқиёс ўзгариб юксалди. XV асрнинг иккинчи ярмидан турли рангли нақшлар яратиш ҳам яна ривожланди. Ранглар ганч ёки қизил кесак сувоқ устига ҳам туширилиб турфа хилма-хилликдаги гулларни, тасвирларни яратишга ҳаракат кучайди.

Хуросон иншоотларида девор сатҳида юза нақшлар қилинган бўлса, Мовароуннаҳр бинолари ички безагида бўртма “кундал” услубидаги нақшлар кўп ишлатилди. Кундал устига тилла ҳал юритилган кўринишлари бино ички қурулмаларидан куббалар, бағаллар, муқарнаслар сиртига ҳам жойлаштирилди. Боғ-саройларда маълум мавзуга оид тасвирий нақшлар ҳам бажарилган. Темурийлар даври Ҳиротидаги Баргоҳ (XIV аср) саройи деворларида жанг тасвири ҳам туширилган эди. Шоҳрух саройида ҳам ов, элчилар қабули мавзуларига оид тасвирий безаклар ҳам мавжуд бўлган. Бу монументал тасвирий санъат асарлари кейинги даврларда исиз йўқ бўлиб кетган. Алишер Навоий даври меъморчилиги маҳобатли сарой, мақбара, масжидлардан ташқари оддий аҳоли, ҳунарманд-савдо аҳли учун кўплаб қурилган иншоотлари билан ҳам ажралиб турган. Чорсу, тимлар, расталар, карвонсарой-работлар, кўприк, ҳовуз, яхтанг-сардобалар қурилиши ҳам кенг кўламда олиб борилган. Алишер Навоий карвонсарой-работларнинг ўзидан 50 га яқинини қурдиргани ҳақида тарихчилар маълумот берадилар. Ҳаммом, шифохоналар қурилиши, боғ, хиёбонлар, каналлар бунёд этиш ҳам бу давр меъморчилигининг асосий хусусиятларида эди [3].

Темурийлардан аънава бўлган меъморий боғлар тузиш Навоий даврида ҳам давом этган.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврларидаги меъмор-чиликнинг маънавий асосида Алишер Навоий каби раҳнамоларнинг фаолияти туфайли инсонпарварлик ғоялари ётган бўлиб, бу ижодий жараёнда қатнашган меъмор, наққош, усталар ҳам ҳар томонлама камолотга етишиш учун ҳаракат қилганлар. Уларнинг бу ҳаракатлари Алишер Навоий қурдирган меъморий иншоотларида ҳам мужассам бўлган.

Адабиётлар:

1. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т. 1989.
2. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии. XV век. Т. 1976.
3. Всеобщая история архитектуры. Т.8. М. 1969.

ШЕРДОР МАДРАСАСИ ПЕШТОҚИ БЕЗАКЛАРИНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОСИ ҲАМДА МЕЪМОРИЙ ЕЧИМИ

Жураева Э.Э. - стажёр ўқитувчи

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Меъмор Абдуҷаббор шердор мадрасасининг пештоқини шундай безайдики, бу ҳеч қайси меъморчиликда такрорланмайдиган гўзалликни чизик, шакл ва ранг тили билан борликни халқига етказди. Ушбу гўзаллик инсонларнинг руҳини кўтаради, қалбида ҳаётга, маънавиятимизга муҳаббат уйғотиб руҳий озуқа беради. Инсонларни эстетик ва ахлоқий руҳда тарбиялайди. Симметрик нақш гўзаллик орқали инсонларни тил гўзаллиги билан дил гўзаллиги ҳар доим мос келишини қалбдан қўйлайди.

Калит сўзлар: Регистон, кумли жой, обида, мадраса, хандасавий, фасад, гулдаста, минора, тарз, тарх

Архитектор Абдуҷаббар украсил фасад медресе Шердор таким образом, что эта красота, которая не повторяется ни в одной архитектуре, приносит людям существенную красоту языком линий, форм и цветов. Эта красота поднимает дух людей, дает духовную подпитку жизни в душе, прививает любовь нас к духовности. Воспитывает людей в эстетическом и нравственном духе. Симметричные узоры разроботаны так, что благодаря их красоте люди всегда совместимы с красотой сердца и красотой языка архитектуры.

The architect Abdujabbar decorated the facade of the Sherdor medresenin in such a way that this beauty, which is not repeated in any architecture, brings people essential beauty in the language of lines, shapes and colors. This beauty lifts the spirit of people, gives spiritual nourishment to life in the soul, instills a love for spirituality in us. Educates people in an aesthetic and moral spirit. Symmetrical patterns are designed so that their beauty makes people always compatible with the beauty of the heart and the beauty of the language of architecture.

Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг “Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунча ва тамойиллар” китобига ёзилган Сўзбошида уқтирганидек, “Ўзлимизни англаш бизнинг кимлимизни, қандай буюк аждодларимизнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва кадрятларга эга эканимизни ҳис этиб яшаш” мустақил республикамиз ҳар бир фуқоросининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди. Шунинг учун ватанимиз илми, маданият ва кадрятлари тарихини манбалар асосида чуқур, холисона ўрганиш ва ёритишга бўлган интилиш яхши самара бермоқда.

Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тиллоакори масжид – мадрасаси Самарқанд меъморлари ижодий даҳосининг нодир намунаси бўлиб келмоқда. Бу улуғ заминда неча-неча мутафаккир, зиёлилар, алломалар, пирлар, устоз шогирдлар, олимлар қадамнинг изи бор. Уч муборак университет меъморчилигимизнинг дурдоналари бўлиб ҳисобланади.

Айниқса, Самарқанд ҳокими ватанпарвар, фидоий инсон – Ялангтуш Баҳодир регистон майдонидаги Шердор ва Тиллоакори мадрасаларини қурдирди. Улар Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг классик намунаси бўлиб қолди.

Шердор мадрасаси сатҳи 70x57 метр, яъни тўрт бурчакли шаклда бўлиб, ҳовлиси икки қаватли хужралар билан ўраб олинган, уларнинг сони 52 та, ҳовлининг бурчакларида дарсхоналар жойлашган. Аммо бу обидада масжид йўқ, жануби-ғарбий дарсхона эса зиёратхона ҳисобланган, чунки унга ташқи томондан бево-сита Имом Муҳаммад ибн Жаъфари Содик мазори мақбараси туташган.



Шердор мадрасаси фасадидаги минора ва гумбазлари Улуғбек мадрасасига ўхшаш, аммо орқа томондаги фасадлар бурчаги гулдаста миноралар билан ўралган. XVII асрга келиб ер сатҳи маданий қатламларининг кўтарилиши туфайли XV асрдаги дастлабки ер сатҳидан икки метрга яқин баланд кўтарилган. Ана шунинг учун бир мунча паст кўринган Улуғбек мадрасасининг қисқарган шаклидек барпо этилган. Шердор мадрасаси қурилганда XVII аср меъморчилигига хос анча янгиликлар қўлланилган, қурилиш жараёнини тезлаштирувчи ва арзонлаштирувчи илғор усуллардан

фойдаланилган, аммо бадий безакларнинг таъсир кучи бир мунча пасайиб кетганлиги сезилиб турибди. Лекин рангларнинг ўз ўрнида ишлатилганлиги ва айрим панноларнинг ғоят нафис бажарилганлиги бу ёдгорликни яратган меъмор ва наққошларнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

Нақшлар бутун обида юзини қоплаган. Уларда чок, йирик хандасавий сулс, куфий ёзув нақшлари ва гул бандлари тасвирларда уйғунлашган бўлиб, фақатгина Самарқанд обидаларига хос тарзда ишланган. Айнан шу усул Самарқанд меъморий безаклар мактабини ташкил қилади.

Улкан пештоқ равоғи тепасидаги тимпондикатга сазовордир: Қизғиш зарҳал шер, оқ оҳуни қувиб кетмоқда. Қуёш бодомқовок, кийик кўзли доира шаклида тасвирланган. Унинг юзи эса зарҳал ёғду билан хошияланган.

Бугун композицияси зангори асосда бўлиб, фируза ва зарҳал бўёқлар билан тасвирланган ҳамда бир бирига чирмашиб кетган навдалар, очилиб ётган оқ гуллардан иборат. Ана шу ажойиб тасвир туфайли у «Шердор» номини олган, яъни «Шерларга эга бўлган» мумтоз мусулмон астрономиясида қуёшнинг Асад буржида, яъни Шер устида бўлиши саъд, яъни бахтиёр замонга ишорадир. Бундан ушбу бинонинг абжод ҳисобида: Ялангтўш – 816, Баҳодир – 212, жами 1028 ҳижрий ҳисоби, мелодий ҳисобда 1619 рақамининг келиб чиқиши Шердор мадрасасининг қурилиши 1619 йилда бошланганлигига ишорадир.

Мадраса ҳовлисининг декоратив безалиши ҳам унинг ташқи деворлари сингари бой ва хилма-хилдир. Мадраса деворларига битилган ёзувларга уни яратган машҳур меъморлар - уста Абду Жаббор ва ўймакор наққош Аваз Самарқандий номлари ҳам ёзиб қолдирилган.

П. Зоҳидов ўзининг “Меъмор олами” номли китобида Регистон ансамбили таркибида Ялангтўш Баҳодир қурдирган. Мадраса икки қаватли. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ ичкарасидаги кошникори безак орасида қора заминли кошинга оқ ҳарфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган қаносларидаги қизғиш заохал тусли шер оқ оҳуни қувламовда. Қуёш бодомқовок, кийик кўзли қилиб тасвирланиб, юзи зарҳал тусли ёғду билан хошияланган. Мадраса номи шу тасвирдан келиб чиққан. Бинонинг серхашамлиги шу пештоғида. Пештоқнинг икки томонида гумбазли дарсхона ва масжид жойлашган. Ҳовли атрофидаги икки қаватли хужралар (54та) нинг олди равоқли айвон. Айвонлар ёзда дарсхона вазифасини ўтаган 1960 -64 йилларда пештоқ қаносларида кошникори нақшлар қайта тикланган деб ёзади [3].

Шердор мадрасаси XVII асрнинг биринчи ярмида, яъни 1619-1636 йилларда қурилган,

меъмор мадраса пештоқига қуйидаги шеърни жмижимодор қилиб ёзиб, безаган:

“Шижоатли амир Ялангтўш одил,
 Камолин мадҳида дурлар сочар тил
 Ер нуктасин осмон авжидан авфо
 Кўтарилиб мадраса эттилар бино,
 Еру кўк зийнатин бўлди Ялови,
 Тоқиси –камолот, ақл ўйлови,
 Куп тиришиб, илимдан боғлаб ҳам қанот,
 Ақилнинг лочини ечолмас, ҳайҳот!
 Минора учига ташлаб ҳам каманд,
 фикрнинг дарвозаси чиқолмас ҳарчанд.
 Тоқига муҳандис берганда орой,
 Осмон бармоқ тишлаб, деди : янги ой !?”
 Ялангтўш Баҳодир қуйганча асос,
 “Ялангтўш Баҳодир”- тарихга мос [2, 3 б].



Мадраса икки қаватлидир. Бош тарзидаги пештоқнинг икки ёнига гулдаста ишланган. Пештоқ ичкарасига кошникор безак орасида қора зоминли кошинга оқ ҳарфлар билан меъмор Абдужаббор номи ёзилган [4.1036].

Мадраса пештоқи симметрик қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш –зарҳал шер эса зарҳал ёғду билан хошияланган. Уларнинг атрофига нақшу нигорлар чизилган. Қизиғи шундаки, олимларимиз ўзларининг асарларида “Ислом дини авж олган бир давирда, гарчи ҳар қандай жонзот, хусусиан, одам тасвири қаътиян ман этилган, деб юритганлар.

Меъмор Абдужаббор шердор мадрасасининг пештоқини шундай безайдик, бу ҳеч қайси меъморчиликда такрорланмайдиган гўзалликни чизик, шакл ва ранг тили билан борликни халқига етказди. Ушбу гўзаллик инсонларнинг руҳини кўтаради, қалбида ҳаётга, маънавиятимизга муҳаббат уйғотиб рухий озуқа беради. Инсонларни эстетик ва ахлокий руҳда тарбиялайди. Симметрик нақш гўзаллик орқали инсонларни тил гўзаллиги би-

лан дил гўзаллиги ҳар доим мос келишини қалбдан куйлайди.

1-жадвал

Шердор мадрасаси пештоқи безагидаги элементларнинг рамзий маънолари

№	Рамзлар	Рамзий маъноси
1	Шернинг боши	Кучлилик ва донолик рамзи ҳамда Ялангтуш Баходир буржи .
2	Йулбарснинг та-наси	Эпчиллик рамзи ҳамда Ялангтуш Баходир буржи .
3	Шернинг оёқлари	Мустаҳкам кучга ва аждодларнинг катта маънавий ҳамда моддий асосга эгали
4	Ёши катта шер	Улуғбек, донолик, ақиллик
5	Шернинг қулоғи	Хушёрлик рамзи
6	Шернинг тиши	Тафаккурнинг ўткирлиги
7	Шернинг эркаги	Ҳоким Ялангтуш Баходир қиёсланган
8	Шернинг баданидаги қора чизик ва оқ нукталар	Ҳаёт ёвузликдан иборат эканлиги
9	Шернинг думи	Улуғворлик рамзи
10	Оху	Кучсизлик рамзи
11	Қуёш	Ҳаёт, ёруғлик, жушқин ҳаёт, давр яна баходир Ялангтушнинг қуёш соҳиби эканлиги
12	Қуёш нури	Нур зиё, яъни маърифат, билим тарқатувчи
13	Инсон қиёфаси	Аллоҳ ҳамма нарсани қўргувчи ва билгувчидир
14	Қора соч	Ёшлик, кучлилик ва гузаллик рамзи
15	Сочнинг гажаги	Моддий ва маънавий бойлик, миллийлик
16	Ёнғоқдаги хол	Комиллик
17	Ислимий нақишлар	Она табиат, табиатнинг гўзаллиги, ноз неъматлар диёри эканлиги
18	Захарли ранглар	Гузаллик рамзи . Гўзал ҳаёт, яъний Аллоҳ гўзаллики яхши кўради. У гўзалдир, зиёлийлик.
19	Оқ гуллар	Показалик рамзи

* Саидбахор Булатов, Нозим Толипов “Гузаллик фалсафаси” монографиясидан.

Ислимий нақишлар она табиат, табиатнинг гўзаллиги, ноз-неъматлар диёри эканлиги.

Тўлқинсимон ислимий нақш ҳаётнинг нотекислиги, ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронгулиги рамзи. Инсонга умр штишини англатади.

Оқ гуллар - орқали табиатни покиза сақлашга, руҳий поликка ундайди.

Яшил ранг –ислом дини этикоди, иймон бутунлиги, улуглик валийлик рамзи, табиий ранглари.

Ҳаво ранг - коинот чексизлиги, тинчлик, ёмон кўздан асраш рамзи .

Сариқ зарғолдоқ рангли новда- зий гўзаллик, дунё гўзаллиги, қалб гузаллиги.

Ҳаво рангли новда - инсон ҳаёт чизигини ниҳоятда нотекислигини англатади.

Сарғиш зарғолдоқ рангли новда- инсонларни зиё йулида юрган ҳаёт чизигини ва бу йўл олтинга ўхшаш гўзаллигини билдиради.

Намоён - кўриниш, комиллик чъни инсоннинг мустақил комиллик даражасига эришганлик даражасини кўрсатиш.

Меъморчиликда безакларга қараганда ўзига хос фарқ қиладиган шундай композиция чизганкий, нақш тили орқали шаҳар ҳокими Ялангтуш Баходир ўз авлодларидан қолмаслигини, афсонавий қахрамонлигини зиё тарқатувчи ўз ҳалқига фидоилигини моҳирона кўрсата олган. Айниқса наққош, дунёда бўлиши мумкин бўлмаган ҳайвон –танаси йулбарс, боши Шер бўлган ҳайвонни акс эттирганди. Композицияда биринчи шакл шерсимон йулбарсдир, иккинчиси оху боласи учунчиси қуёш, тўртинчиси намоён кўзга ташланади. Демак композицияда яъни ҳаётда ёки театр сахнасида қахрамон бу шердир. Асосий қахрамон шерни наққош икки ўрнида яъни кўпликда инсонларни, иккинчи томондан эса Ялангтуш Баходирни рамзий маънода ифодаланган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий- иқтисодий истиқболларининг асосий тамоиллари .
2. Саидбахор Булатов, Нозим Толипов “Гузаллик фалсафаси” монографиясидан .
3. Зоҳидов П.Ш. “Меъмор олами” Тошкент 1996
4. Крюков С. Регистон –Т “Ўзбекистон”, 1965.
5. Зоҳидов П. Зеб ичра зийнат -Т Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

SHARQNING TARIXIY BOZORLARI VA ULARNING RIVOJLANISH MUAMMOLARINI O'RGANISH

Kamalova D. Z., PhD (arch), dosent; **Juraeva N.X.**, stajyor – tadqiqotchi Samarqand davlat architektura-qurilish instituti

В статье рассмотрены вопросы изучения путей формирования исторических городских базаров, как важного фактора в становлении центров туристической, социальной, экономической и культурной жизни городского населения.

Ключевые слова: базар, планировочная структура, закрытые торговые ряды, торговый центр

The article considers the issues of studying the ways of formation of historical city bazaars, as an important factor in the formation of centers of tourist, social, economic and cultural life of the urban population.

Keywords: bazaar, planning structure, closed shopping arcades, shopping center


O'rta Osiyoda qadimgi davrlardan so'nggi davrgacha bozor va bozor munosabatlarining shakllanishi va rivojlanishi jarayoni iqtisodiy rivojlanish tarixini aks ettiruvchi eng dolzarb muammosidir. Katta ilmiy ahamiyatga ega bo'lgan ushbu muammo iqtisodiy va tarixiy fanlarning kesishmasida ilmiy, nazariy, mafkuraviy, empirik va kontseptual ahamiyatga ega bo'lgan iqtisodiy tarixning muhim muammolarining kombinatsiyasi sifatida ko'rib chiqiladi. "Bozor", "bozor iqtisodiyoti", "bozor munosabatlari" hodisalari yozuvlarni yaratish, shaharlarni qurish, sinflar va davlatlarning shakllanishi bilan birga insoniyat dahosining mevasidir. Shuni yodda tutish kerakki, bozor munosabatlarining instilektual shakllanishlar bilan bir qatorda insoniyat sivilizatsiyasining asosiy hodisalari bo'lgan.

Qadimgi forslarning Axomoniylar hokimiyatidagi mahalliy, mintaqaviy va milliy tijorat (mil. Avv. VI-IV asrlar) o'z-o'zidan va epizodik bo'lgan. Yunon-Baqtriya podsholigi va Parfiya davlati savdo-sotiqning barcha turlari rivojlanishining dastlabki boshlanishi bo'lgan. II asrda kashf etilgan Buyuk Ipak yo'li dunyo miqyosida iqtisodiy va madaniy aloqalarni kengaytirish uchun kuchli rag'batlantiruvchi omil bo'ldi. Miloddan avvalgi ushbu xalqaro karvon yo'lining tashabbuskorlari xitoyliklar edi, nomlangan global aloqaning harakatlantiruvchi kuchlari qadimgi tojiklar va ularning etnik guruhlar - parfiylar, so'g'diylar, xorazmliklar, baqtriyaliklar edi. Bartold "Parfiyaliklar (qadimgi tojiklar (eronliklar) ning muhim sub-etnik guruhlaridan biri, ular Eron til guruhining g'arbiy qismiga mansub bo'lganlar), boshqa xalqlarga qaraganda yaxshiroq edilar.


Miloddan avvalgi II asrda Xitoydan kichik Osiyoga karvon yo'li orqali va Xitoy va Rim imperiyasi o'rtasidagi savdoda vositachilarning rolini kata bo'gan. Shuning uchun ham, Buyuk Ipak yo'li II asrdan beri O'rta Osiyoning bozorlari, shaharlari va savdo muassasalari tufayli tarixda qolgan. XVI asrgacha juda tez sur'atlarda rivojlandi. O'rta Osiyoda bozor va bozor munosabatlarining shakllanishi va rivojlanishi tarixini qadimgi davrlardan yangi davrgacha o'rganish dolzarbligini ko'rsatadi (1-rasm).

Har qanday mamlakat yuragiga boradigan yo'l uning tarixiy merosi, me'moriy va shahar yodgorliklari, qadimiy xiyobonlar, gavjum bozorlar, mahalla markazlari va shaharlarga o'ziga xos qiyofa beradigan turar-joy binolari orqali o'tadi. Eski ko'chalar ansambli buzildi, u bilan bog'liq xotiralar yo'qoldi. Bugungi kunda biz shaharlarimizning tarixiy o'tmishi haqida tobora ko'proq ma'lumotlar to'lamaqdami. Hech narsa, shubhasiz, o'tmish haqida shaharlarning tarixiy muhiti, me'moriy obidalar, jamoat markazlari, savdo maydonchalari - savdo va savdo markazi,

saqlanib qolgan turar-joy binolari kabi aniq tushunchalarni bera olmaydi (2-rasm).



Rasm 1. Temuriylar davri Samarqand shahri bozorlarining reja tuzilishi



Rasm 2. Xiva. Polvondarvozaga tutash yopiq savdo kuchasining arxitekturasini

O'zining yaxlitligi va o'ziga xosligi bilan hayratga solib, u tarixiy voqealar sohasidagi yilnomaga aylanadi. Aynan u kamyob va ravshan ko'rinishga ega bo'lib, ulkan madaniy biznes bilan shug'ullanib, o'tmishni bizga yaqinlashtiradi [2].

Savdo markazlarida turli xil hunarmandchilik buyumlari, kashtado'zlardan uy-ro'zg'or buyumlari, yog'och, metall va ganch kesuvchilargacha ishlab chiqariladi va sotiladi. Pavilyonlarga kichkina hunarmandlar va savdogarlar ishlaydigan va o'z mahsulotlarini sotadigan do'konlar kiradi. Bu erda, ochiq va yopiq choyxonalar ostida, tutun va suvli barbekyu xushbo'y hidi butun bozor bo'ylab seziladi. Bu erda odamlarning o'ziga xos madaniy aloqalari, savdo va sanoat aloqalari rivojlandi, xushmuomalalik qoidalari sog'liq va farovonlikning o'zaro tilaklari bilan bimalol suhbat orqali qo'llab-quvvatlanadi [3]. Shaharlarning o'tmishini, uning rivojlanish qonuniyatlarini va zamonaviy sharoitlarda ulardan to'liq foydalanish uchun biz o'sha davrning tarixi va madaniyatini, savdo va sanoat aloqalarini, odamlar, ko'chalar, xiyobonlar

va istirohat bog'larining o'ziga xos xususiyatlarini bilishimiz kerak.

O'rta Osiyo feodal shahrining shakllanishining umumiy manzarasini yozma manbalar asosida (asosan 10-asr arab geografik adabiyoti), shaharlarda 19-asr oxiri 20 asr boshlariga qadar saqlanib qolgan aholi punktlari va rejalashtirish an'analari asosida taqdim etish mumkin. Shaharning eng faol qismi - bu sobiq savdo va hunarmandchilik atrofidagi Rabad. Shaharning yangi qismini- rabotni rejalashtirish sxemasi Shaxriston sxemasidan tubdan farq qiladi. Ikkinchisi uchun odatiy to'rtta qal'a darvozasidan shahar markaziga olib boradigan ikkita asosiy ko'chaning kesishgan shakli. Rabadning o'ziga xos xususiyati bu bozor - atrofda aholining qishloq xo'jaligi mahsulotlarini shahar hunarmandlari buyumlari bilan almashtirish joyi. Somoniylar poytaxti bo'lgan Buxoroda uzoq vaqtdan beri barpo etilgan va hozirgacha shahar tarkibini belgilab beruvchi Shaxriston ko'chalari bilan XVI asrda Zargaron savdo gumbazi, Registon maydoni gumbazli ark bilan qurilgan. Xorazm (g'arbdan), Ramitan (shimoli-g'arbiy tomonga) va Vabkentkaya (shimolga), yo'llar, Lyabi-uy maydoni, u erdan Xurosan (janubi-g'arbiy tomon), Naumetskaya (janubda) va Qarshi (sharqda) ketadi. Shaharning ushbu uchta rejalashtirish tugunlari asosiy savdo ko'chasi bilan birlashtirilib, butun uzunligi bo'ylab berkitilgan, chorrahalarda gumbazli inshootlar o'rnatilgan. Sharqiy shaharlardagi bozorlar tizimi o'zlarining shakllanish va rivojlanish qonuniyatlariga ega bo'lgan heterojen markazlarning yuqori darajada tartibga solingan tizimi edi. Samarqandning asosiy bozoridan Toshkent savdo ko'chasi Registon maydoniga tomon cho'zilgan va "Chorsu" savdo markaziga tutashgan, ulardan kumush qatorlar kabi bozorlar turar-joy binolaridan chiqib ketgan savdo-sotiq, ochiq joylarda (juma va tuya, Samon bozori va boshqalar). Chorak ko'chalar - bozorlar kesishgan savdo ko'chalari to'plami ko'rinishidagi xizmatning ikkinchi bosqichi edi. Asosiy va periferik bozorlar va ularni yangi Evropa shahri bilan bog'laydigan ko'chalar zamonaviy chakana savdo va ulgurji savdoning kuchli tomirlariga aylandi [4].

1404 yilda Amir Temur hukmronligi davrida Samarqandda Axanin darvozasidan boshlanib, Registon maydoniga etib brogan. Chorsu savdo binosiga va undan keyin Buxoro darvozasiga boradigan piyodalar bilan qoplangan bozor tim qurilgan. Ammo Amir Temur Turkiyada G'arbg'a harbiy yurishi boshlanishi munosabati bilan uning qurilishini to'xtatishga majbur bo'ldi. Ispaniya elchisi Klavixo ajoyib yopiq savdo ko'chasining qurilgan qismi haqida quyidagilarni yozadi: "Ko'cha juda keng edi va ikkala tomonga lava qo'yildi.

O'n to'rtinchi asrning boshlariga kelib, shahar allaqachon masjidlariga to'la edi. Ulardan kuniga besh marta ibodat qilish uchun ehtirosli chaqiriq-

lar yangraydi. Achchiq, tor va ba'zi joylarda skameykalar qatori yoki oppoq kar, derazalari va devorlari bo'lmagan, quyoshning zig'ir matolaridan panoh topgan ko'chalar musulmon mahallalari - medinalarni tashkil qiladi. Shahar masjidining yonida - Kissariya - chet eldan keltirilgan matolar, ziravorlar, atirlar, qurol-yarog'lar va qimmatbaho buyumlar bilan savdo-sotiq faollashayotgan import tovarlar bozori. Keyingi hunarmandchilik bozorlari. Bozor arab tilida "bitch" deb nomlanadi.

Qadimgi Rim va Yunonistonning Milet, Pergam va boshqa shaharlarida to'g'ri to'rtburchakli maydonda 3 yoki 4 tomoni qator ustunli savdo rastalari va omborlar, ibodatxonalar, ustaxonalar va boshqalardan iborat bo'lgan. Bozor maydonlari shahar majmua (agora, forum)larining bir qismi hisoblangan. Har bir mamlakat bozorlarining me'morchiligi va qurilishi iqlim sharoiti, iqtisodi, geografik o'rni va savdo sohasidagi an'analari bilan bog'liq bo'lgan. O'rta Yer dengizi havzasida qadimda ochiq maydonlarda, Sharqda esa usti yopiq bozorlar rivojlangan ("suq", "asvok", "chorsu"; Turkiyava Eronda "xon", "bediston" nomi bilan yuritilgan). Yevropada bozorlar maxsus reja asosida qurilgan (Parijdagi markaziy bozor, 1850 va boshqalar). Rossiyada ixtisoslashgan bozor ("Gostiniy dvor")lar asosan, 1—2 qavatli, old tomoni ko'pincha ravoqlar yoki ustunlar qatoridan iborat bostirma bo'lgan (Sankt Peterburgdagi bozor, Yaroslavldagi bozor va boshqalar) [5].

O'zbekiston ham barcha chet el mamlakatlari qatorida savdo sohasida o'z o'rnini egallamoqda. O'zbekiston rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olishi ko'pgina yangi xizmat ko'rsatish sohaslarini vujudga keltirib, bu sohalarga xizmat qiluvchi va inshootlar loyiha yechimlarini O'zbekistonning quruq-issiq, yoki issiq-keskin kontinental iqlim sharoitiga moslab yangilashga, loyiha-smeta va loyiha-tashkilot sifatini oshirish va mahalliy qurilish buyum (konstruksiya)larning rivojlangan bozorra aylantirish bilan iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlaridan biri bo'lgan qurilishda bozor islohatlarini yanada zamonaviylashtirish, bu sohani sifat jihatdan yangi bosqichga olib chiqish zarurligini taqozo etmoqda. Sharqiy bozorlarning bunday jozibali tashqi tasodifiyligi ortida aniq shakllantirilgan va tartibga solingan, o'z shakl va rivojlanish qonuniyatlariga ega bo'lgan heterojen markazlar tizimi mavjud. Bu kam ma'lum, ammo shahar piyodalari maydonlarining zamonaviy dizayni uchun juda ko'p qiziqarli narsalarni o'z ichiga oladi. Bozorlarning tarixiy-etnografik tadqiqoti materiallarini tahlil qilish va umumlashtirish.

Ammo bugungi kunda Samarqand, Xiva va boshqa tarixiy shaharlardagi tarixiy bozorlarning holati muammoli. So'nggi yillarda Samarqanddagi Siab bozori, Toshkent savdo ko'chasi bir necha bor qayta qurildi. Kolxoz bozori atrofida ko'plab

iste'mol tovarlari do'konlari paydo bo'ldi, bozorda ikki qavatli ulkan supermarket qurildi va yo'l bo'ylab uch qavatli savdo markazi qurildi. Kolxoz bozori asta-sekin dastlabki ma'nosini yo'qotishni boshladi. An'anaviy bozorning funktsional tuzilishi buzilgan. Mavjud do'konlar, bozorni qamrab oluvchi yirik do'konlar butunlay ishlamoqda. Tuzilmalar, pardoqlash materiallari va rangli echimlar shakllanishining o'ziga xos xususiyati topilmadi. Do'konlar katta sirlangan sirtlarga ega, keng tarqalgan ishlatiladigan materiallar metall, beton, qo'pol pardoqlash g'ishtlari.

Bu tarixiy bozorning shakllanishidagi buzilishlarga, turli binolarning funktsional ravishda to'yi-nishiga olib keldi. Savdo binolari bozor atrofida tobora kengayib, kolxoz bozori funktsiyalarini kengaytirmoqda. Bundan tashqari, bozor yaqinida qurilayotgan yangi ikki qavatli savdo korxonalari noma'lum arxitektura uslubida qurilib, asosiy yo'llar bo'ylab chiziqli xarakterga ega. Bibixonim ansamblining umumiy ko'rinishini yopadigan shimoliy tomonda ko'proq metall - keng pavilonlar, tarixiy muhitga mos kelmaydi. Xuddi shunday muammolar Xiva shahrida ham paydo bo'ldi. Dushan - Qal'adagi Palvan-Darvaz va Kuy Darvaz oralig'ida, ko'proq metall konstruksiyalarga ega bo'lgan katta shahar bozori va bir qator ko'p qavatli savdo binolari qurildi. Ularning tashqi ko'rinishida, ta'sirlangan binolarning qurilishi va tipifikatsiyasi. Takroran uy qurilishi sanoatini, yangi hajmli va fazoviy echimlarni va tumanlar uchun texnik talablarni uyg'unlashtirgan zamonaviy binolarning zamonaviy ekspressiv arxitekturasi asosan kompozitsion uslublarni oldindan belgilab qo'ydi. Binolarning katta ko'lami va katta qismi kam qavatli binolarni bostiradi, shaharning tarixiy binolarining siluetini, shaklini va panoramasini buzadi. Yo'llarning kengayishi katta avtoturargohlarning rivojlanishiga olib keldi, an'anaviy shahar tuzilishi o'zgartirildi va bu qator muammolarni keltirib chiqardi.

Xuddi shunday muammolar Buxoroda ham mavjud, u erda so'nggi o'n yilliklarda keng ko'lamlı metall qoplamali shahar bozori qurilgan. Tarixiy shaharlarning piyodalar xarid qilish ko'chalarining yuqoridagi afzalliklariga qaramay, ularni mamlakatimizda tiklash va qayta qurish tajribasi hali ham ahamiyatsiz. Samarqand shahridagi Toshkent savdo ko'chasining asosiy kamchiliklari uning noto'g'ri ishlashi, keng oynali oynalari bo'lgan do'konlarning monotonligidir. Tijoriy iste'molning kontsentratsiyasi diqqatga sazovor joyning magnitudidir, hech qanday ijtimoiy va estetik talablar, mintaqaviy o'ziga xoslik, jismoniy qulaylikka erishilmaydi, bunga mahalliy qurilish materiallaridan foydalanilgan turli xil elementlardan foydalangan holda erishilgan. shubhasiz ta'sir ko'rsatadigan hovli maydonlaridan foydalanish, kechqurun yoritish, dam olish maskanlarini tashkil etish, kichik shakllar,

ko'kalamzorlashtirish jalb shahar muhitini yaratdi. Bunday ko'chalar ko'p funktsiyali bo'lishi kerak. Zamonaviy kompozitsion echimlar, agar ular tashqi tomondan qandaydir kiritilsa, shahar muhitiga singdirilsa va butun mekansal sistemadan organik ravishda o'smasa, muvaffaqiyatsiz bo'ladi. Agar shahar miqyosi va ritmi jihatidan bir-biriga yaqin yaxlit ob'ektlar bo'lmasa, markazning bo'laklari va ekologik yondosh bo'lmasa, shaharning o'ziga xosligini tasavvur qilib bo'lmaydi - bu shahar rivojlanishining evolyutsion rivojlanishining natijasidir [6].

Tarixiy shaharlarning bozorlari rivojlanishning fazoviy tuzilishiga ega bo'lib, bevosita hunarmandchilik tumanlari bilan bog'liq edi. Turar-joy massivlarining hunarmandchilik tumanlarining buzilishi, bozorlar tuzilishining asta-sekin yo'qolishiga olib keldi. Bu jiddiy kompozitsion buzilishlarga, markazning ishlashi va uning iqtisodiy tuzilishining jiddiy oqibatlariga, atrof-muhitning fazoviy, stilistik yaxlitligini va o'ziga xosligini yo'qotishiga olib keldi. Shaharlar madaniy o'ziga xosligini yo'qotishni boshladilar, an'anaviy ishlab chiqarish madaniyati o'zgartirildi - deyarli bekor qilingan gildiya tizimi, savdo ko'chalari, bozorlar asta-sekin funktsional ixtisosligini yo'qotishni boshladilar.

Bugungi kunda tarixiy shaharlar bozorlari shahar aholisining sayyohlik, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotining markazlaridan biri bo'lib qolmoqda. Bozorlar nafaqat savdo va iqtisodiy tuzilmalarning mukammal namunalari, balki siyosiy jarayonlar va madaniyat va fuqarolarning turmush tarziga ta'sir qiladigan fikr almashish, hordiq chiqarish joylari. Savdo orqali odamlar o'rtasidagi aloqalar orqali tarqaladigan madaniyatning har qanday yutuqlari me'moriy shakllar va bozorlar dizayni, ichki makon va manzarali bezaklarning rivojlanishiga ta'sir ko'rsatdi, yangi badiiy mazmun bilan to'ldirilgan mahalliy xususiyatlarga ega bo'ldi. Shaharning butun tarixiy qismiga kirib, ular shaharning me'moriy-fazoviy va shaharsozlik asoslarini yaratdilar, siluet, kompozitsiyani, shahar qiyofasining individual xususiyatlarini rivojlantirishga hissa qo'shdilar, barqaror ijtimoiy-iqtisodiy aloqalarni o'rnatdilar [7].

Ushbu usullar tashqi shahar bo'shliqlarini shakllantirish bilan bir qatorda, shahar qurilishining barcha jihatlarini hisobga olgan holda, loyihalashtirish va bosqichma-bosqich qurilishning ajralmas ob'ekti sifatida butun qurilish matosini har tomonlama va funktsional o'rganishni ta'minlaydi.

Adabiyotlar:

1. Kamalova D. Z. Svetovaya arhitektura istoriko-arxitekturnih pamyatnikov Uzbekistana. "Zarafshon", Samarkand 2014.
2. Amirbekyan R. Vostochniy bazaar. M: "Vzglyad" Nashriyoti, 2012.

3. Orudjov S. I. Socialno-planirovochnaya struktura istoricheskogo yadra vostochnogo goroda. Ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiyaning avtoreferati. M:1985г.

5. Suleymanov R. H. Drevniy Nahshab –Toshkent, Fan 2000.

6. Avazov R. Sharqning tarixiy shaharlari bozorlari, Samarqand, 2015.

7. Maslov A. V. Novaya arxitektura v istoricheskoy srede. Moskva-Stroyizdat, 1990.

УДК-05.23.22

САМАРҚАНД ШАҲРИ ВА ШАҲАР АТРОФИ ЛАНДШАФТ МАСКАНЛАРИНИ МИНТАҚАВИЙ КОМПЛЕКС ЕЧИШ МУАММОЛАРИ

Яхшиликков Зокир, Адилова Дилором, катта ўқитувчилар,
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофидаги ландшафт архитектураси ва қурилмаларини инсонлар кўрганда кўзлари қувониши, яхши ҳордиқ олиши ҳамда ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун замонавий ва миллий ландшафтни яратиш, ландшафт архитектурасини юксак бадиий савияга кўтаришдир.

Калит сўзлар: ландшафт, фаввора, боғ, сув ҳавзаси, ҳовуз.

Городские и пригородные пейзажи Самарканда и древних городов человечества наполнены волнением энтузиазма, ледяным льдом и современным и национальным ландшафтом яхты, расширить ландшафтную архитектуру до более буквального искусства.

Ключевые слова: пейзаж, фонтан, сад, пруд, бассейн.

Creating a modern and national landscape, elevating the landscape architecture to a high artistic level, so that people can see, enjoy, relax and enjoy life in the landscape and urban landscape of Samarkand and suburbs.

Keywords: landscape, fountain, garden, pond, pool

Бизнинг назаримизда бугунги Самарқанд ландшафт архитектураси Европа замонавий ландшафт амалиёти таъсирида бўлиб, бу соҳада бир қадар таваккалчиликка йўл қўйилмоқда. Буни Чўпон Ота қирликларида илмий тадқиқот ва тавсияномасиз асос солинган икки катта боғ, барча янги боғларда қўлланилаётган дарахт ва бошқа ўсимлик турлари, анъанавий ариқлар тизимининг йўқотилиб, суғоришнинг кўп ҳолларда шаҳар ичимлик сув тармоғига боғланганлиги ва энг ачинарлиси керак-керакмас ҳолатларда партер кўкаламзорлаштиришнинг кенг қулоч ёйиб кетаётганлигида кўриш мумкин. Самарқанд шаҳрининг жамоат боғлари ҳисобланадиган Университет бульвари, Марказий истироҳат боғи, Темирйўл тумани истироҳат боғи, “Сўғдиёна” боғи, болалар кўли ва “Динамо” стадиони, Чўпон Ота тепаликларидаги икки боғ ва улардан ташқари боғдорчилик илмий тадқиқот институти, ўрмон хўжалиги, пляжлар ягона ландшафт тизимини ташкил этмайди. Кўшиб ҳисоблаганда Самарқанд масшабдаги 2-3 та шаҳарни таъминлаши мумкин бўлган табиий тоғлар этаклари, сойлар, чўмилиш ва истироҳат ҳавзалари, боғлари пала-партиш тарзда шакллланган.

Бизнингча Самарқанд ландшафтини Омонқўтон дараси, Охалик, Миронқўл, Қоратепа сойлари, Зарафшон дарёси дараси, Дарғом ва Булунғур каналлари манзарали, Оби Раҳмат, Сиёб, Сиёбча, Чашма ва бошқа булоқлар, рельефининг баланд-пастлигисиз тушуниш нотўғри бўлади. Демак, Самарқандни азалдан Фирдавсмонанд қилиб келган табиий борлиқни ҳисобга олиб ягона антропоцентрик ландшафт

лойиҳаси тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ер усти ва ер ости захираларининг шу мақсадга мувофиқ қисмининг балансини тузиб ариқ, ҳовуз, фаввора, сунъий қўллар орқали суғориш, сув сачратиб суғориш ерлари ва майдонлари харитаси тузилганлиги маъқул. Чунки, пала-партиш, илмий асосланмасдан, меъёридан зиёд сув сачратиб суғоришга мўлжалланган ноанъанавий партер кўкаламзорлаштириши сувнинг ортиқча сарфидан ташқари ер ости сувларининг ва буғланишнинг ортиши ҳисобидан экологик номуносивликка олиб келиши мумкин.

Ландшафт архитектураси таракқиётида мустақиллик йилларида Республикамизда бениҳоя катта ишлар амалга оширилди. Чунончи, Тошкентдаги Наврўз боғи, Шаҳидлар хиёбони, Солор ёқаси ва Боғи Эрам, Ўзбекистон кўчасидаги сув ҳавзаси бунга мисол бўла олади. Фарғона, Хива, Термиз, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги баъзи бир бу соҳадаги ишлар ҳам диққатга сазовордир. Лекин уларнинг айримларида биз айтиб ўтган камчиликлар мавжуд ва шаҳарнинг ягона ландшафт муҳитини шакллантириш, соя соладиган ва манзарали дарахтларни ўз ўрнида қўллаш, мевали дарахт ва буталарни жойлаштириш, суғориш йўллари, бадиий воситаларни қўллаш сингари соҳаларда тадқиқ этилиб, ишлаб чиқилишига ҳожат сезилмоқда. Бугун нисбатан оз қўлланилаётган тут ва тол дарахтларини бобокалонларимиз ер шўрини ва қирғоқ тупроқлари эрозиясини камайтириш мақсадида қўллаганликлари маълум. Мана шу сингари етарли ўрганилмаган ёки эътиборсиз қолган масалалар талайгина.



Ландшафт архитектурасини ривожлантиришни Бухоро тустовуғи парвариш қилинадиган Жомбой кўриқхонасида Зарафшон дарёси филтрацияси ҳисобидан пайдо бўлган кўлмаклар ва тўқайларда маҳаллий халқ ва туристлар томоша қиладиган Зарафшон форели ва бошқа сув қушлари, тустовуғи урчитиладиган кўриқхона-томошагоҳга айлантирилса нақадар яхши иш бўларди. Омонқўтон, Миронкул, Оксойда ҳам қоясуворий (скалалаз) ва алпинистлар ландшафт боғларини, каклик, бедана, булбул сингари маҳаллий сайроқи қушлар кўриқхоналарни ташкил этиш мумкин. Қаровсиз ётган Чўпон Ота қирларининг Оби Раҳмат ариғи томонидан голф ёки чавғон ўйингоҳини тузиш учун қулай текисликлар бор. Ўша ерда шунга мос бир ландшафт комплекси жорий этилса туризм иқтисодиётини ривожлантиришнинг яна бир имкони туғиларди.

ларди.

Ландшафт меъморчилигида ҳеч бир масала эътиборсиз қолмаслиги керак. Баъзи бир жойларда боғ ичида эски автомобиль шиналаридан тўсиқлар қилинганлигини ёки қўлбола ҳайкаллар қўйилганлигини кўраемиз. Бу билан биз болаларда дидсизликни тарбиялаб қўймаймизми?

Бизнингча Самарқандда бажариладиган ҳар бир ландшафт элементи Регистон шуурига мос тушадиган бадиийликка эга бўлиши керак. Хулоса қилиб айтганда Самарқанд шаҳрининг бош меъморий режасини амалга ошириш ишлари олиб борилаётган айни кунларда, унинг бўлимлари таркибига атроф муҳит табиатини тадқиқ қилиб, унинг тоғлари, сойлари, тепаликлари, каналлари, булоқлари, боғлари, тарихий қарвон йўлларини ўзига қамраб олган ягона ландшафт харитасини тузиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.
2. Писарчик А.К. Народная архитектура Самарқанда. – Душанбе, 1975.
3. Адилова Д.С. Самарқанд шаҳрининг ландшафт архитектураси. Диссертация. Самарқанд: СамДАҚИ, 2011.

УДК-74

ҚАЛАМТАСВИР ФАНИНИНГ АРХИТЕКТУРА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЎРНИ

Эсанов Туркман, - Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

В этой статье излагается о технике рисования, о пластике и о композиции архитектурных элементов. Об использовании разнообразных графических материалов. О содержании произведений искусства, о раскрытия основы на рисунка, о его жизненной важности и привлекательности как в сюжете, так и в композиции.

Ключевые слова: архитектура, гравюра, визуальный процесс, общность, пластичность, движение, черновик, эскиз, графика, линия, штрих.

This article talks about drawing, plastic, and the composition of architectural elements. On the use of various graphic materials. On the content of works of art, on the disclosure of the basis of the drawing, on its vital importance and attractiveness both in the plot and in the composition.

Keywords: architecture, engraving, visual process, community, plasticity, movement, draft, sketch, graphics, line, stroke.

“Архитектура, манзара, заргарлик санъати, ҳайкалтарошлик, гравюра, рангтаасвир - бу санъатларнинг барчаси битта умумий асосда, яъни қаламтаасвир санъатини қатъий ўрганишга боғлиқдир.”

Маълумки қаламтаасвир тасвирий санъатнинг асоси ҳисобланади, фақат шу орқали санъатда кўтарилиш ва такомиллашиш мумкин. Шундай қилиб, расм чизиш бутун визуал жараённинг асосий бўғинидир. Бунда фақат кўзнинг яхши кўриши мутлақо етарли эмас - табиатни ўрганиш ва билиш жараёнида инсон бевосита иштирокчи ҳисобланади. Чунки, бу ерда битта истеъдод ҳисси кифоя қилмайди,

ҳам мулоҳоза юритиш, ҳам ақлни ва миани ишлатиш талаб қилинади.

“Агар мусаввир бирор нарсани чизадиган бўлса, демак унинг кўринмас қисмларини ҳис қила олиши керак”. Бунда унинг ҳақиқий шакли ҳақидаги билими шунчалик тўлиқ бўлиши керакки, уни деярли онгли равишда текис юзада ҳажмли кўринишда тасвирлай олиши зарур. Чизишни “умумийлик” дан бошлаш керак. Чунки, ҳар қандай умумийликсиз, ҳажмсиз чизилган тасвир бу график чизма бўлиб қолади. Тасвири ифодалашда, ғоянинг асосини очишда, фикрлар аниқлигини белгилашда кичик деталлар муҳим ўрин эгаллайди.

Юқорида келтирилган мисоллар асосида мусаввир чизиш қобилиятини амалга ошириш учун қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:

Кўриш қобилияти. Қаламтасвир тасвирий санъат соҳасида ўтилатган дарс жараёнининг бошқарувчиси ҳисобланади. Шуниси аниқки, қаламтасвир асосида ҳақиқий реал ҳаёт ётади.

Бадий санъат асарининг мазмуни асосан чизилган тасвирда очилади. Унинг асосий мазмуни сюжетли ва композицион кўринишда ҳаётини ва жозибали аҳамият касб этади.

Қаламтасвирда график воситалар асосида икки ўлчамли маконда, уч ўлчамли тасвирнинг ҳолати ва у турган маконнинг ўзи, тасвирнинг характерли жойлари пластикаси, ҳаракати, материали чизилаётган текисликнинг фактуралари аниқланиб кўрсатилади.

Реалист рассом учун қаламтасвир-бир вқтнинг ўзида тушуниш учун қайсики у фойдаланаётган ҳаётни шакли қиёфа тилида англашга, томошабинга ўзининг кўрганлари орқали таъсир қилишга хизмат қилади.


Кузатувчанлик. Кузатишнинг бир неча хили (узоқ муддатли, жуда қисқа, узулвчан) мавжуд. Рассом ҳаётни кузата туриб ва ўрганиб, унинг хилма-хиллигидан янги таассуротлар олади. У билан ўзининг дунёқараши, ижодий имкониятларини бойитади. Шунинг учун ҳақиқий ўраб турган атроф-муҳитга эътиборсизлик рассом ижодий ўсишининг тўхташига олиб келади.

Яхлит кўриш. Рассомнинг яхлит кўришибу специфик, профессионал ий кўриш бўлиб, бу ноёб қобилият нарса ёки ходисани кўз билан идрок этиш демакдир. Яъни, кераклисини кераксизидан ажратиб характерли жиҳатларини фарқлаш орқали алоҳида қисмларидаги умумий ички боғлиқликни аниқлаш.

Рассомнинг тасавурида барча нарса ва ходисалар тўлалигича қолмайди, балки натурадан ижодий образ учун ажратилган, сараланган асосий типик ва характерли, айнан керакли жойлари, ҳолати, конструкцияси ёки эстетик сифати, шаклнинг пластиклиги, ранги, колорити қолади.

Кўриш хотираси. Рассомда кузатиш жараёни қуйидагича кечади: у кўрган, кечирганларини қисқа ёки узоқ вақт мобайнида эсда сақлаб қолиши асосида акс эттиради. Эслаб қолиш қобилияти кўпчиликда мавжуд. Айниқса, кучли ривожланган кўриш хотираси асосан эслаб қолиш ва кўриш қобилияти асосида ва шу орқали тасаввур эта олиш рассом психик ҳолатининг хусусияти ҳисобланади.

Кўриш хотираси амалий тажрибалар асосида ривожланади. Тез-тез такрорланадиган “эслаб қолиш” машғулоти машғулоти натижасида эслаб қолиш қобилияти ўсади.



Қоралама (наброска). Борликдаги дунёнинг қисқа, кўптусли тасвири бўлиб, одатда қисқа, баъзан эса жуда қисқа (ниҳоятда чегараланган) вақт оралиғида расм чизаётган одамнинг ўзига ҳам боғлиқ бўлмаган тасвирдир. Бу йўлда ишни тезлаштириш мақсадида жуда кам миқдорда график ашё ишлатилади.



Узоқ муддатли қаламтасвирни жойлаштиришдан олдин доим натуранинг яхлит тасвирдан фойдаланилади. Қисқача айтганда бунда қоралама (наброскадан) фойдаланилади.

Тўғри топилган, яхлит ҳажмдаги натура узоқ муддатли ўқув қаламтасвирининг бошланиши бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хомаки расм (зарисовка). Қисқа муддатли қаламтасвирга нисбатан тўлиқроқ, аммо кўп тусли, туганмас борлик, дунёнинг тасвири, узоқ муддатли қаламтасвирга нисбатан қисқароқ вақт оралиғида, натурадан чизилади. Хомаки расмни чизиш муддати одатда мазмунига нисбатан, келгусида қаерга ишлатилишига қараб, ижодкор ўзига қўнган талаби асосида белгилайди.

Хомаки расм натурадан чизилади, худди қисқа муддатли қаламтасвирнинг давомига ўхшайди, ҳар томонлама қисмлар билан бойитилиб борилади. Натуранинг катта, тўлиқлиги шундаки, у қисқа ва узоқ муддатли қаламтасвирнинг оралиғидаги кўринишидир.

Қисқа муддатли қаламтасвирнинг хомаки расмдан фарқи нафақат сарфланган вақтга, у ёки бу нарсани чизишга ва ишни қандай усулда бажаришга боғлиқ.



Шу сабабли қоралама чизишдаги график воситаларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

-ҳар томонлама ишни тез бажаришда, баъзан қийин шароитларда жуда мураккаб вазифани бажараётганда ;

- улар оддий, тежамли, эгилувчан бўлиши керак. Шундай кенг имкониятларга эга бўлган восита бу – *штрих ва чизиқлардир*.

Чизиқ. Бу ибтидоий даврда инсониятнинг энг қадимги вакиллари томонидан ихтиро қилинган бўлиб, тасвирий санъат пайдо бўлишидаги илк кўринишидир. Шу билан бирга ҳозиргача расм чизишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланилади.

Штрих. Штрих чизиғи ёки штрих қоғоз юзасида қўл ҳаракати жараёнида ҳаракатдаги қалам ёки бошқа ашёлар, қайсики бўёвчи воситалар ёрдамида пайдо бўлади.

Фазовийликдаги штрих чизиқ-наброскада шаклнинг ҳажмли белгисини нафақат унинг контурида, балки унинг ички қисмини кўрсатишда муҳим омил бўлади.

Қўшимча параллел штрихлар-букилган шакл бўйлаб йўналтирилган шаклнинг керакли жойига урғу беради.

Тус доғлари. Қоралама (наброска) ва хомаки расм (зарисовка)ни бажаришда зарурат пайтида тус доғларидан фойдаланиш қуйидаги асосий вазифани талаб қилади.

1. Натура шаклининг пайдо бўлаётган пайтида ёки унинг ҳажмли ажралиб чиқаётганида;

График воситалар. Энг хилма-хил, баъзан қийин шароитларда бажарилган қисқа муддатли қаламтасвирда асосан тасодифий ёки тез ҳаракатдаги моделдир. Қачонки энг тўлиқ ишланган шаклда, қайсики ҳал қилувчи вазифа – “вақт ҳакамлиги” зиммасида бўлади. Шунинг учун қораламанинг “тасвир тили” тежамли, ихчам ва шу билан бирга кенг ва жуда таъсирчан бўлиши керак.

2. Унга ёруғлик берилаётганда;

3. Тус кучини кўрсатишда, шакл ранглинишида ва фактурасида;

4. Бу йўлда уни ўраб турган фазовий чуқурликни кўрсатишда.

Перспектива. Бирор бир юза устидаги фазовий объектлар ўлчамларининг қисқаргандай тасаввур уйғотиши, ички кузатувлар асосида чизиқларнинг ўзаро муносабатлар ўзгаришида кузатиладиган тасвирлаш воситаси.

Перспектива (лотинча- *perspicere*-шаффоф кўраман, францзча- *нуқтаи-назар*, кўздан кечириниш) табиатда кузатиладиган ўлчамлар, шакл ўзгариши ва қора-оқ муносабатларга қараб, фазовий жисмларни сирт устида тасвирлаш усули.

Бошқача айтганда, бу: Визуал идрок билан ҳақиқий жисмларнинг график бузилиши. Масалан, иккита параллел рельслар кўринмас нуқтасида (уфқда жойлашган нуқтада) бирлашгандай туюлади.

Ўзининг визуал тузулишини ва фазовий жойлашишини узатиш орқали ҳажмли жисмларни тасвирлаш усули. Тасвирий санъатда тасвирнинг таъсирчанлигини оширувчи бадиий воситалардан бири сифатида фойдаланиладиган ҳар-хил усулини қўллаш мумкин.

Композиция. "Композиция" сўзининг маъноси адабиёт, санъат асарларининг таркибий тузилиши, жойлашиши ва таркибий қисм-

ларнинг нисбати, муайян қурилиши ва бирликка эга бўлган кўриниши.

Композиция (лот. Compositio – композиция, тузиш, боғлаш, қўшиш, улаш) – қисмлардан бир бутун асар яратиш ҳисобланиб, адабиёт ва санъат асарларининг қурилиши, мазмуни, табиати, мақсади ва унинг идрокни кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Тасвирий санъатда композиция – бу бадиий шаклнинг таркибий қисми бўлиб, асарнинг бутунлиги ва яхлитлигини таъминлайди, унинг элементларини бир-бирига ва рассомнинг тузган режасига мослаштиради.

Узоқ муддатли ўқув қаламтасвири нима беради

Узоқ муддатли ўқув қаламтасвири-бу натурага қараб давом эттиришга асосланган ва уни жиддий ўрганадиган қаламтасвир, чизишни ўқитишнинг асосий, бош, анъанавий шакли ҳисобланади. У кўринадиган нарса ва ходисаларни, шаклнинг характерли жойларини ва пластик хусусиятларини тўғри кўрсатишга ўргатади. Қолаверса, талабаларга асосий назарий билим ва амалий тажриба бериш билан бирга текисликда тасвирнинг тусланиш жараёнини кўрсатади.

Узоқ муддатли ўқув қаламтасвири билимлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кузатув (кўргазмали) перспектива асослари;
- айрим физик ходисалар (ёруғлик тарқатиш қонунлари, оптик ва бошқалар);
- ранглар муносабати тушунчаси (тон);
- Одам ва ҳайвонлар пластик анатомияси асослари.

Қаламтасвирда ишлаш жараёни кетма-кетлик асосида (жойлаштириш, шаклни тузиш ва қуриш, шаклни ифодали кўрсата билиш ва уни умулаштириш) умумийликдан хусусийликка, яъни бойитилган ҳолат кўникмасига эга бўлади. Қолаверса чизишнинг техник усуллари бўлган оддийликдан мураккабликка, қайсики, умумий атама билан боғлиқ “қўлни жойига қўйиш (қаламни қандай ушлаш)”, қандай штрих ва чизиқ ўтказиш, қандай тус бериш ва ҳоказоларни ўргатади.

График ашёлар ва улардан фойдаланиш

График ашёлар “ашёлар” деб аталиши қабул қилинган. Улар қалам, оддий ва зичланган

кўмир, сангина, сувбўёқ, туш, соус, турли сифатдаги қоғозлар, картон ва калькалардир.

Пластик ва унинг архитектурада намоён бўлиши

Пластик. Хусусан ҳайкалтарошлик санъатига хос бўлган эстетик тушунча бўлиб, лой, пластилин, гипс ва шунга ўхшаш юмшоқ хомашёлардан шакл ясаш деган маънони англатади.

Санъат пластикаси табиат пластикасидан андоза олади. У табиатдаги ходисаларни акс эттирган ҳолда табиий шаклларнинг силуэти, тузилиши ва чизиқларда, ранглар муносабатида, нур ва соя ўйинида ёки сайраган қушнинг оҳанги усулларида намоён бўлади.

Меъморчилик санъатидаги пластика ҳам табиатдаги сингари қарама-қарши кучлар ўзаро таъсирининг махсули сифатида намоён бўлади. Бу қарама-қаршилиқни ернинг тортишиш кучи (гравитация) билан меъморчилик конструкцияларининг ана шу кучни енгиб ўтишига қаратилган қаршилиги ўртасида кўришимиз мумкин. Яъни бинонинг юқори қисмидаги оғирлик унинг қуйи қисмига “пластик” шаклда йўналтирилган бўлади. Гумбазлар ўрта аср меъморчилигидаги пластиканинг энг мукамал шакли сифатида кенг қўлланилган меъморий қисмлардан бири. Архитектуравий муҳит пластикасининг аҳамияти шундаки, у ана шу муҳитни фақат кўриш орқали эмас, балки инсоннинг динамик ҳатти – ҳаракати орқали ҳам идрок этишни тақозо қилади.

Қисқача қилиб айтганда, юқорида келтирилган манбалар таълим сифатини оширишда муносиб ҳиссасини қўшиши муқаррар. Ҳозирги техника тараққиёти даврида, ахборот технологияларига асосланган таълим тизимида амалий ишларни бажариш жараёнида қаламтасвирнинг долзарблигини инобатга олиш зарур деб ҳисоблайман.

Адабиётлар:

1. Молева Н., Белютин Э. “П.Л. Чистяков-теоретик и педагог”, “Академия художеств”, Москва-1953 г.
2. Барщ А.О., “Наброски и зарисовки”, “Искусство”, Москва-1970.

УДК. 711.436

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ТИПИДАГИ ПОСЁЛКАЛАР БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ (ШОВОТ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Исамухаммедова Д.У., доцент; Саъдуллаев С.А., магистрант.

Тошкент архитектура қурилиш институти

Мақолада барқарор ривожланиш концепцияси ҳақида қисқа маълумот ва бу концепциянинг Ўзбекистонга кириб келганлики, Республиканинг вилоятларидан бири бўлмиш Хоразм вилояти шаҳар типидagi посёлкалар ҳақида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш, Брунтланд комиссияси, антропоцентрик, экофобик.

В статье приведен краткий обзор концепции устойчивого развития и внедрения этой концепции в Узбекистане, информация о посёлках городского типа в одном из районов Хорезмской области.

Ключевые слова: устойчивое развитие, комиссия Брунтланд, антропоцентризм, экофобия.

A brief overview of the concept of sustainable development and implementation of this concept in Uzbekistan, information on urban-type settlements in one of the regions of the Republic of Khorezm.

Key words: sustainable development, commission of Bruntland, anthropocentric, ecophobic.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳарларида амалга оширилаётган шаҳарсозлик амалиёти шунга кўрсатадики, шаҳарсозлик жараёнига таъсир кўрсатиш механизми ишлаб чиқишга бўлган уринишлар кўп соҳаларда амалга оширилмоқда: ер муносабатлари соҳасида, шаҳар тузилмаларининг таркибий ўзгаришларини ижодий англаш йўллари излашда, янги услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, минтақавий меъёрий ва қонунчилик базаси, дизайннинг янги шакллари излашда, ўз ўрнини топомқда.

"Барқарор ривожланиш" тушунчаси биринчи марта 1987 йилда пайдо бўлган ва ҳозирги кунга қадар катта қизиқиш уйғотди ва кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Ушбу таҳрирнинг ўзи - ривожланишнинг барқарорлиги ва "барқарор ривожланиш" ни ҳал қилиш учун қўйилган вазифаларнинг кенг қўламли эканлигини ҳисобга олиб, ушбу муаммонинг долзарблиги мунозарага сабаб бўлмайди. Айрим адабиётлар ва ҳужжатлар учун асос сифатида ишлатиладиган Брунтланд комиссиясининг сўзларида барқарор ривожланиш бу "ҳозирги замоннинг эҳтиёжларини қондириш, келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш қобилиятига путур етказмайдиган" ривожланишдир.

Барқарор ривожланиш атамаси иккита асосий белгидан - антропоцентризм ва биосфера марказидан фойдаланиб аниқланиши керак. Кенг маънода антропоцентризм белги инсониятнинг (мамлакатнинг) омон қолиши ва унинг авлодлари табиий шароитлар ва атроф-муҳит шароитларида ўз авлодларининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳозирги авлодга нисбатан кам имкониятларга эга бўлмасликлари учун унинг кейинги узлуксиз (барқарор), доимий ривожланиш қобилиятини (имкониятини) англади. Концепциянинг биосферага оид (асосан экологик) хусусияти биосферанинг Ердаги барча ҳаётнинг табиий асоси сифатида сақланиши, унинг барқарорлиги ва табиий эволюцияси билан боғлиқ бўлиб, инсониятнинг бундан кейинги ривожланиши *экофобик* шаклда бўлмаслиги учун. Бугунги кунда ушбу воқеадан сўнг шаҳар экологиясининг ривожланиши шаҳар илмининг йўналиши сифатида янги босқичга кўтарилди деб тахмин қилишимиз мумкин. Шаҳарсозлик назарияси ва амалиётининг тор амалий интизоми доирасидан чиқиб, у сайёра шаҳарлари экологиясининг глобал тенденциялари контекстига мос келади. Мазкур "Брунтланд комиссияси"да дунё ҳамжамияти шаҳарсозлар ва архитекторларнинг фаол иштирокида муваф-

фақатли ҳал бўлиши мумкин бўлган вазифаларни аниқлаб берди. Бундай ҳолда, инсоният цивилизациясининг барқарор ривожланишга ўтиш имконияти пайдо бўлади.




Диаграмма 1. Ўзбекистон республикаси урбанизация динамикаси (%). Манбаа: Ўз Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра тузилди, "СЭ", 1985, б. 488

"Барқарор ривожланиш" концепцияси бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз ҳаётига ям кириб келди. БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрида "Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган йиғилишида қабул қилинган 70-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 20.10.2018 йил №841 сонли қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилган 1-иловага кўра "17 та мақсад ва вазифалар" қайд қилиб ўтилган. Мазкур иловага биноан "11-мақсад, Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш", еттита муҳим вазифаларга бўлинади. Бу мақсад ва вазифаларга (11.7-вазифа) кўра 2030 йилгача шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари, болалар учун ўйин майдончалари майдонини кенгайтириш, бунда ногиронларнинг дам олиши учун керакли шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу вазифани амалга оширишда Қурилиш вазирлиги ва мутасадди ташкилотлар маъсул қилиб белгиланган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демографик ҳолат аҳолининг мутлақ ўсиши суръати ошиши, миграция ва урбанизация жараёнларининг кучайиши билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2011 йил 1 июн ҳолатига кўра, 14,65 миллиондан ортқи киши ёки республика аҳолисининг 51,4 фоизи доимий равишда шаҳарларда ва шаҳар типиди-

ги посёлкаларда (шаҳар посёлкалари) яшайдилар (диаграмма 1).

1996 йил билан таққослаганда шаҳар аҳолисининг улуши 5792 минг кишига ёки қарийб 64% га кўпайди. Бундан ташқари, 2050 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий сонининг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиши кутилмоқда. Прогнозларга кўра, 2025 йилда Ўзбекистон аҳолиси 33,4 миллион кишини, 2050 йилда еса қарийб 43,9 миллион кишини ташкил етади, бу албатта шаҳар аҳолисининг мутаносиб ўсишига таъсир қилади.

2011 йил 1 июн ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 119 та шаҳар, шу жумладан 2 та республика, 26 та вилоят, 90 та туман ва 1 та шаҳарга бўйсунуш бошқарув тузилмаси мавжуд. Ўрта шаҳарларнинг сони 67 (ёки шаҳарларнинг умумий сонининг 56%), аҳолиси 2545 минг кишини ташкил етади. Аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган йирик шаҳарлар, шаҳарларнинг умумий сонининг 14 фоизини ташкил етади ва уларда шаҳар аҳолисининг 53 фоизи истиқомат қилади. Қадимдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шаҳарсозлик тузулмаси энг чекка вилоятларидан бири бўлмиш Хоразм вилоятининг ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг шаҳарларига тўғри келади. Бугунги кундаги Хоразм вилояти маъмурий ҳудуди Ўзбекистон Республикасининг шимол-ғарбий қисми, Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган. Хоразм вилоятининг маъмурий маркази Урганч шаҳри ҳисобланади. Маъмурий марказдан ташқари Хива, Хазарасп туманлари марказларига шаҳар мақоми берилган. Умумий аҳолиси 1 841 000 бўлиб, аҳолиси 6300.00 кв.км ни ташкил қилади. 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда шаҳарда яшовчи доимий аҳоли сони 611,8 минг кишини ёки вилоят доимий аҳоли сонининг 33,2 %, қишлоқ жойларида яшовчи доимий аҳоли сони эса 1229,2 минг кишини ёки вилоят доимий аҳоли сонининг 66,8 % ташкил қилди. Туғилиш. 2019 йилнинг январь-март ойларида туғилганлар сони 7503 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (7174 киши) нисбатан 329 тага кўпайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 16,6 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (16,1 промилле) нисбатан 0,5 промиллега кўпайди.

Хоразм вилоятининг бугунги кундаги муаммоларидан бири бу Орол денгизидан келайтган тузли шамоллар, Амударё сувининг етарлича оқиб келмаслики, яшаш шароитини қийинлаштирмоқда. Хоразм вилояти туманларига Амударёдан каналлар орқали сув олинади. Сувнинг етишмаслики деҳқончилик, чорвачилик, энгил саноат, ишлаб чиқариш соҳаларида сезиларли даражада ўз ўрнини кўрсатади. Қадимдан сув бу ҳаёт манбаи бўлиб ҳисоблан-

ганлики сабабли, шаҳарлар шу сув ёқаларида пайдо бўлишни бошлаган.

Қуйидаги жадвалда 2019 йил 1-апрель ҳолатига кўра Хоразм вилоятининг маъмурий ҳудудий бирликлари ва шаҳар посёлкалари ҳақида маълумот келтирилган

Хоразм вилоятининг маъмурий ҳудудий бирликлари ва шаҳар посёлкалари тўғрисида маълумот

№	Шаҳар ва туманлар номи	Шаҳарлар	Аҳоли сони, минг киши	Шу жумладан	
				Шаҳарда	Қишлоқда
1	Урганч шаҳар	1	142,2	142,2	0,0
2	Хива шаҳар	1	91,0	91,0	0,0
3	Боғот тумани: Бойқозоқ, Боғот, Янгиқадам, Боғот ёп, Чиготой	-	161,4	28,3	133,1
4	Гурлан тумани: Ёрмиш, Қарғалар, Бўзқала, Дўсимбий, Тахтакўпир, Нукус ёп, Марказий Гулистон, Чаккалар.	-	145,8	62,2	83,6
5	Кўшкўпир тумани: Шихмашхад, Шерабад, Хонобод, Ўрта қишлоқ, Караман	-	168,9	43,3	125,6
6	Урганч тумани: Чондир, Оқ олтин, Кўпалак, Гардонлар.	-	194,6	26,2	168,4
7	Хазарасп тумани: Оқ ёп, Аёк-авва, Манғитлар.	-	244,3	52,8	191,5
8	Хонқа тумани: Истиклол, Маданий ер, Бирлашган, Ёш куч	-	183,2	63,0	120,2
9	Хива тумани: Парчанхас, Сувитли ёп, Юқориком, Тозабоғ, Уста Хужамад, Қишлоқ, Гулланбоғ, Шўрқала	1	142,8	16,6	126,2
10	Шовот тумани: Кат-қалъа, Чиготой, Ипакчи, Бўйрачи, Моноқ, Канғли	-	166,8	43,3	123,5
11	Янгиариқ тумани: Янгиариқ, Собурзан, Машиначилик, Сувган, Гулланбоғ, Қушлоқ	-	114,1	27,1	87,0
12	Янгибозор тумани: Янги ёп, Манғитлар	-	85,9	15,8	70,1

Шовот тумани Хоразм вилоятининг шимол-ғарбий қисмида, Урганч шаҳридан 38 км узоқликда жойлашган. Шовот тумани 1930 йилда тузилган булиб, расман 1938 йилда Хоразм вилояти таркибига киритилган Шовот туманининг умумий ҳудуди 460 кв. км бўлиб,

аҳоли сони 2019 йил январь-март ҳолатига кўра 166 800 киши ташкил қилади ва зичлиги 1 кв.км га 362.6 кишига тўғри келади. Шовот туманида куйидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари Вазирлар маҳкамасининг №68 сонли 13.03.2009 қарорига биноан “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашиларининг қарорлари билан **иловага*** мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.”: куйидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари: Бўйрачи, Ипакчи, Кангли, Кат-қаъла, Монок, Чиғотой, шаҳар посёлкалари тоифасига ўтказилди.



Хоразм вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи Шовот каналли

Ҳозирги кунда Шовот туманида МЧЖ “УЗТЕХ Шават” текстиль фабрикаси, ДУК “ШОВОТ ДОН” дон маҳсулотларини қайта ишлаш, асфалт-бетон заводи, шиша ишлаб чиқариш заводи, ҳамда бир нечта ғишт заводлари фаолият юрутмоқда. Туман аҳолисининг асосий иқтисодий даромадини деҳқончилик, чорвачилик ва савдо-сотик ташкил қилади. Шовот тумани Хоразм вилоятининг муҳим стратегик аҳамиятга эга туманлардан бири ўларок, Ўзбекистон Республикасини кўшни Туркменистон Республикаси чегарасида жойлашган “Давлат божхона” си орқали боғлаб туради. Туманнинг шаҳарсозлик муаммолари ҳақида гапирар эканмиз, туманнинг “Маъмурий маркази” ва “Эски маркази” орасида боғлиқлик яхши лойиҳаланмаган. Бир гап билан айтганда, туманнинг “шаҳар маркази” деб

айтадиган функционал ҳудуди йук. Бунинг ечимини биз йўлларни кенгайтириш ва шаҳарни реконструкция қилиш орқали амалга оширишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шаҳарнинг муаммоли жойини ва бунинг ечимини кўрсатиб ўтиш керак: Туманнинг “Комилжон Отаниёзов” ва “Тадбиркорлар” кўчалари кесишиш ҳудудига тегишли “Шохобод деҳқон бозори”га олиб борувчи йўлларни қайтадан кўриб чиқиш керак. Бунга кўшимча қилган ҳолда туманнинг “Буюм бозори” жойлашган ҳудудидagi кўчаларни ҳам аҳоли учун аллея типига ўтказиш керак, сабаби бу кўчада аҳоли бозорга нарса ҳарид қилгани келгани сабабли ҳеч қанака ҳадиксиз ҳаракатланиши лозим. Маъмурий марказ ва эски марказларнинг боғлануви ҳақида гапирар эканмиз бунинг ечимини янги турар-жой бинолари ва савдо-шаҳобчаларининг қурилишини амалга оширишда деб биламан. Ҳозирги ҳолатда туманнинг “Эски маркази” одамларнинг кўп гавжум бўладиган ҳудуди ҳисобланади ва бу ҳолатда туманнинг транспорт қатнови тизими катта тирбандликка учрайди. Бунинг олдини олиш учун таъкидлаб ўтилганидек йўлларни кенгайтириш ва шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатувчи биноларни тўғри жойлаштириш керак. Шунини ўрнида айтиб ўтиш лозимки, бозорга келган аҳолининг автомашиналари учун автотураргоҳларни лойиҳалаш керак, булар эса ўз ўрнида барқарор ривожланиш пойдеворини кура олади.

Адабиётлар:

1. <https://ru.m.wikipedia.org> “Википедия” излаш хизмати.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Хоразм Вилояти Статистика Бошқармаси “Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси” 2019-йил январь-март оралиғи учун.
3. www.ced.uz. Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш маркази 2011 йил июнь ойидаги “Совершенствование городского управления и инфраструктуры городов в Узбекистане: проблемы и поиск новых механизмов и инструментов» таҳлилий ҳисоботи.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга Раёсатининг қарори №583-ХП сон 08.05.1992 “Хоразм вилоятидаги Гурлан, Хонқа, Шовот, Кўшкўпир ва Хазорасп шаҳарларини шаҳар посёлкалари туркумига ўтказиш тўғрисида”.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №68 13.03.2009 “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тuzилишини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 20.10.2018 йил №841 “2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

UDK: 379.854

NAMANGAN VILOYATI NANAY EKO TURISTIK HUDUDI BO'YLAB ZAMONAVIY LANDSHAFT DIZAYNINI TASHKIL ETISH

Xasanov A.O., dots. (Toshkent arxitektura-qurilish instituti),
Hamidov O.U., ass. (Namangan muhandislik-qurilish instituti).

Maqolada Namangan viloyatidagi Nanay ekoturistik marshrutida mavjud turistik ob'ektlarni, rivojlantirish va ushbu hududga olib boruvchi yo'llarni qayta ta'mirlash, yo'l bo'yi turistik servis xizmatlarida zamonaviy arxitektura muhitni tashkil qilish tavsiflangan.

Kalit so'zlar: Namangan, Nanay, landshaft, shahar, marshrut, turizm, ekoturizm, sayyoh, avtomobil yo'llari, iqlim.

Эта статья о развитии существующих туристических объектах на экотуристическом маршруте “Нанай” в Наманганской области, а также о реконструкции дорог, ведущих в этот район, создавая современную архитектурную среду для услуг придорожного туризма.

This article is described the development of existing tourist facilities on the Nanay eco-tourism route in the Namangan region, the development and reconstruction of the roads leading to the area, and the creation of modern architectural environments along coastal tourism services.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyevning 16.08.2017 yildagi “2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora - tadbirlar to'g'risida” gi qarori va 13.08.2019 yildagi PF-5781 farmoniga muvofiq “O'zbekiston Respublikasida turizm sohasini yanada rivojlantirish chora - tadbirlari to'g'risida” gi ishlar turizm infratuzilmasidagi mavjud ob'ektlarni muammolarni hal etish, taqdim etilayotgan xizmatlar sifatini oshirish va jahon bozorlarida milliy O'zbek turizm mahsulotlarini faol targ'ib qilish, turizm sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar samaradorligini oshirish hamda Respublikaga kirib kelayotgan xorijiy sayyohlar sonini keskin ko'paytirish maqsadida, shuningdek, 2019-2025 yillarda Namangan viloyatidagi (Yangiqo'rg'on tumanidagi “Nanay” kichik ekoturistik manzilgohidagi) turizm sohasini rivojlantirish mamlakatimizda ish o'rinlarini yaratish, valyuta tushumini yanada ko'paytirish, hududlarni jadal rivojlantirish, aholi daromadlari va turmush darajasini yuksaltirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi 1-rasm [1-3].



1-rasm Nanay kichik ekoturistik manzilgohi markazi.

Biroq tan olish kerakki, Namangan viloyatining ayrim kichik ekoturistik hududlaridagi holatlar, shuningdek (Yangiqo'rg'on tumanidagi “Nanay”

kichik ekoturistik manzilgohi, Chust tumanidagi “G'ova” ekoturistik manzilgohi, va Pop tumanidagi “Chodaksoy” ekoturistik manzilgohlari) hozirgi vaqtda faqat ichki turizm uchun ma'lum bir darajada xizmat qilmoqda 2-rasm [7-8].

Ushbu ekoturistik marshrutlarida sobiq ittifoq davrida juda keng ko'lamdagi sayyohlik maskanlari bo'lgan, ushbu hududlarga O'rtasiyo, Rossiya va Yevropa davlatlaridan sayyohlar tashrif buyurgan.

Hozirgi vaqtga kelib mazkur ekoturistik hududlardan jahon miqyosi darajasida yetarlicha foydalanilmayapti. Shu bois Namangan viloyatidagi olis hududlarda joylashgan ekoturistik marshrutlar va ushbu hududlarga olib boruvchi yo'l bo'ylarini zamonaviy arxitekturasi va landshaft dizaynidagi manzaraviy ko'kalamzorlashtirish, obodonlashtirish ishlarini amalga oshirish ilmiy jihatdan o'z yechimini topolmayotgan ishlardan biri hisoblanadi.



2-rasm Nanay kichik ekoturistik manzilgohini hududlari.

Ilmiy izlanishlar natijasiga ko'ra Namangan viloyatining shimoliy qismida joylashgan “Nanay” kichik ekoturistik manzilgohida hozirgi kunda hukumat darajasida turizm salohiyatini yaxshilash maqsadida bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Ushbu hududlarda olib borilgan Ilmiy izlanish-

larimizga ko'ra bir qator turistik ob'ektlarni ta'mir talab xolda ekanligi, hamda tabiiy-muhitda zamonaviy landshaft vechimini yo'qligi, umumiy jihatdan qaraganda asosiy ish jarayoni arxitekturaviy muhitni tubdan yangilash va viloyat markazidan 60 kilometrli Namangan-Yangiyo'rg'on-Nanay 4N-466 avtomobil yo'li va 4M-1521 avtomobil yo'li hamda "Nanay" kichik ekoturistik zonasi yo'nalishi bo'yicha Nanay Paxtachi dam olish maskani va Qayroqi avtomobil yo'lini rekonstruksiya qilish zarurati borligi aniqlandi 3-rasm.



3-rasm Nanay Paxtachi dam olish maskani va Qayroqi avtomobil yo'lining mavjud holati.



4-5-rasmlar. Nanay Paxtachi dam olish maskanining hozirgi kundagi mavjud xolati.

"Nanay" kichik ekoturistik hududi – Namangan viloyatining shimoliy qismida joylashgan bahavo hudud. Tog'lar etagidagi bu maskan o'zining ajoyib tabiati, betakror manzaralari bilan sayyohlarni o'ziga jalb qilib kelmoqda. Iqlimi keskin kontinental. Yoz paytlari havo harorati mo'tadil qish mavsumi ob-havosi yumshoq va qisqa. Havo haroratining sutkalik tebranishi keskin yog'ingarchilik kam [5-6].

Hozirgi kunda "Nanay" kichik ekoturistik hududiga Namangan, Farg'ona va Andijon viloyatlaridan maxalliy sayyohlar (ichki turistlar) dam olish uchun kelishadi. Tashqi turizm faoliyatini to'xtab qolishini asosiy sababi u yerdagi dam olish sihatgohlari sobiq ittifoq davridan hozirgi paytgacha ta'mirlanmaganligi, hududda arxitekturaviy muhitni yomonlashgani va infratuzilmalarni yaxshi emasligi tufayli hozirda bu hududlar ichki turistlar uchun ma'lum bir darajada xizmat qilmoqda.

Ushbu hududda Yoz paytlarida havo harorati mo'tadil, yoz sharoitida kelgan dam oluvchilar maxalliy xalq uy sharoitiga moslashtirilgan kichik mehmonxonalarda va soy atrofiga qurilgan kichik dam olish zonalarida dam olishadi. Qish paytida ham maxalliy uylardagi kichik mehmonxonalarga joylashib, Nanayning yon atroflari tog'li bo'lgani uchun bu yerdagi past baland relefli joylarda turistlar uchun konki, chang'i uchish va qor o'yinlarini o'ynash baland tog' tepalarida tabiatni kuzatib dam olish imkoniyatlari mavjud.

Shundan kelib chiqib, mazkur yerdagi mavjud turistik bino va inshootlarni qayta rekonstruksiya qilish, tabiiy ko'rinishini zamonaviy landshaft dizayni yo'nalishi bo'yicha loyihalash ishlab chiqish, ushbu hududga olib keluvchi yo'larni zamonaviy qiyofasini yaratish, mo'jaz turistik marshrut barpo etish bo'yicha amaliy ishlarni amalga oshirish zarur hisoblanadi.

Bugungi kunda Namangan viloyati hokimligi bilan hamkorlikda mazkur sayyohlik zonasi loyihasini ishlab chiqishga bir qator loyiha tashkilotlari jalb qilingan, jumladan Turkiyaning "Idealist" me'morchilik va muhandislik kompaniyasi hamda mahalliy loyihalash institutlari tomonidan turli hildagi loyiha takliflari ishlab chiqilmoqda 6-rasm [1-6].



6-rasm Turkiyaning "Idealist" me'morchilik va muhandislik kompaniyasi hamda mahalliy loyihalash institutlari tomonidan turli hildagi loyiha takliflari

Ekoturizmga tayanuvchi rivojlanish ilgari surilgan Nanay hududi markazi va turizm hududidan iborat ikkita kichik hududni ilmiy jihatdan tahlil qilib loyihalashtirish zarur hisoblanadi. Markaz (Paxtachi) bilan kichik turizm hududi tog'-dor yo'li orqali ozaro bog'lanib, ham tomosha, ham transport maqsadida foydalaniladi.

Loyihaning to'liq qismida bu ikki kichik hududning asosi va atrofida shakllangan ekologik

koridor (rekreativ hududlar zamonaviy landshaft dizayni loyihasi asosida tashkil qilinadigan gulzorlar va orolchalar) o'zaro bog'liqligi ta'minlanishi zarur.

“Nanay” kichik ekoturistik hududini jadal rivojlantirish dasturiga ko'ra hududdagi qurilish ishlarini amalga oshirish 2019-2029 yillarga mo'ljallangan. Ilmiy izlanishlarimiz natijasiga ushbu hududga ilmiy jihatdan asoslangan loyiha takliflar ishlab chiqish zarurati borligi aniqlandi. Hozirgi ushbu hudud uchun har tamonlama qulay loyihaviy taklif ishlab chiqilmoqda. Ushbu loyihaviy taklifni amalga oshirish orqali kelajakda “Nanay” kichik ekoturistik hududini jahon talablari darajasiga olib chiqish imkoniyati yaratiladi [2-8].

Ilmiy izlanishlarimiz natijasida “Nanay” kichik ekoturistik markazini kamida 30 gektar maydonda barpo etish maqsadga muvofiq. Markaz tarkibiga 350 o'rinli to'rt yulduzli va 450 o'rinli besh yulduzli mehmonxona, 4200 o'rinli qishki va yozgi tomoshalar zali, ko'rgazmalar markazi, hunarmandchilik ustaxonalari, shuningdek, qator ko'ngilochar inshootlar taklifini kiritish zarur. Hozirgi vaqtda “Nanay” kichik ekoturistik markazining mavjud er qismi 14,5 gektar hududda joylashgan, ushbu hududni ilmiy izlanishlar natijasi asosida 30 gektargacha kengaytirish orqali har tamonlama qulay ekoturistik majmua yaratish imkoniyati yaratiladi.

Ushbu majmuada quyidagi binolarni loyihalash va qurish tavsiya etiladi. Ya'ni ikkita 300-400 o'rinli besh yulduzli mehmonxona, tabiiy tog' iqlim sharoitiga mo'ljallangan 560-600 kishilik nafas yo'llari va diabet kasalliklarini davolash sihatgohi, 150 ta villa-mehmonxonalar, zamonaviy savdo markazi, restoran va kafelar, tog' dor yo'li singari inshootlarni barpo etish, hamda yo'llarni arxitekturaviy muhitini tahlil qilish mobaynida ma'lum kamchiliklarni bartaraf qilish uchun avtomagistral yo'nalishlari bo'yicha zamonaviy landshaft dizayni loyihasi bo'yicha yangi loyiha takliflar ishlab chiqish va ushbu loyihalarda manzarali, mevali daraxtlar ekish turli xildagi gulzorlar yo'ldan o'tayotgan turistlar uchun go'zal va so'lim landshaft muhitini namoyish etish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Viloyat markazidan 60 kilometrli Namangan-Yangi qo'rg'on-Nanay manzillarini o'zaro bog'lovchi yo'llarni ham jahon talablari asosida ta'mirlash yo'llardagi muammolarni bartaraf qilish yo'l atroflarida O'zbek milliy arxitekturaviy muhitlarni yaratish

ishlarini olib borish yo'llarda zamonaviy servis binolarini tashkil qilish yo'llar bo'yab shakllantirish hududga mos landshaft tashkil qilish hamda 4N-466 avtomobil yo'li va “Nanay” kichik ekoturistik hududi yo'nalishi bo'yicha va 4M-1521 Nanay Paxtachi dam olish maskani va Qayroqi avtomobil yo'lini rekonstruksiya qilish ishlari mobaynida yuqorida qayd etilgan loyiha takliflarni qo'llanishi ko'zda tutilgan [4].

Ushbu taklif etilgan barcha loyihalarni amalga oshirish “Nanay” kichik ekoturistik hududida tabiiy sharoitlaridan foydalangan holda ekologik turizmni yuqori darajada rivojlantirishga yo'naltirilgan sayyohlik majmualari loyihasini qurilishi hukumat tomonidan qabul qilinayotgan qarorlar ijrosining amaliy natijasi sifatida hizmat qiladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak yuqorida tahlil qilingan barcha yo'nalishlar bo'yicha zamonaviy Nanay turistik marshrutlarni tashkil qilish Namangandagi ekologik turizmni yanada rivojlantirish imkoniyati yaratiladi. Bu orqali Namangan viloyatining asl ekoturistik hududini o'rganish, ushbu hududidagi Nanay ekoturistik hududlarida ilmiy izlanish, turistik ob'ektlarni jahon talablari asosida arxitekturaning barcha sohalari asosida zamonaviy qiyofasini shakllantirish qayta milliy loyihalashtirish ishlarini olib borish va Namangan viloyati miqyosidagi turistik ob'ektlarni birbiri bilan bog'lovchi yo'llarni zamonaviy ko'rinishga olib kelish orqali viloyatga tashrif buyuradigan sayyohlar sonini yanada oshirish imkoniyati yaratiladi.

Adabiyotlar:

1. Sh.Mirziyoyevning 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi. – T., 2016.
2. Isomuhamedova D.U., Adilova L.A. Shaharsozlik asoslari va landshaft arxitekturasi (II-qism). –T., 2010.
3. O'ralov A.S., Sadikova S.N. O'rta osiyo ananaviy “Chorbog” uslubiy va zamonaviy bog'-park san'ati. –T., 2012.
4. Нойферт П. «Строительная проектирование», Справочник, М., «Архитектура-С», 2010 г.
5. Ro'zinov B., Rajabova S., Ismailov Yu., Kosimov A. Namangan viloyati madaniy me'rosi. – N., 2013.
6. Ernst and Peter Neufert. «Architects' Data. Blackwell Science». Oxford Brooks University 2010
7. Zoxidov P.Sh., Me'mor olami. –T., 1996.
8. Fayziev N. O'zbekiston yangi shaharlarining aholisi. – T., 1964.

ULUG'BEK RASADXONASI QURILISHI TARIXI HAQIDAGI BAHSLAR

Tog'ayev X. – AntigueWorld xalqaro ilmiy akademiyasining doktori, professor.

Igamberdiev X.X. – t.f.n., dotsent; **B.N.Gapparov** - katta o'qituvchi
Jizzax Politehnika instituti

Maqolada Ulug'bek rasadxonasi qurilish tarixi, ya'ni uning har xil manbalardagi chayqash sanalar bilan bog'liq jumyuoqli savollarga oid mulohazalar mutaxassislar muhokamasiga havola sifatida bayon qilinadi.

Kalit so'zlar: rasadxona, loyiha, qurilish, alaqodor, mulohaza, madrasa, ensiklopediya, tadqiqot, tarjima, jadval.

About the debate of the history of construction of the observatory of Ulugbek

The article outlines the history of the construction of the Ulugbek Observatory, i.e. It is offered to readers and specialists to discuss the issue related to different dates in different sources.

Abstract: observatory, project, construction, related, communication, debate, madrassas, encyclopedia, research, translation, table.

О дебатах истории строительства обсерватории Улугбека

В статье излагается история строительства обсерватории Улугбека, т.е. предлагается читателям и специалистам на обсуждение вопроса связаннке по поводу разнх дат в разнх источниках.

Ключевые слова: обсерватория, проект, строительство, связанный, общение, дебаты, медресе, энциклопедия, исследование, перевод, таблица.

Manbalarda keltirilishicha Ulug‘bek Samarqandda madrasa qurdirib, o‘z zamonasining ilg‘or olimu – shoirlarinishu erga to‘plagandan sal vaqt o‘tmay o‘zining mashhur Samarqand rasadxonasini barno qilishga kirishadi. [1, 553-sahifasi] “Ulug‘bek madrasasi – Registon ansamblining muhim qismi. Bosh fasadi Registon maydoniga qaratib qurilgan (1417-1420)” deb ko‘rsatilganligini e‘tiborga olinsa, Ulug‘bek rasadxonasini qurishga 1420-yildan keyin kirishganligi ma‘lum bo‘ladi.

Samarqandga Koshon (Isfahon va Tehron orasidagi shahar)lik o‘z zamonasining zabardast va etakchi matematigi va Astronomi G‘iyosiddin Jamshid ham Ulug‘bekning taklifi bilan Samarqandga keladi.

T.Domaev “Rasadxonaning eng asosiy qismi – sekstant Jamshid tomonidan tuzilgan loyiha bo‘yicha qurilgan. Jamshid, rasadxona ishga tushgan birinchi kundan boshlab to umrining oxirigacha ilmiy ishlarga rahbarlik qilishda Ulug‘bekning birinchi yordamchisi, o‘rinbosari lavozimida ishladi” deydi o‘zining “Jamshid” maqolasida (2, 18-20 bet).

D.Yusupovaning ta‘kidlashicha (Pismo Giyas al-Dina Kashi k svoemu otsu) Jamshid otasiga 7-zulqa‘da (yili keltirilmagan) uning savollariga javob tarzida maktub yozadi. D.YUsupovaning fikriga ko‘ra “Rasadxona qurilishining asosiy qismi maktub yozilishigacha tamomlangan edi” (3, 71-74 betlar). Ammo akademik B.Ahmedov (4. 270 bet) “Oydin Sayiliyning fikriga qo‘shilgan holda, maktub 823/ 1420/ 824/ 1421 – yillar orasida yozilgan deb taxmin qilsa bo‘ladi” degan g‘oyani olg‘a suradi.

Shu erda bir-biriga zid fikrlar paydo bo‘ladi. Bordiyu maktub B.Axmedov va Oydin Sayliy (Maktubni o‘zbek tiliga tarjimasini muallifi)lar ta‘kidlaganidek 1421-yilda yozilgan, D.YUsupova aytganidek maktub yozilganda Rasadxonaning asosiy qismi bir yilda qurilgan degan mantiqqa zid xulosaga kelishga kishini majbur qiladi. Shu o‘rinda yana O‘zbek Sovet ensiklopediyasida (1, II-tom, 554-bet) keltirilgan “Ulug‘bek rasadxonasi – Samarqanddagi 15-asr me‘morchiligining nodir namunalardan biri. Bino Ulug‘bekning farmoyishi bilan 1428-1429 yilda Ko‘hak

(Cho‘ponota) tepaligida, Obirahmat arig‘i bo‘yida bunyod etilgan” degan jumla e‘tiborni tortadi.

Bundan ko‘rinadiki, rasadxona qurilishi 1429 yilda tugallangan. Agar uning boshlanishini 1420-yil deb oladigan bo‘lsak, qurilish taxminan 9 yil davom etgan bo‘ladi. Vaholanki, farmoyishda berilgan vaqtga taalluqli va u taxminan 1428-1429 yillarda berilgan degan ma‘noda; ikkinchisi-qurilish bir yilda tugallandi ma‘noda ham tushunish mumkin bo‘ladi. Ammo rasadxonani qurishga madrasa qurilgan (1417-1420) dan sal vaqt o‘tgandan keyin kirishilgani (oldin ta‘kidlaganidek) e‘tiborga oladigan bo‘lsak, Jamshidning otasiga yozgan maktubini 1421-yilda yozilganiga ishonish qiyin. Aytilganlaridan ko‘rinadiki, Ulug‘bekning rasadxonasi qurilishining qachon boshlangani va tugallangani yuqoridagi mulohazalar orqali aniq javob berish biroz mushkul.

Aytilganlarga javob izlab, rasadxonadagi Astronomik muhit sari kezinamiz. Qo‘yilgan masalaga aloqadorligi ko‘proq deb hisoblab, rasadxona qurilishida etakchilik qilgan G‘iyosiddin Jamshid faoliyatiga qayta nazar tashlaymiz. B.Ahmedovning (4, 267 bet) aytishicha (V.V.Bartold ma‘lumotiga tayangan holda) “G‘iyosiddin Jamshid Koshiyning ijodi O‘rta va Yaqin Sharqda shuhrat topdi. Hayotining so‘ngi yillarini Samarqandda o‘tkazdi va taxminan 1429 yilda vafot etdi” O‘zbek Sovet ensiklopediyasi 6-tomi, 88 betida esa Jamshid haqida “Koshiy (Al-Koshiy) G‘iyosiddin Jamshid (Taxminan 1430 yilda Samarqandda vafot etgan) – O‘rta Osiyolik atoqli matematik va astronom” deyilgan. Hurmatli ustozlarning Jamshidning vafoti haqidagi “taxminan” deyilgan iborasi mohiyatini to‘g‘ri tushungan olda 1929 yoki 1430 yilning qaysi biri to‘g‘ri ekanligi haqida bahs yuritishni ortiqcha deb hisoblab, asosiy e‘tiborni masalaning boshqa tomoniga qaratamiz. Oldin ta‘kidlaganidek, T.Domaev (2) bo‘yicha Jamshid umrining oxirigacha Ulug‘bek kng birinchi o‘rinbosari bo‘lib ishlagan, ammo ensiklopediyada (bu ham oldin ko‘rsatilib o‘tildi) aytilishicha rasadxona 1429-yilda barpo etilgan, demak rasadxona qurilishi tugallanganda Jamshid vafot etgan edi. Xo‘sh qanday qilib u umrining oxirigacha ilmiy ishlarda Ulug‘bekka birinchi yordamchi bo‘lgan?

Axir asosiy ilmiy ishlarni Ulug'bek rasadxona qurilishi tugagandan keyin boshlagan emasmi?

Aytilgan fikrimizni yana qo'yidagi faqat bo'yicha rivojlantirishga ehtiyoj tug'iladi. T.Domaev "Jamshid" maqolasida yana Jamshid haqida "Ulug'bek zijining muqaddimasini, ya'ni asarining nazariy qismini fors tilidan arab tiliga tarjima qildi" degan satrlar uchraydi. Bu masalani yanada chigallashtiradi, chunki Ulug'bek o'zining "Ziji"ni qanday qilib rasadxona bitmasdan yozib ulgurgan va Jamshid rasadxona qurilishi bitgan yili vafot etib ketgan bo'lsa, qanday qilib buni arabchaga tarjima qilishi mumkin edi?

Boshqa manba (4. 122 bet)da Ulug'bek rasadxonasi qurilishi haqida. "...ajoyib olim mirzo Ulug'bekning maqtovg'a sazovor rag'batini va zo'r sa'y-harakati bilan 1424-1428 yillarda Samarqandning shimoliy tarafida Obirahmat arig'ining bo'yida Ko'hak tepaligi ustida qurildi" deyilgan va shu manbaning 123 sahifasida Ulug'bekning "Zichi jadidi kuragoniy" (ba'zi manbalarda "Zij" deyilgan) asari haqida. "Asar asosan ikki qismdan: nazariy muqaddima va falaqiyot hamda geometriyaga oid turli jadvalardan iborat bo'lib, 1437 yili yozib tamomlangan" deb ko'rsatilgan. Bu ma'lumotlarning birinchi qismi, ya'ni rasadxona qurilishi 1424 yilda boshlanib, 4 yil davom etgan. Ammo ikkinchi qismi – 1437 yilda uning "Ziji" yozib tugallanishi, yana Jamshidning vafotini hisobga olganda T.Domaevning fikrini inkor qiladi (Jamshidning 1429 yilda vafot etganini hisobga olsak).

Shu o'rinda bu masalaga biroz oydinlik kiritish uchun boshqa dalilga (4,122-bet) qilishga to'g'ri keladi. Unda aytilishicha rasadxona qurilishidan oldin ham Ulug'bek qurdirgan (1417-1420) madrasa (masjit)ning xonalarining biri astronomik kuzatishlarga moslashtirilgan edi va unda kuzatish tadqiqot ishlari olib borilgan. Lekin bizningcha bu ishlar natijasi ham hali Ulug'bekning to'liq jadvalini tuzishga kamlik qilgan deb o'ylaymiz.

Manba ma'lumotlarida keltirilganlari bo'yicha shunga qaramay, juda siyiq bilimlarimiz doirasida mavzuda qo'yilgan masalaga baholi qudrat javob

berishga urinib, qo'yidagilarni aytishni lozim topdik:

1. Ummaviya sulolasidan bo'lgan Marvon II zamonida (774-750) Damashqda qurilgan rasadxona, Nasriddin Tusiy nomi bilan bog'liq bo'lgan (1201-1274) Bog'doddagi Marog'a rasadxonalari-ning boy tajribalari asosida barpo etilgan donishmand podshoh, ajoyib olim mirzo Ulug'bekning falaqiyot ilmi o'chog'i hisoblangan rasadxonasi, uning madrasasi (1417-1420) qurilgandan keyin, aniqrog'i, 4-manbada keltirilgan tarixiy sana 1424-1428 yoki 1429 yillar davomida qurilganini biroz haqiqatga yaqin deyish mumkin;

2. Bu esa bino qurilishi to'g'risidagi Ulug'bekning 1428-1429 yilda bergan farmoyishi haqidagi ma'lumotning to'g'riligiga shubha uyg'otadi;

3. Ajoyib iste'dodli olim G'iyosiddin Jamshidning otasiga yozgan rasadxona qurilishi bilan bog'liq maktubi ham bizningcha 1421-yilda emas, balki undan sal keyinroq (rasadxona qurilishidagi voqealar haqidagi maktubda ko'rsatilgan ma'lumotlarga tayangan holda), ya'ni rasadxona qurilishi tugallanguncha oraliqda, taxminan 1427 yillargacha yozilgan bo'lishi mantiqan to'g'ri bo'lar deb hisoblaymiz;

4. Gap Jamshidning T.Domaev aytgan "Ulug'bek ziji"ning nazariy qismini forsiydan arab tiliga o'girdi deganiga kelsak, haqiqatan ham Ulug'bek falaqiyotga oid nazariyasining birinchi qismini yuqorida nomlari keltirilgan ustoz allomalar ilmiy merosini o'rganib, hamda oldingidan ham masjididagi moslashtirilgan xonada olib borgan kuzatishlari asosida yozib ulgurgan bo'lishi mumkinligi nuqtai nazaridan T.Domaev fikriga to'liq qo'shilish mumkin (faqat bundan 1437 yilgacha yozib tugallangan ikkinchi qismini mustasno qilganda) deb o'ylaymiz.

Adabiyotlar:

1. O'zbek Sovet Ensiklopediyasi. 2-tom, T., 1978 y.
2. T.Domaev, "Jamshid", "Fan va turmush", №6, 1969 y. 18-20-b.
3. Axmedov B.A. Amir Temur va Ulug'bek zamondoshlari xotirasida. T. O'qituvchi. 1966 y.
4. B.Axmedov. Tarixdan saboqlar. O'quv darsligi. T., 1968 y.

УДК 721.05

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУЗЕЙЛАРНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ ВА АРХИТЕКТУРА МУЗЕЙИ ЗАРУРИЯТИНИНГ АСОСЛАНИШИ

Самижонов Д., магистрант; Мирдавидова С., доцент
Тошкент архитектура қурилиш институти

Мақолада ҳозирги кунда Ўзбекистонда музейларнинг ҳолати, шу борада Давлат томонидан қўрилган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини намоён қилишга қаратилган Архитектура музейининг зарурияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: музей, архитектура, маданият, тарих, меърос.

В статье идёт речь о состоянии на сегодняшний день музеев Узбекистана, о мерах предусмотренных Государством по дальнейшему развитию музейного дела и о необходимости создания музея Архитектуры, ко-

торый позволит наиболее полно отразить историю развития архитектуры Узбекистана.

The article discusses the current state of museums in Uzbekistan, the measures envisaged by the State for the further development of museum business and the need to create a Museum of Architecture, which will most fully reflect the history of the development of architecture of Uzbekistan.

Кейинги пайтда Ўзбекистонда тарихий меросимизни ўрганишга ва маданият соҳасига катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада музейларга алоҳида ўрин ажратилган.

1994 йил 23 декабрда Вазирлар Маҳкамаси “Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида” қарор қабул қилди, 1998 йил 12 январидан эса Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримов “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди. Бу ҳолат муҳим иккита ҳужжат Ўзбекистонда ўтмишнинг буюк меросига алоҳида аҳамият берилганлигини тасдиқлайди. Ҳозир республикада фаолият кўрсатаётган 73 музейдан 22 - таси ўлкашунослик, 14-таси тарих, 10-таси бадиий, 12 таси - мемориал ва биттаси табиий-илмий музейдир.

Мустақиллик йилларида ташкил этилган Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи, Олимпия шон-шухрати музейи, Й.Охунбобоев, А.Қаҳҳор, Ю.Ражабий уй-музейлари, М.Турғунбоева музейи, Жиззахдаги Ш. Рашидов Ҳ.Носиров музейлари, Нукусдаги Бердақ номидаги Адабиёт музейи, Навоий ва Олмалиқдаги ўлкашунослик музейлари, Мирзачулни ўзлаштириш тарихи музейи, Зомин тарих музейи, марғилондаги адабиёт ва санъат музейи, Шаҳрисабздаги Амир Темур номли Тарих ва моддий маданият музейи республикамиз маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи янги шинам бинога кўчиб ўтди, Камолитдин Бехзод ёдгорлик мажмуаси ва музейи ҳамда Термиздаги археология музейининг қурилиши якунлашиш арафасида (1-расм).



1-расм. Термез археология музейи.

Яқинда ташкил топганлигининг 83 йиллигини нишонлаган Давлат санъат музейи

Ўзбекистон, хорижий Шарқ, Россия ва Ғарбий Европа амалий безак ва тасвирий санъатига оид 50.000 га яқин экспонатлар фондига эга. Музей уларни жамлаш, сақлаш, намойиш қилиш билан бир қаторда каталоглар, буклетлар ва альбомлар нашр этиш йули билан кенг тарғибот ишларини ҳам амалга оширмоқда. Музей Япония, Франция, Италия, Германия, Туркия, Эрон элчихоналари иштирокида қизиқарли кўргазмалар ўтказиб туради.

Қорақалпоғистоннинг И.В.Савицкий номидаги Санъат музейи кўплаб халқаро кўргазмалар иштирокчисидир.

1999 йил 1 январгача бўлган маълумотларга қараганда, республика музейлари фондида 1.305.786 экспонат сақланмоқда. Ўтган йил давомида уларнинг асосий фондига 7544 та экспонат қабул қилинган.

Республика музейлари умумий майдонлари - 137 150,4 кв м, экспозиция майдони – 56 .195.5 кв м., фонд сақланаётган майдонлари эса 2.791 кв м., ни ташкил этади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон халқаро сайёҳликнинг ривожланиб бораётганлиги ва ушбу диёрда яшаб келаётган халқларнинг тарихий ўтмишига қизиқиш ошаётганлиги асносида музей ишининг имкониятларини ўрганиш марказига айланмоқда.

1992 йил ноябрда Бухорода “Музейларда маркетинг” мавзусида бўлиб ўтган илмий симпозиумда МДХга аъзо қатор мамлакатлардан , Франция ва Финляндиядан келган музей ходимлари иштирок этишди.

2000 йил ноябрда Самарқандда “Ўзбекистон музейлари бозор иқтисодиёти шароитида” мавзусида ўтказилган халқаро семинарда Буюк Британия ва Россиядан келган музейшунос мутахассислар ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

Музейларнинг жамият маданий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта – у кишиларнинг миллий онгини шакллантиришда муҳим омил вазифасини касб этади. Яхши биламизки, ўз ўтмишини унутган халқнинг келажаги йўқ. Аждодларимиз яратган буюк мерос, маданий-маърифий бойликлар халқимиз айниқса, ёш авлод учун катта тарбия мактаби бўлиб хизмат қилади. Ҳукуматимизнинг музейлар фаолиятига оид қарорларида халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш-катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, давлатимиз музейлар фаолиятини ривожлантиришга ва ёдгорликларни тиклашга аҳамият бераётганлиги туфайли бу борада

ижобий натижаларга эришилмоқда.

Яна шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон худудида жойлашган ноёб архитектура ёдгорликлари ўз навбатида алоҳида эътиборга сазовордир. Биргина вилоятимизнинг ўзида 927 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг 163 тасини архитектура иншоотлари, 683 тасини археологик ёдгорликлар, 61 тасини қадимий санъат асарлари, 20 тасини эса зиёратгоҳлар ташкил қилади. Улар халқимизнинг ўтмишини ўзида мужассам этган миллий қадриятларимиз намунаси, халқимизнинг бебаҳо мулкидир. Уларни ўрганиш, муҳофаза қилиш, кўз қорачиғидек асраш ва келажак авлодга аслича етказиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Республикадаги мавжуд 3 та музей қўриқхона Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларида жойлашган. Булар Самарқанд Давлат музей қўриқхонаси, Бухоро Давлат музей қўриқхонаси ва Хивадаги “Ичон-Қалъа” давлат музей қўриқхоналаридир (2-расм).



А



Б

2-расм. А. Бухоро Давлат музей қўриқхонасининг Арк қалъаси. Б.Хивадаги “Ичон-Қалъа” давлат музей қўриқхонаси.

Ўзбекистон тарихидан маълум-ки, архитектура тараққиётига турли хил омиллар таъсир кўрсатгани унинг шакллари, ранг, композиция хилма-хиллигига сабаб бўлиб қолган. Умумий

ҳолатда ўхшаш элементлар, худудларга нисбатан фарқ қилади. Бу фарқларни устунлар қуринишида ҳам, нақшларда ҳам, хоналар режасларида ҳам ва бошқаларда кузатсак бўлади. Улар аҳолини амалий турмушига мослашган ҳолда ўзида чуқур фалсафий маъно ва эстетик хислатларга эга.



2-расм. Тошкент шаҳридаги Наврўз кўнғил очар боғи.

Албатта миллий амалий санъатимиз ва архитектурамизни билиш келажак авлодлар учун ватанпарварлик хислатларини шакиллантириш йўлида кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб қолади. Шунанга экан, ўлкамизнинг энг ёрқин архитектура ёдгорликлари, уларнинг тарихи, ноёб хислатлари, яратган усталар ҳаёти билан яқиндан танишишга имкон яратадиган музей зарурияти долзарб аҳамиятга эга бўлиб турибди. Бундай музейга ташриф буюрган одам на фақат архитектурани тарихи билан эмас, балки уш бу муқадас ёдгорликларни кичик макетлари, улардаги хоналари мисолида ўша вақтга ҳам саёҳат қилиш имкониятга эга бўлади. Бу ерга ташриф буюрган ўқувчи, талабалар Ўзбекистон тарихини меъморчиликни таррақиётида кузатиб бориши мумкин. Ва шу барча имкониятлар бир жойда Архитектура музейида мавжуд бўладилар.

Ватанимизга ташриф буюрган сайёҳлар учун ҳам бундай музей бир қанча қулайликлар яратади. Мисол учун музейда тақдим этилаётган маълумотлар асосида Республикадаги барча архитектура ёдгорликлари, уларни жойлашган жойи, тарихи билан танишган ҳолда, кейинчалик, бу ёдгорликлардан қайси бирига ташриф буюришини хал қилишига ёрдам беради.

Шу йили шунга ўхшаш, аммо кўнғил очар мақсадга эга бўлган Тошкент шаҳрида Наврўз боғи очилди. (3-расм).

Лекин музейларни асосий вазифаларидан бири: музей экспонатлари ҳақида аниқ ва тўла маълумот беришдир ва айнан шу мақсадни кўзда тутиш лозим архитектура музейини яратиш керакдир.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ФОРМИРОВАНИЯ ДИЗАЙНА АДМИНИСТРАТИВНЫХ ЗДАНИЙ

Рустамова М.А. – Ташкентский архитектурно-строительный институт

В статье затрагиваются вопросы современных тенденций формирования дизайна административных зданий.

Maqolada ma'muriy binolarni loyihalashda zamonaviy tendensiyalarga oid masalalar ko'rib chiqiladi.

The article addresses the issues of modern trends in the design of administrative buildings.

Ключевые слова: ратуша, административные здания, национальный колорит, индивидуальность дизайна зданий.


История наглядно показывает, как остро откликается на социально-экономические перемены в развитии цивилизации архитектурное проектирование зданий. Время диктует потребность в том или ином типе общественного здания, а также конкретные особенности внутри каждого типа, характерные именно для данного исторического периода и данной экономической формации. В настоящее время Узбекистан является страной, которая активно возрождает свою экономику и укрепляет материально-техническую базу во всех сферах народного хозяйства.

В связи с развитием технологий и прогресса меняются и тенденции. Время не стоит на месте, мы находимся в постоянном развитии. В связи с этим меняются и потребности. Все что мы привыкли видеть в административных зданиях (строгость, однотипность в архитектуре, монотонность в интерьере) это отголоски прошлого. На сегодняшний день мы все знаем, что качество работы напрямую зависит от условий места работы. Поэтому важно предоставить комфорт для сотрудников административных зданий. Также стоит продумать о предоставлении удобства для населения, для посетителей с детьми, престарелых и инвалидов. Это место должно предоставлять удобство для диалога народа с государством. Необходимо создать атмосферу защищенности, уюта и безопасности. В настоящее время Президент придает большое значение диалогу с людьми, изучению потребностей и предложений людей и улучшению качества жизни в нашей стране.

По итогам изучения зарубежных аналогов формирования дизайна административных зданий можно выделить следующие примеры.

В сентябре 2017 года в городе Налдвейк, Нидерланды, были введены в строй сразу два административных сооружения, разработанных архитектурным бюро *Cepezed*. Это новое здание городской мэрии и здание муниципального управления общины Вестланд, центром которой является Налдвейк. При проектировании обоих зданий принималось во внимание множество факторов, таких как представительность, качество пространства, функциональность, гибкость, комфорт и экологичность. Архитектура и той и другой построек основана на

метафоре оранжереи. Ведь оранжерея — вездесущий элемент, встречающийся в муниципалитете Вестланд повсюду. В контексте этой метафоры фасад — оболочка для всего, что живёт и растёт внутри; тонкая раковина, позволяющая процессам осуществляться быстро и гладко. Оба здания нейтральны в отношении CO₂ [1].



Энергопотребление сильно сокращено благодаря использованию множества современных методов строительства и материалов, например, тройного застекления, светодиодного освещения и контроля освещения и вентиляции на основе датчиков человеческого присутствия. Новая мэрия — постройка, отличающаяся максимальной прозрачностью. Это свойство не только добавляет эффектности внешнему облику здания и способствует хорошему самочувствию сотрудников и посетителей, но и подчёркивает демократический характер учреждения. Сильная визуальная связь между внутренней и внешней частью должна свидетельствовать об отсутствии границ между правительством и гражданскими лицами. Городская мэрия имеет характер «дома сообщества». Это —

открытое и доступное здание представительного вида, которое предлагает пространство для заседаний городского совета, предоставления социальных услуг и проведения важных событий. [1]



Это место, где выполняют свои обязанности мэр и члены муниципалитета, где осуществляется демократия в действии и где происходят торжественные мероприятия. Среди прочего, здесь же расположен муниципальный архив, таким образом, мэрия становится местом, где встречаются прошлое и настоящее Вестланда. Здание муниципалитета имеет более строгий и деловой вид; его интерьеры просторны, привлекательны и представительны. Здание состоит из двух универсальных офисных секций с высоким, ярким и зелёным атриумом между ними. Помимо всего, атриум включает ресепшен и ресторан. [1]

Современный интерьер ратуши. Нидерланды. Этот проект находится в Нидерландах, в месте под названием Кортрейк. Историческое здание городской ратуши было отремонтировано и обновлено, чтобы стать более удобным и комфортным для местных жителей. Главной задачей команды архитекторов из Snookaert-architecture было создание новой зоны регистрации, учитывающей пожелания различных групп посетителей и служб. Дизайнеры продумали спуски и варианты навигации для людей с ограниченными возможностями, позаботились о гостях с детьми, а также постарались сделать планировку удобной с точки зрения интуитивного движения. В центре зала был создан деревянный домик для малышей, где они могут ожидать своих родителей. Он спроектирован

таким образом, чтобы взрослые могли наблюдать за детьми на расстоянии, решая необходимые вопросы. [2]



Пространство площадью 560 кв. метров выполнили в светлых и тёплых тонах. Бежевый цвет и деревянная отделка придают обществу интерьеру ощущение домашней обстановки. Натуральные материалы приятны в использовании, а хорошая система изоляции помогает справиться с шумом даже в самые насыщенные часы работы. [2]



Новое здание ратуши в Сеуле. Проектное бюро iArcArchitects представило новое здание ратуши в Сеуле, Республика Корея. Современная конструкция из стекла символизирует открытость, демократичность и прозрачность работы мэрии города. Здание ратуши выполнено экологичным и «зеленым», причем в прямом и переносном смысле этого слова. Помимо устойчивых технологий его отличает стены из живых растений. [3]




Такой подход не только соответствует современным тенденциям градостроительства, но и олицетворяет собой географическую особенность страны, большую часть которой занимают горы и зеленые холмы. [3]

Таким образом, приведенные примеры свидетельствуют о применении принципов экологичности, функциональности, гибкости, использования современных материалов для создания качества пространства в административных зданиях.

Наблюдаемые социально-экономические преобразования в республике сопровождаются огромными масштабами строительства объектов жилища, общественного и промышленного назначения. В архитектуре нового Узбекистана появился стиль, который во всем мире называют корпоративным. Он характерен для объектов, связанных с бизнесом. К подобным зданиям относятся, например, гостиница «Интерконтиненталь», бизнес центр и Национальный банк Узбекистана, построенные в едином комплексе.



Классический стиль в архитектуре административных зданий характерен для хокимията Ташкента (1996) и Олий Мажлиса Республики Узбекистан (1997), обнесенных по фасадам белоснежными колоннами. [4]



Новое здание городского хокимията расположилось прямо напротив строящегося делового центра Tashkent City.



Хотя фасадная часть здания незначительно отличается от стиля других общественных зданий, но интерьер уникален своей теплой атмосферой. Теплый оттенок белого и бежевый цвет с деревянными отделками придают обществу интерьеру ощущение уюта и тепла.

В архитектуре Узбекистана помимо использования белых композитных панелей, большой популярностью пользуется сплошное остекление. Белый материал, так хорошо подходящий к местному климату, и синее стекло – придают зданиям современный вид. Однако, повсеместное использование подобного сочетания материалов способствует потере индивидуальности зданий, а также не всегда гармонично вписывается в городскую среду.

Административные здания посещает большое количество людей, которые хотят решить свои проблемы, и им должно быть удобно находиться там, чувствовать теплую атмосферу. А еще нельзя упустить тот факт, что административные здания посещают разные группы людей, - люди с ограниченными возможностями, с детьми, пожилые и т.д. Кроме того, для тех, кто работает в административных зданиях необходимо создать комфортные условия, учитывая все аспекты эргономики, психологический и экологический аспект.

Современные условия развития технологий диктуют необходимость в модернизации уже выработанных принципов проектирования архитектурной среды административных зданий. Сформированное пространство и уникальный образ учреждения должно способствовать

комфорту и качеству среды административных зданий.

Литература:

1. <https://hqroom.ru/zdaniya-meryu-y-munytsypalyeta-v-gollandskom-gorodke-naldveik.html>

2. <https://hqroom.ru/sovremennyi-ynter-ratushy.html>

3. <https://www.fresher.ru/2014/01/14/novoe-zdanie-ratushi-v-seule-ot-iarc-architects/>

4. www.archjournal.ru/rus/1_29_2003/archuzbekistan.htm

UDK: 72.04.01,72.04.03

INTERYER DIZAYNIDA O'ZBEK USLUBINI SHAKLLANTIRISHNING O'ZIGA XOSLIGI

Maksudova M. M., magistrant - Toshkent arxitektura qurilish instituti

Maqolada asrlar davomida rivojlanib, hozirda ham keng foydalanib kelinayotgan interyer uslublari tahlil qilingan. Uslublarning o'ziga xos jihatlari yoritilgan hamda o'zbek uslubi haqida tushuncha berilgan.

В данной статье анализируются стили интерьеров, которые развивались на протяжении веков и до сих пор широко используются, и концепция узбекского стиля.

This article analyzes the styles of interiors that have developed over the centuries and are still widely used, and compared them with the Uzbek style.

Kalit so'zlar: interyer, uslub, milliy, tarixiy, o'zbek uslubi, kantri uslubi, ingliz uslubi, provans uslubi.

Interyer (frans. interieur — ichki) bu inson o'z faoliyatini eng ko'p o'tkazadigan makondir. Xonaning dizayni, qulayligi, bezatilgan dekorlari inson ruhiyatiga ta'sir qilmay qolmaydi. Shuning uchun ham interyer dizayni bilan alohida mutaxassislar shug'ullanishadi. Dizaynerlar interyer loyihasi jarayonida avvalo buyurtmachining yashash tarzini, ruhiyatini, millatini, xohishini va h. k.larni o'rganib chiqadi. Shundan keyingina xona qismlarining faoliyatidan kelib chiqib mebellar joylashuvi aniqlanadi. Uslub esa buyurtmachining xohishiga ko'ra tanlanadi. Ish shu ketma-ketlikdan boshlanadi.

Interyer haqida D. A. Nozilov o'zining "Markaziy Osiyo me'morchiligida interyer" kitoblarida shunday ta'rif berganlar:

"Interyer – so'zi fransuz tilidan olingan bo'lib "xonaning ichki ko'rinishi" ma'nosini beradi. Imorat interyeri kishi faoliyati uchun juda muhimdir, chunki inson kunining asosiy qismini xonada o'tkazadi. Shuning uchun interyerlar uslubi millatning urf odatidan, dunyo qarashidan, ijtimoiy sharoitidan, ma'naviy talabidan kelib chiqadi. Shu bilan birga xonaning funksiyasidan va mavjud texnologik omillardan kelib chiqqan holda, uning kishi fiziologik talabiga javob berishiga katta ahamiyat beriladi. Xonada qishda issiq, yozda salqin haroratning saqlanishi, yorug'likning yetarli darajada tushishi, havo almashishining nisbati to'g'ri yechimni talab qiladi. Shuningdek, xona balandligi inson antropometrik tuzilishiga va buyumlarning balandligi joylashuvi ergonomik normalariga mos kelishi zarur." [1]

Tarixdan to hozirgi kunga qadar urf bo'layotgan chet mamlakatlarning milliy uslublari hamda o'zbek uslubidan farq qiladigan, o'xshash jihatlarni ko'rib chiqamiz. Bugungi kunda uslublar soni juda ko'p. Biz bu maqolada tahlil

qiladigan uslublarimiz asosiy jihati tarixdan shakllanib kelganligidadir. Bu – ingliz uslubi, provans va kantri uslublaridir.

"Ingliz uslubi – bu uslub mashhur qirolikda paydo bo'lgan bo'lib, ulug'vorlik va vazminlikning uyg'unlashganidir. Bir so'z bilan aytganda bu uslub boshqa uslublarga namuna hisoblanadi. Aslini olganda ingliz interyerlari ostida Gruzin va Viktorian uslublarining uyg'unligi yotadi. Bu uslubga qadimgi Rim, Yunonistondagi oddiy geometrik shakllar, aniq chiziqlar kiritilgan. Devorlarni bo'yashda bitta rang ishlatilishi Gruzin uslubidan olingan. Naqshlarda uchburchak shakllar ishlatilishi, qimmatbaho aksessuarlardan foydalanilishi esa Viktoriya uslubidan olingan. Mana shu ikki uslub birlashib ingliz uslubi kelib chiqqan." [2] (1-rasm)



1-rasm. Ingliz uslubi

Ingliz uslubining asosiy jihatlari:

- Devorlarda yaxlit yog'och dekor ishlatilishi.
- Qimmatbaho suvienerlar bilan bezatilishi.
- Devoriy yoritgichlardan (bra) keng qo'llanilishi.

Ingliz uslubi qat'iy va ma'lum darajada o'zgar-mas bo'lib, an'anaviy ravishda nafislik va yaxshi did namunasi hisoblanadi. Dumaloq shakldagi oshxona stoli, yumshoq qoplamali mebellar, o'tirishga qulay bolgan suyanchig'i baland kreslolar interyerning shinamligini ko'rsatib beradi.

Umuman olganda, mumtoz (klassik) ingliz interyerlari boshqa interyerlardan yog'ochning eng sara turlaridan foydalanishi bilan ajralib turadi. Bularga bo'yalgan eman, yong'oq, kabi yog'och turlari kiradi. Ingliz uslubida devorlar yog'och panellar bilan qoplanadi. Yana alohida o'ziga xosligi bu uslubda yog'ochli karniz ishlatiladi, toshdan ham foydalaniladi. Shiftga lepnina bilan ishlov beriladi, pol parket bilan qoplanadi. Ranglar gammasi har xil bo'lishi mumkin. Issiq ranglardan: sariq, qizil; sovuq ranglardan: kulrang, yashil, havorang ranglardan ishlatiladi.

Ingliz uslubida matoning o'rni juda katta, bu uslubda baxmal, velyur matolaridan foydalaniladi va bu interyerga yumshoqlik beradi. Bularga parda, divan kreslo va pletlar kiradi. Yotoqxonaga yostiqlar hamda patlar bilan urg'u beriladi. Bundan tashqari dekorlar ham alohida o'ringa ega. Billur qandillar, devoriy suratlar, stol chiroqlari, quritilgan gulli miniatura vazalar shular jumlasidandir.

O'zgaraslik va vazminlikni saqlab qolgan holda, mumtoz ingliz interyer egasining hurmati, badavlatligi haqida gapiradi. Shu sababli, ko'pincha bu uslub an'analarni hurmat qiladigan insonlar tomonidan tanlanadi.

“Provans uslubi – bu uslub janubiy Fransiyada paydo bo'lib, u asosan qishloq uylarining interyer uslubidir. Uslub nafaqat qishloq turmush tarzi, balki uning ajoyib tabiati, dengiz va quyosh nuri bilan bog'liqdir. Provans uslubida issiq va yumshoq ranglar ishlatiladi, shuningdek bu uslubda yorqin ranglardan vos kechilgan.” [2] (2-rasm)



2-rasm. Provans uslubi

Provans uslubining asosiy jihatlari:

- Mebellarni xuddi qadimiydek qilib soxtalashtirish.
- Gulli matolardan ko'p foydalanilishi.
- Zamonaviy uslublardan ancha yiroqligi.

Provans – bu qadimiy Fransiya ruhini his qildiradigan uslubdir. Provans uslubidagi interyerlar o'zining oddiyliги, shinamligi va qulayligi bilan ajralib turadi. Unda oddiygina qishloq buyumlaridan foydalaniladi. Bu uslubda umuman ulug'vorlik, joziba, badavlatlik bo'lmasligi shart. Uslubning asosiy qoidasi oddiylikdir. Provans uslubida tabiiy ranglar va tabiiy materiallar ishlatiladi. Plastik, ultra-yorqin materiallar bo'lmaydi. Uyning

devorlarini bo'yashda asosan, oqish ranglar ishlatiladi. Bular qaymoq rang yoki fil suyagi ranglari bo'lishi mumkin. Ba'zida to'q ranglar ham ishlatiladi: g'isht rangi, xira pushti, xira kulrangli havorang hatto ochroq siyohrang ham ishlatiladi.

Provans uslubidagi interyerlar uchun ideal oyna bu yerdan shiftgacha bo'lgan katta oynalardir. Katta oyna tabiiy yorug'likni ta'minlab beradi, romlarni esa oq yoki tabiiy yog'ochdan qilinsa maqsadga muvofiqdir. Bu qishloq uslubi bo'lgani uchun shiftlarga yog'ochdan tayyorlangan to'sinlar bilan bezak beriladi. Pol esa tabiiy yog'ochdan, yorqinroq rangda tayyorlangan doska bilan qoplanadi. Provans uslubida qoidaga ko'ra pol, mebel, devorlar yaqin ranglar o'zaro kontrast qilib olinadi. Bu interyerda aniqlik va yumshoqlikni ta'minlab beradi.

Provans uslubidagi mebellar faqat tabiiy yog'ochdan yoki rotang (qamishdan qilingan) materialidan yasaladi.

Mebellar huddi qadimiy avlodan-avlodga o'tib kelganday ko'rinishi kerak (2,b-rasm). Buning uchun ko'pincha mebellar, dekorlar soxtalashtiriladi. Bunday mebellarda siniqlar, yorilgan joylar ko'rsatiladi.

Bu uslubning yana bir o'ziga xosligi, krujevali choyshablar va yostiqlardan foydalanishdir. Provansda gullardan keng foydalaniladi. Gulli matolar, gulli dekorlar va h. k. Devorga dekor sifatida likobchalar yoki natyurmortlar osiladi. Shu bilan birga stolda tabiiy gullar turishi odatiy holdir, bu alohida jihati hisoblanadi. Gohida qurigan gullardan yasalgan kompozitsiya ham foydalaniladi.

Provans uslubidagi interyerlar zamonaviylikni kush ko'ruvchilarga mos kelishi amrimaxoldir.

“Kantri uslubi – bu uslub XIX asr oxiri XX asr boshlarida Angliyada paydo bo'lgan. “Kantri” – “mamlakat” ma'nosini bildiradi. Bu uslub oddiy xalq ichida rivojlangan. Odamlar o'sha davrda antiqa nima topsalar uni uylariga yasatib qo'yishni boshlashgan. Shu orqali kantri uslubi kelib chiqqan.” [2] (3-rasm)

Kantri uslubining asosiy jihatlari:

- Tashqi tarz qismiga ham, interyerga ham bir xil material ishlatilishi.
- Yumshoq matolardan ko'p foydalanilishi.
- Kamxarajatligi.



3-rasm. Kantri uslubi

Bu uslubni hattoki o'z davrida ham yangi uslub deb bo'lmaydi. Bu uslub XIX asrdan oldingi uslublardan olingan jihatlari ko'p. Kantri uslubi tarixiy uslublardan biri bo'lishiga qaramay u hozirda ham zamonaviy uslublardan qolishmaydi. Bu uslubda tashqi tarz bilan ichki interyerga bir xil material ishlatiladi va bu material, albatta, yog'ochdan bo'lishi kerak. Kantri uslubida yumshoq matolar juda kop qo'llaniladi. Divan, kreslolar yumshoq matodan qilinadi. Divanga dekor sifatida har xil o'lchamdagi yostiqlar qo'yiladi. Stol chiroqlari ham mato bn qoplangan bo'ladi. Bu interyerga yumshoqlik va qulaylik beradi. Shuningdek bu matolar albatta tabiiy bo'ladi: sitets, jun, lyon va boshqalar. Kantri uslubida katakli, yo'l-yo'l matolar an'anaga aylangan. Bu uslubdagi interyerlar qadimiy bo'lishiga qaramay xuddi eskirmaganday turadi, u eski narsalardan vos kechishga shoshiltirmaydi. Unda qulaylik, go'zallik yuqori baholanadi. Yana bir ajralib turadigan qismi, kantri uslubi kamchiqim inetryer hisoblanadi. Unda qimmatbaho mebellar va dekorlar uchratmaysiz. Barchasi oddiy, arzon bo'ladi. Mebellar bir-biriga mos kelishi ham shart emas. Shu bilan birga sovet davridagi barcha mebellar ham mos kelavermaydi. Shunchaki, did bilan tanlansa maqsadga muvofiqdir. Kamina bu uslubni dala hovlilarga tavsiya qilgan bo'lar edim.

Keltirib o'tilgan uslublar tarixiy va milliy uslublar hisoblanadi va ayni damda zamonaviy hamdir. Bu uslublarni tahlil qilishdan maqsad, o'zbek uslubini o'ziga xos shakllantirish uchun chet mamlakatlarning milliy uslublari bilan solishtirishdir.

O'zbekiston Sharqdagi o'z o'rniga ega davlatlardan biridir. Uning yorqin ranglari va ajoyib madaniyati uzoq vaqtdan beri mashhurdir. O'zbekistonning qadimiy me'morchiligi va interyerlari sharqona go'zalligini ko'rsatib beradi.

Avvalo, **“O'zbek uslubi”** tushunchasi bu qanday nom? Bu nom qayerdan kelib chiqqan? Shu savollarga javob topishga harakat qilamiz.

O'zbekistonda **“Milliy uslub”** tushunchasi bor. Lekin bu tushuncha umumiy hisoblanadi. Har bir mamlakatning o'z milliy uslubi bo'ladi. Faqat aniq bir nom bilan nomlanadi. Masalan ingliz uslubini – hozirda klassik uslubi, Fransuz millatiga tegishli uslubni – Provans uslubi, Yaponiyada – yapon uslubi deb nomlangan. O'zbek uslubini esa umumiy milliy uslub deb nomlashda noaniqlik kelib chiqadi. Shuning uchun biz **“O'zbek uslubi”** deb aniqlik kiritmoqchimiz.

O'zbek uslubi. Uylarning o'zbek uslubidagi interyerlari ertaklardagi uylarni eslatadi. Bu uslubdan xilma-xil ranglarning aniq geometrik shakllarning mukammal darajada aralashganini ko'rishingiz mumkin. Bunday uslubdagi interyerlarda issiqlik, quvnoqlik jo'sh urib, insonga yaxshi kayfiyat bag'ishlaydi. Azal-azaldan o'zbek

2. Саидов Джамшед. Новые строительные материалы на основе цементосодержащих композиций. Монография//LAR LAMBERT Academic Publishing.: Deutschland. 2012.-116 с.

3. Канцельский И.С., Камолов Г., Атакузиев Т.А. Воластонит как наполнитель для высокопрочных цементных растворов // Докл. АН УзССР. - 1972. №7., -с 27-28.

4. Kuldasheva A, Kuldashev Kh. Mechanical performances of cement compositions with using wollastonite fiber. “Қурилишда инновациялар, энергиятежамкор технологиялар, биналар ва иншоотларнинг конструкциявий ва сейсмик хавфсизлиги” мавзусида Халқаро илмий-техник конференция материаллари тўплами. Наманган.: НИСИ, 2019. 169-173 б.

5. Кулдашев Х., Султанов А. А., Кулдашева А. Х. Волластонит минералининг тузилиши, минералогик таркиби ва уни қурилиш саноатида ишлатишнинг истиқболлари// Меъморчилик ва қурилиш муаммолари. Илмий техник журнал. Самарқанд, СамДАҚИ.: 2011. №1. 42-45 б.

6. Шаприфов А., Камолов Г. Применение волластонита в составе цементных вяжущих и бетонов// Докл АН ТаджССР.-1987.-ТХХХ. №7. –с465-467.

УДК 691.32

ҚУРУҚ, ИССИК ИҚЛИМЛИ ХУДУДЛАРДА ЖК-02 СУПЕРПЛАСТИФИКАТОРИ ЁРДАМИДА БЕТОННИНГ ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ

Ғаниев А., т. ф.н., доцент, Бердикулов Б., магистрант; Шамситдинова Н.
Жиззах политехника институти

Ushbu maqolada superplastifikatorlarning xususiyatlari va xossalari kursatilgan. Megaplas ЖК-02 superplastifikatori betonga qo'shimcha sifatida ishlatiladi. Superplastifikatoridan foydalanish betonning erta va yakuniy mustahkamligini tezlashtiradi, sementni tejashga yordam beradi, beton aralashmasining suv sarfini kamaytiradi.

В данной работе описывается характеристика и свойства суперпластификаторов. В качестве добавки в бетон использован суперпластификатор Мегаплас ЖК-02. Выявлено, что применение суперпластификатора ускоряет раннюю и конечную прочность бетона, способствует экономии цемента, снижает водопотребность бетонной смеси.

This paper describes the characteristics and properties of superprecipitation. Superplasticizer Megaplast ЖК-02 was used as an additive in concrete. It is revealed that the use of superplastif accelerates the early and final strength of concrete, contributes to the saving of cement, reduces the water demand of the concrete mixture.

Калит сўзлар: суперпластификатор, цемент, бетон қоришмаси, бетон, мустаҳкамлик.

Бетон қоришмасига кимёвий қўшимчалар– суперпластификаторларни аралаштиришдан асосий мақсад:

- Қоришмада ишлатиладиган цемент ва сув сарфини камайтириш;

- Бетон қоришмасининг технологик хусусиятларини яхшилаш (қоришманинг ҳаракатчанлигини, бир хил жойлашувчанлигини сақлаган холда, унинг қатламларга бўлиниб кетмаслиги-

ни таъминлаш);

- Ҳаракатчан, суяқ бетон қоришмасини тайёрлаш ва ундан юкори мустаҳкамликка эга бўлган бетонни шакллантириш;

- Бетон қоришмасини узоқ масофаларга ташиш зарурияти булганида, қоришманинг ҳаракатчанлигини сақлаб қолиш;

- Темир-бетон конструкцияларига, буғ билан ишлов беришда, конструкциянинг қотиш

вақтини камайтириш;

- Тайёр булган темир-бетон конструкцияларини, қолипдан ажратиш вақтини тезлаштириш;

- Бетон ва темир-бетон конструкцияларининг умрбоқийлигини ошириш (совуқбардошлилик, сув ўтказмаслик, коррозияга чидамлик ва шунга ўхшаш хусусиятлар);

- Қиш мавсумида олиб бориладиган қурилиш ишларида, бетон қоришмасини музлашдан сақлаш;

- Темир-бетон конструкцияларидаги арматуранинг химоя қатламини кучайтириш ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қуруқ, иссиқ иқлимли ҳудудда жойлашган. Ўзбекистон шаҳарларининг чиройига муносиб ҳисса қўшиб келаётган жамоат бинолари, кўп қаватли турар-жой биноларининг асосий юк кўтарувчи элементлари, қуйма темир-бетон конструкцияларидан ташкил этишини инобатга олсак, суперпластификатор қўшимчалар қўшилган бетоннинг хоссаларини ўрганиш, долзарб масала ҳисобланади.

Олиб борилган тажриба ишларида, бетон қоришмасига қўшимча сифатида “Мегапласт ЖК-02” суперпластификаторини танладик (кейинги ўринда - ЖК-02 қўшимчаси). Улар, буюртмачиларга 2 хил, порошок ёки концентрацияланган эритма кўринишида тақдим этилади. ЖК-02 қўшимчасини бетон таркибига цемент массасининг 0,6-1,2% миқдоридида қўшиш тавсия этилади. ЖК-02 қўшимчасининг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у бетон қоришмасининг пластикланувчи қобилиятини ошириш билан бир қаторда, бетоннинг биринчи кунлардаги қотишини кескин тарзда тезлаштиради. Натижада, бетоннинг биринчи кунлардаги мустаҳкамлиги, кимёвий қўшимча аралаштирилмай тайёрланган бетонга нисбатан анчагина ортади.

Бундан ташқари, ЖК-02 қўшимчаси 1м³ бетон қоришмаси учун сарфланадиган цемент миқдорини 50-100 кг.гача, сувни эса 20-30% гача камайтириши мумкин. ЖК-02 қўшимчаси қўшиб, табиий шароитларда тайёрланадиган қуйма темир конструкцияларини тез қотиши натижасида уларни опалубка (қолип)дан ажратиши тезлашади, бу эса бинонинг қад кўтаришидаги, кейинги босқич қурилиш ишларининг олиб борилишини тезлаштиради. Суперпластификатор устида кўп олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Мақолада бир нечта олимларнинг фикрларини келтирамиз. Батраковнинг фикрича, суперпластификаторларнинг самарадорлиги, суперпластификатор молекуляр масса занжирининг узунлиги, шакли, ундаги функционал фаол гуруҳнинг мавжудлиги, таркиби ва турига ҳамда уларнинг молекулаларда жойлашувига боғлиқ [1].

Қоришмага аралаштирилган қўшимчалар цемент заррачаларининг устки қаватига сўрилади ва гидратация маҳсулотларининг ҳосил булишида итаришнинг “стерик” таъсирини яратади. Бунинг натижасида, цемент заррачалари юзасида ҳосил бўлаётган заряд ва занжир шакллари, гидратлар ҳосил бўлиш жараёнига ўз таъсирини ўтказади, шу таъсир бетон ва қурилиш қоришмаларининг узок вақт ҳаракатчанлигини сақлаб қолишига сабаб бўлади [2]. Суперпластификаторларнинг бундай механик ҳаракати бетон қоришмасининг ҳаракатчанлигини 3-4 баробар оширади.

Суперпластификаторларни яратилиш тарихи ва уларни бетон қоришмасига таъсирини биринчилардан бўлиб Ю.Баженов ўрганган. У табиатига кўра суперпластификаторларни 4 гуруҳга бўлинишини таъкидлаган:

1. Сульфатли меламинаформальдегид смоалари асосида тайёрлаган қўшимчалар 1960 йилда кашф қилинган, улар сув сарфини 15-30% га камайтиради ва қисқача номлари: НИЛ-10, 10-03, Мелмент, Конпласт, Зикамент-ФФ.

2. Формальдегид ва нафталин сульфат кислоталарининг конденсация маҳсулотлари негизида тайёрлаган қўшимчалар. 1932 йилда кашф қилинган, сув сарфини 15-25%гача камайтиради, С-3, 40-03, Дофен, Майти, Кормикс, Кризо Флюид номлари билан ишлаб чиқарилади.

3. Модификациялашган (яхши тозаланган, умуман шакардан холи) линга сульфатлар асосида тайёрлаган қўшимчалар. 1939 йилда кашф қилинган, сув сарфини 5-15%гача камайтиради, ЛСТМ, ХДСК-1, Пластимент БВ40 номлари билан ишлаб чиқарилади.

4. Поликарбонат асосида тайёрланган қўшимчалар, 1993 йилда кашф қилинган бўлиб, қоришмадаги сув сарфини 20-30%гача камайтиради, Мелфлюкс 1641Ф, Зика Вискокрит-20ШЕ номлари билан ишлаб чиқарилади. Баженов 1997 йилда кашф қилинган поликарбонат эфир асосида тайёрланган (АДИУМ) ва ўша йили кашф қилинган Акрил сополимери асосида тайёрланган Флюкс-1 қўшимчаларни ҳам 4 гуруҳга киритган. Охири иккита қўшимча сув сарфини 25-40%га камайтиради [3].

Касторнихнинг фикрича, суперпластификаторларнинг таъсири, уларни бетон қоришмасига аралаштирилгандан сўнг 2-3 соат билан чегараланади холос. Бошланишида, гидратация жараёнини бироз паса йтирган суперпластификаторлар қоришмада коагуляцион структура шаклландигандан сўнггина бетоннинг қотишини тезлаштириб юборади. Бунинг сабаби шундаки, цемент заррачалари устига сўрилган қават сув ўтказади. Суперпластификатор қўшимчасининг дефлокуляр таъсири натижасида, цемент ва сувнинг боғланиш юзаси кенгайди. Бу ўз навбатида гидратация маҳсулотларнинг кўпа-

йишига олиб келади [4].

Лаборатория синов ишларида ЖК-02 кўшимчаси билан бир қаторда, бетон қоришмасини тайёрлашда Навоий цемент заводида ишлаб чиқарилган, сульфатга чидамли 400-маркали портландцемент, доналарининг ўлчами 5-10 мм бўлган чақиқтошни танладик. 1 м³ бетон қоришмаси учун ишлатиладиган материаллар сарфи кўйидагича:

1. Кимёвий кўшимчасиз бетон қоришмаси учун цемент - 420 кг, чақиқтош – 1000 кг, кум – 848 кг, сув – 210 л.

2. ЖК-02 кўшимчасини кўшиб тайёрланган бетон қоришмаси учун цемент -370 кг, чақиқтош – 1000 кг, кум – 848 кг, сув – 176 л, ЖК-02 кўшимчаси – 3,7 кг (порошок кукуни кўринишида).

Бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги гидравлик прессларда 10x10x10 см, 15x15x15 см ўлчамдаги намуналарда 7 ва 28 кун қотгандан кейин аниқланди. Синовларда олинган натижалар 1-жадавлда кўрсатилган.

Жадвал 1.

Бетоннинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Кўшимчасиз бетон	ЖК-02 кўшимчали бетон
1.	Сиқилишга мустаҳкамлиги (МПа) - 7 кундан кейин	25,0	36,0
	- 28 кундан кейин	30,0	50,0
2.	Конуснинг чўкиши (см)	9,0	6,0

UDK 692.23.536.2

ZAMONAVIY TURAR-JOY BINOLARINING ICHKI VA TASHQI DEVOR TUTASHGAN BURCHAKLARIDAGIDAGI TEMPERATURA MAYDONI TA'SIRI

Хайдарова К.Х., о'qituvchi

Ushbu maqola, zilzilabardoshlikni oshirish maqsadida qo'llaniladigan monolit temirbeton elementlarning g'ishtdan barpo etiladigan binolarning ichki va tashqi devorlarining temperatura rejimiga ta'sirini o'rganishga, shuningdek devor burchaklarida kondensat hosil bo'lishini bartaraf qilish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqishga bag'ishlangan.

Данная статья посвящена изучению влияния монолитных железобетонных элементов на температуру внутренних и наружных стен кирпичных стен зданий, используемых для повышения сейсмостойкости, а также разработке рекомендаций по предотвращению образования конденсата в углах стен.

This article is devoted to the study of the effect of monolithic reinforced concrete elements on the temperature of the interior and exterior walls of brick buildings, as well as the development of recommendations for the prevention of condensate formation in the corners of walls.

Oddiy pishgan g'isht hozirgi kunda respublikamizning deyarli barcha xududlarida ko'plab ishlab chiqarish korxonalarini tomonidan hozirgi kun talablari miqdorida ishlab chiqarilmoqda. Shu bois respublikamizning barcha shaxar va qishloqlarida pishgan g'ishtdan ommaviy tartibda qurilayotgan turar-joy va ijtimoiy sohaga tegishli kam va o'rta qavatli binolarda g'isht asosiy devor materiali sifatida keng qo'llanilmoqda. Bunday

Хулоса

1. Бетон қоришмасининг таркибига, цемент массасининг бор йўғи 1% миқдорида ЖК-02 кўшимчасини аралаштириш хисобига, қоришмага сарфланадиган цемент миқдори 50 кг га, сув 38 л га камайди, бетоннинг мустаҳкамлиги эса, 7 кундагиси 28 дан 36 МПа гача (31%), 28 кундагиси эса 30 дан 50 МПа гача (67%) ошди.

2. ЖК-02 кўшимчаси қоришмага ишлатиладиган цемент миқдорини иктисод қилиб, сув сарфини камайтирган ҳолда бетоннинг биринчи ва кейинги кунлардаги қотишини тезлаштириб, мустаҳкамлигини оширади.

3. ЖК-02 кўшимчаси иссиқ иқлимли худудларда юк кўтариш элементлари куйма темирбетон конструкцияларидан ташкил топган бино ва иншоатлар қурилишида тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Батраков В.Г. Модифицированные бетоны. Теория и практика. Изд. 2-ое переработанное и дополненное. М.1998, 768 с.

2. Ушеров-Маршак А.В., Бабаевская Т.В. и другие. Методические аспекты современной технологии бетона / Бетон и железобетон/ 2002, № 1, 5-7с.

3. Технология бетона. Учебник (Баженов Ю.М.). -М., Изд-ва АСВ, 2003 – 500 с.

4. Касторных Л.И. Добавки в бетоны и строительные растворы. Учебно-справочное пособие. 2-ое издание. Ростов-на-Дону, Феникс. 2007. 219 с.


binolar qurilishda zilzilabardoshlikni oshirish maqsadida binolarning tashqi burchaklarida, ichki va tashqi devorlar tutashgan joylarda, deraza va eshiklar proyomlarining yonida, ayrim hollarda yaxlit devorlarning uzunligi katta bo'lgan uchaskalarida ham monolit temirbetondan karkas qilish va ustunlarning orasini pishgan g'isht termasi bilan to'ldirish usuli ommaviy tus olgan.



1-rasm. Samarqand shaxrida g'ishtdan barpo etilayotgan ko'p qavatli turar-joy binolaridan biri.

Turar-joy binolaridagi yashash xonalari uchun ichki havoning normativ temperaturasi $+20^{\circ}\text{C}$ va nisbiy namligi 55% qilib belgilangan. Bunday muhit uchun shudring nuqtasining temperaturasi $+10,7^{\circ}\text{C}$ ga eng. Demak, agar temirbeton karkasli g'isht devorli binoning burchagidagi zarur tadbirlar ko'rilmasa, qishda burchakdagi sirtida va unga yaqin joylarda nafaqat kondensat, balki qirov hosil bo'lishi ham mumkin.

O'tkazilgan tadqiqotlar ichki va tashqi g'isht devorlarni tutashgan joylarda temperatura maydoni ta'sirini o'rganishga bag'ishlangan. O'rta devor xisobiy sxemasi 2-rasmda keltirilgan.



2-rasm. Bir yarim g'isht qalinlikdagi tashqi va ichki devor tutshgan joyining xisobiy sxemasi.

Zilzilbardoshlikni oshirish maqsadida g'isht devorlarning ichki va tashqi devor tutashgan joylarda monolit temirbeton karkas joylashtirilgan-da ahvol bundan xam yomonlashishiga shubxa qilmasa xam bo'ladi. Bunday xodisaning qay

darajada sodir bo'lishini aniqlash maqsadida devor burchagidagi temperature hisoblash xonaning ichki havosi $+20^{\circ}\text{C}$ tashqi havo temperaturasi -15°C bo'lgan sharoit uchun bajarildi.

Temperaturaning devor qalinligi bo'yicha o'zgarishi devorning ichki burchagidan 1m masofada statsionar sharoitdagi bir o'lchamli issiqlik harakati sodir bo'ladi degan taxmin asosida hisoblandi. Bunda devorda qo'llanilgan materiallar-pishgan g'isht, ohaq-qum qorishmasi, monolit temirbetonning hisobiy teplofizik ko'rsatkichlari A ekspluatatsiya sharoiti uchun qabul qilindi [1]. Hisobiy sxemadagi boshqa nuqtalardagi temperatura qiymatlarini hisoblash zarur bo'lgan chiziqli tenglamalar sistemasini keltirib chiqarish uchun chekli farqlar metodiga asoslangan va [2] da bayon qilingan usuldan foydalanildi. Natijada 2-rasmda ko'rsatilgan xisobiy sxemaga asosan 33 ta noma'lumli 33 ta tenglama keltirilib chiqarildi. Olingan tenglamalar sistemasini yechish uchun EXCEL dastur ta'minotidagi МОПРЕД funksiyasidan foydalanildi. Hisoblash natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval.


Hisobiy nuqta	Temperatura, $^{\circ}\text{C}$	Hisobiy nuqta	Temperatura, $^{\circ}\text{C}$	Hisobiy nuqta	Temperatura $^{\circ}\text{C}$
1	-12,72	12	-11,68	23	+14,18
2	-12,92	13	+0,42	24	+14,61
3	-13,08	14	+1,32	25	+12,09
4	-13,14	15	+1,96	26	+14,54
5	-13,04	16	+10,6	27	+15,23
6	-12,99	17	+12,75	28	+17,21
7	-11,22	18	+13,28	29	+18,53
8	-11,55	19	+1,57	30	+18,81
9	-11,84	20	+2,36	31	+19,37
10	-11,93	21	+2,26	32	+19,69
11	-11,75	22	+12,43	33	+19,74

Natijalardan ko'rinib turibdiki, yilning tashqi havo temperaturasi -15°C ni tashkil qilgan paytlarda bino devorning ichki burchagida (21-nuqta) sirt temperaturasi $+2,26^{\circ}\text{C}$ gacha pasayishi mumkin.

Turar-joy binolaridagi yashash xonalari uchun ichki havoning normativ temperaturasi $+20^{\circ}\text{C}$ va nisbiy namligi 55% qilib belgilangan. Bunday muhit uchun shudring nuqtasining temperaturasi $+10,7^{\circ}\text{C}$ ga tengligini [3] hisobga olsak, bunday sirtida kondensat xosil bo'lish ehtimoli kattaligini ko'ramiz

Bunday salbiy hodisa sodir bo'lmasligi uchun mutaxassislar isitish sistemasining stoyaklarini burchakda joylashtirish, devor burchagida tashqari tomonidan pilyastra sifatida tashqaridan kengligini temirbeton ustun kesimining kengligini teng qilib 40 mm qalinlikda penopleks plita yopishtirilgan va ustidan ohak-qum qorishmasi bilan suvalgan g'isht devor konstruksiyasidagi temperature maydoni tadqiq qilindi. Tadqiq qilingan tashqi va ichki

devor tutashgan burchagining hisobiy sxemasi 3-rasmda ko'rsatilgan va natijalar 2-jadvalda keltirilgan.



3-rasm: qalinligi 40mm penopleks plitadan qilingan va suvalgan pilyastrali temirbeto karkasli ichki va tashqi devor tutashgan burchagining hisobiy sxemasi.

6	-10,55	18	-11,64	30	+14,7	42	+19,82
7	-6,15	19	+9,7	31	+12,00		
8	-4,79	20	+3,71	32	+13,76		
9	-3,33	21	+3,13	33	+14,67		
10	-12,33	22	-1,16	34	+14,82		
11	-12,87	23	-2,56	35	+17,72		
12	-12,96	24	-3,00	36	+18,16		

Yuqoridagi natijalardan ko'rinib turiptiki burchak nuqta ya'ni 27- nuqtada temperatura +11,27° C ga teng, shudring nuqtasi bilan solishtirganda 11,27° C > 10,7° C.

Demak o'rta devorni temirbeto o'zagini ichkari siljitib, tashqi tomondan 40 mm li penopleksdan pilyastra yopishtirsak, ichki sirtida kondensatsiya hosil bo'lmas ekan, ya'ni sirtida xona havosidagi suv bug'laridan kondensat hosil bo'lishi bartaraf qilish mumkin.

Adabiyotlar:

1. QMQ 2.01.04—97*. Qurilish issiqlik texnikasi. Qurilish meyorlari va qoidalari/ O'zR davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi; -Toshkent:2011-98b. - Tit.b.matn.paral.o'zb va rus tillarida.
2. Mahmudov M.M. binolar tashqi to'siq konstruksiyalarining murakkab tugunlaridagi temperature maydonini hisoblash bo'yicha uslubiy qo'llanma. -Samarqand: SamDAQI, 2016-88 b.
3. ФОКИН К.Ф. Строительная теплотехника ограждающих частей зданий Учебник/ К.Ф.Фокин; изд-е 5-е, перераб. -Москва: АВОК Пресс, 2006 -270 с.

2-jadval

Hiso biy nuqta	Temperatura °C	Hiso biy nuqta	Temperatura °C	Hiso biy nuqta	Temperatura °C	Hiso biy nuqta	Temperatura °C
1	-14,41	13	+1,69	25	+10,45	37	+18,28
2	-14,20	14	-1,68	26	+11,04	38	+19,21
3	-13,41	15	-2,58	27	+11,27	39	+19,36
4	-14,04	16	-10,59	28	+14,51	40	+19,6
5	-9,72	17	-11,47	29	+14,68	41	+19,79

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ЁНГИНДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН ШИШУВЧИ ТАРКИБЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тоҳтамуратов Дилшод Митхатович бошлиқ в.в.б.,
Ибрагимов Баҳром Ташмуратович, техника фанлар доктори,
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Ушбу илмий мақолада қурилишда ишлатиладиган металл конструкцияларни ёнғиндан ҳимоялаш ва оловбардаошлигини ошириш, борасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари борасида фикрлар юритилган. Олинган илмий натижалар ил қилинган. Ҳозирги кунда кенг қўлланиладиган металл конструкцияларнинг оловга бардошлилик чегарасини ошириш ва уларни оловдан ҳимоялаш усуллари такомиллаштирилган. Қурилиш конструкцияларини ёнғиндан ҳимоялаш учун шишувчи таркибларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилган бўлиб, бу борада аниқ ий маълумот келтирилган.

Таянч сўзлар: коплама, оловдан ҳимоя, цемент, волластанит, каолин, доломит, термик таъсир.

В данной научной статье представлен обзор результатов исследований по противопожарной защите и огнезащите металлоконструкций, используемых в строительстве. Полученные результаты анализируются. Совершенствуются современные методы повышения огнестойкости металлических конструкций и их защиты от огня. Разработаны новые виды противоударных составов для противопожарной защиты строительных конструкций, которые предоставляют подробную аналитическую информацию.

Ключевые слова: покрытие, огнезащита, цемент, волластанит, каолин, доломит, тепловые воздействия.

This scientific article provides an overview of the results of research on fire protection and fire protection of metal structures used in construction. The results are analyzed. Modern methods are being improved to increase the fire resistance of metal structures and their protection against fire. New types of shockproof compounds have been developed for fire protection of building structures, which provide detailed analytical information.

Key words: coating, fire protection, cement, wollastanite, kaolin, dolomite, thermal effects.

Республикамизда содир бўлаётган ёнгинлар натижасида ҳалок бўлаётган инсонларнинг сони йилига 150-160 тани ташкил қилмоқда. Ҳалок бўлганлардан кўра ёнгинда оғир куйиш тан жароҳатларини олган инсонларнинг сони қарийб 3 карра ортиқдир. Ёнгинлар натижасида етказиладиган моддий зарар миқдори бир неча миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

Қурилишда ишлатиладиган металл конструкцияларни ёнгиндан ҳимоялаш ва оловбардашлигини ошириш, қурилиш соҳасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган илмий изланишларда янги ва юқори самарадорликка эга бўлган ҳомашёлардан фойдаланиш ва уларнинг хусусиятларини яхшилаш эса бугунги кунга келиб ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда кенг қўлланиладиган металл конструкцияларнинг оловга бардошлилик чегарасини ошириш ва уларни оловдан ҳимоялаш усуллари қўйидагилардан иборат:

1. Металл конструкцияларни оловдан ҳимоялашни анъанавий усули, бу оғир ва енгил бетон, ғишт, цементли-қумли сувоқ билан ҳимоялаш.

2. Ғишт билан ҳимоялаш.

3. Цемент-қумли сувоқлар орқали ҳимоялаш.

4. Иссиқликни изоляция қиладиган сувоқлар.

5. Оловдан ҳимоя қопламлари.

6. Шишувчи бўёқлар.

7. Плитали ва листли иссиқликни изоляция қиладиган материаллар.

8. Қурилишда асбест-цемент плиталарни қўллаш.

Металл конструкцияларини ёнгиндан ҳимоялаш усуллари, бетонлаштириш, сувоқ қилиш ҳамда уларни листли иссиқлик ҳимояловчи материаллар билан қоплаб пардозлаш асосан XX асрда қўлланилган бўлиб, улар жуда меҳнат талаблиги ва конструкцияни жиддий юклантириши билан алоҳида ажралиб туради, буларнинг барчаси лойиҳалаш ва қуриш жараёнида уларни қўллаш доирасига маълум бир чегаранишларни киритади. Конструкцияларнинг умумий массасини пасайтириш ва дизайнни яхшилаш каби замонавий шаҳарсозлик талабларининг пайдо бўлиши оқибатида қурилиш материаллари бозорида қўйидаги замонавий ёнгин ҳимояловчи (олов ҳимояловчи) материаллар: шишувчи бўёқлар, локлар, мастикалар ва бошқалар пайдо бўла бошлади, улар ёнгин ва иссиқлик ҳимоялашнинг бесўнақай ва кўпол усуллари аста-секин сиқиб чиқара бошлади.

Замонавий самарадор шишувчи материалларни қўллаш конструкциялардан қўшимча юкларни олиш ва уларни енгиллаштириш би-

лан уларни ёнгиндан ҳимоялашнинг анъанавий кўпол ва қиммат баҳо усуллари инкор этиш имконини берди.

Ёнгиндан ҳимоялаш қопламаларини қўллашнинг замонавий амалиёти уларга анча қатъий талабларни қўймоқда, бу талаблар ўзига параметрларнинг кенг спектри: умрбоқийлик, юпка қатламлик, коррозион бардошлик, товуш изоляцияловчи хоссалар, кучли адгезион хоссалар, эстетиклик, вибробардошлик, кимёвий бардошлик, агрессив муҳитларга чидамлик, захарли эмаслиги ҳамда кам тутун ҳосил қилувчанлик қобилияти каби параметрларни киритади.

Ҳозирги кунда бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қўйидаги муаммо ва масалалар ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда:

- оловдан ҳимоялашнинг турли воситаларидан фойдаланган ҳолда конструкцияларнинг оловбардошлигини ошириш эвазига бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини стандартлар билан талаб қилинган ҳолатгача кўтариш;

- конструктив ёнгин хавфсизлик синфини ошириш;

- ишончлилик ва сифат бўйича тегишли кўрсаткичларга эга бўлган олов ҳимоялаш қопламаларини қўллаш эвазига қурилиш конструкцияларининг ёнгин хавфсизлигини ошириш.

1.-жадвал


Кетма-кет синовдан ўтказилган олов ва иссиқдан ҳимояловчи қопламалар таркиблари

т/р	Термо-вермикулит кукуни, %	Доломит %	Ёғоч қипиғи%	Каолин %	Натрийли сувоқ шиша, %	Валостонит	Ёнувчанлик даражаси бўйича хулоса
% ҳисобида							
1	10	15	15	10	40	10	Қийин ёнувчан
2	10	20	10	10	40	10	Қийин ёнувчан
3	10	10	8	20	45	7	Ёнувчан
4	12	20	10	10	40	8	Ёнмайди
5	10	20	10	10	45	5	Ёнмайди
6	10	25	5	10	40	10	Ёнмайди

1-жадвалнинг 4, 5 ва 6-қаторларида келтирилган таркибларнинг синов натижалари юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатди. Ўтказилган тажрибалар натижалари асосида республикамизда бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш борасида илк бор термо-вермикулит кукуни, волластонит минерали, майдаланган ёғоч қипиғи, базальт толаси ва натрийли сувоқ шиша каби маҳаллий минерал хом ашёлар асо-

сида янги таркибли самарадор оловбардош ва иссиқдан ҳимояловчи қопламалар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқариш технологиялари яратилди ҳамда ушбу қопламалар орқали қурилиш конструкцияларининг оловбардошлигини самарали оширишга эришилди.

Волластонит асосидаги янги оловбардош таркиб билан ишлов берилган намуналар ва муфель печи, бу печда намуналар 50-90 минут давомида 750 дан 1600 °С да қиздириш билан синовдан ўтказилди.



1-расм. Янги олов ҳимояловчи қопламани синовдан ўтказгандан кейин оловдан ҳимояланган металл конструкциянинг ташқи кўриниши

Самарадор олов ҳимоялаш алоҳида аҳамият касб этадиган объектлар қаторига кирувчи объектлар:

- оловбардошликнинг меъёрланган чегараларига эга бўлган қурилиш конструкциялари (колонналар, балкалар, ригеллар, плитлар, том ёпмалар, рамали конструкциялар);

- бино ва иншоотларни ҳимоялашнинг оловбардош ва олов ҳимояловчи ҳаво – ва газ ўтказувчи тизимлари;

- кабелли коммуникацияларнинг турли типлари (кучланишли, ёритувчи, назоратли) ва оловбардош қурилиш конструкциялари орқали кабелли ўтказмалар;

- нефтькимё комплексининг нефть ва газ қазиб олиш объектлари ва бир қанча элементлари.

Қурилиш конструкцияларининг кўплаб типлари олов ва температура таъсирига нисбатан юқори сезгирликка эга бўлади. Металл ва темирбетон конструкциялар чегаравий температураларга етган (500°С)да ўзининг мустаҳкамлигини йўқотади, яна қиздирилганда эса оловнинг яна кенг тарқалишига шарт-шароит яратилиб, улар бузила бошлайди. Шунинг учун ҳозирги кунда самарадор ёнғин ҳимоясини таъминлаш замонавийликнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Бу масалани ечиш учун хавфсизликнинг барча замонавий талабларини, хусусан, олов ва иссиқлик ҳимояси, экология, қурилиш конструкциялари ва бино элементларининг иқтисодий ва эксплуатацион сифатларини

қаноатлантирувчи ҳимоялашнинг самарадор воситаларини ишлаб чиқиш зарур.

Маълумки, олов ҳимоси конструкцияларнинг оловбардошлигини талаб этилган қийматларга кўтариш, оловнинг конструкциялар бўйлаб тарқалишини чегаралаш учун мўлжалланган бўлиб, бунда иккинчи даражали деб аталувчи эффектлар (тутун ҳосил бўлиши ва газсимон захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши)нинг қисқаришига эътибор қаратилади.

Конструкцияларнинг олов ҳимояси бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги ҳамда ёнғинбардошлиги (оловбардошлиги)ни таъминлаш бўйича умумий чора-тадбирлар тизимининг таркибий қисмидир. У конструкцияларнинг ёнғин хавфини пасайтириш, уларнинг талаб этилган оловбардошлигини таъминлашга йўналтирилган. Олов ҳимоясининг асосий вазифалари қаторига профилактик тадбирлар: ёнғиннинг олдини олиш, ёнғиннинг бошланғич стадиясида унинг ривожланишини тўхтатиш, ёнғиннинг “пассив” локализациясини яратиш, янги илғор лойиҳавий ечимларни қўллаш имкониятларини кенгайтириш киради.

Қурилиш конструкцияларини олов таъсиридан ҳимоялашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- бетонлаштириш, сувоқ қилиш ва ғишт тебри қоплаш;

- оловдан ҳимоя қилиш объектини плита кўринишидаги материаллар билан қоплаш ёки уларга оловдан ҳимояловчи экранларни ўрнатиш;

- сирт юзасига олов ҳимояловчи қопламаларини бериш (бўяш, суркаш, сачратиш ва ҳ.з.лар);

- конструкцияга олов ҳимояловчи таркибни шимдириш;

- юқорида келтирилган усуллари биргалликда уйғунлаштирувчи комбинацияланган усул.

Бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги даражасини оширишнинг асосий йўналишларидан бири – бу металл конструкциялар, кабелли тармоқлар, хоналарда фойдаланиладиган элементларнинг олов ҳимоясини самарали (эффектив) таъминлашдан иборатдир.

Шишувчи олов ҳимояловчи қопламаларни қўллаш самарадорлиги қуйидаги омиллар билан шарт-шароитланади:

- бунда ёнмайдиган ва атроф-муҳит учун зарарли бўлмаган углерод оксиди ва азот, сув буғлари каби газсимон маҳсулотлар шаклланаётган кўпikli материалнинг қиздирилган қатлами орқали ўта туриб анча миқдордаги энергия улушини сарфлаган ҳолда уни сезиларли даражада совутади;

- ҳосил қилинган пенококсининг унинг иссиқлик ўтказувчанлиги, термик турғунлиги, қалинлиги, тузилиши, бикрлиги, кинетикаси ва

уни олиш шарт-шароитларига боғлиқ бўлган термик қаршилиги;

- ҳосил бўлган кенококс сирт юзаси тушаётган иссиқлик оқимининг қайтиши (ютилиши) қобилияти. Кўпикланган кокс шунингдек полимер деструкцияси учувчи маҳсулотларининг алангага диффузияланишини чегараласа, аксинча ҳаво кислородининг парчаланаётган полимер сирт юзасига диффузияланишини чегараламайди. Карбонизацияланган маҳсулотлар чиқиши ва кўпик қатлами қалинлигининг ортиши ёниш зонасига тушаётган учувчи моддаларнинг миқдорини камайтиради, иссиқлик оқимининг қоплама пастки қатламларига тушиш жадаллиги (интенсивлиги)ни. Кокс термикбардошлигини ошириш унинг сиртида температуранинг ўсишига олиб келади ва қиздириш сарфининг ошишини шарт-шароитлайди. Кокснинг морфологияси иссиқлик ўтказувчанликка, ўтказувчанликка, ёниш ва туташга бўлган қобилиятга таъсир қилади.

Бино ва иншоотларнинг, айниқса саноат вази фасини бажаришга мўлжалланган бинолар ҳамда иншоотларнинг замонавий қурилишини металл конструкциялар ва элементларсиз тасаввур қили бўлмайди. Маълумки, бино ва иншоотларнинг металл конструкцияларини ҳимоя қилиш кўплаб омиллар: конструкциялар оловбардошлигининг талаб этилган чегаравий катталиклари; ҳимоя қилинаётган конструкцияларнинг типлари ва ҳимоя қилинаётган юзалар (колонналар, устунлар, ригеллар, балкалар, боғлаш элементлари)нинг фазода жойлашиши; конструкцияларга таъсир қилаётган юкларнинг турлари (статик, динамик юклар); эксплуатация қилишнинг температурали-нам шароитлари ва оловдан ҳимоя қилиш бўйича ишлар; олов ҳимояси ва конструкция материалига нисбатан атроф-муҳитнинг агрессивлик даражаси; олов ҳимояси массаси эвазига конструкцияга тушадиган юкнинг ошиши; олов ҳимояси монтажи моментлари (биноларни тиклашда ёки реконструкция қилишда); конструкцияларга қўйиладиган иқтисодий талаблар билан аниқланади.

Биз томонимиздан келтирилган жадвалда илмий эксперимент акс эттирилган бўлиб, биз уни бино ва иншоотлар қурилиши учун энг оловбардош таркиб олиш мақсадида ўтказдик. Бу мақсадга эришиш учун биз кукунсимон ҳолатдаги вермикулит, волластонит, ортофосфор кислотаси билан ишлов берилган ёғоч кипиқлари, базальт толаси ва суноқ натрийли шишадан фойдаландик. Эксперимент ушбу компонентлар миқдорларини янгидан ҳосил қилинадиган таркибга нисбатан фоизларда ўзгартириб боришни ўз ичига олди. Оқибатда бизнинг томонимиздан янги (тоберморит ва волластонит асосида) таркиблар олинди, бу таркиблар 1450°C температурада ҳам ёнмади.

Бунда волластонит ўзини энг мақсадга мувофиқ оловбардош материал эканлигини кўрсатди, бу материал янги оловбардош таркибга позитив таъсир қилди. Шунинг учун энг яхши натижалар мазкур жадвалнинг 6 ва 7 қаторларида акс эттирилган, чунки бу таркиб 90 минут давомида 1510°C температура таъсирига бардош берди.



2.-расм. Ёғочга волластонит асосидаги янги оловбардош таркиб билан қайта ишлов бериш бўйича эксперимент тажриба натижалари тасвирланган.

Намуналар 50 минут давомида 550-780 °C температура таъсирига дош берди.

2.-расмда синалаётган объектларни 1510°C температурага қиздириш имконини берувчи печни кўриш мумкин, айнан шу ерда бизнинг томонимиздан қурилишда қўлланилиши мумкин бўлган энг қийин ёнувчи кимёвий таркибларни аниқлаш ва ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди. Мазкур материал миқдорига нисбатан 20 фоиздан ошмаган миқдордаги волластонит эвазига олинган янги таркиб қоришмасида ёниш температураси 1510°C гача кўтарилди ва бу температура 90 минут давомида ушлаб турилди.

Таркибий қисми 20% дан кам бўлмаган миқдорда волластонитни ўз таркибига киритган янги таркиб синовдан ўтказиладиган объектнинг олов устиворлигини (оловга чидамлилиги)ни сезиларли даражада кўтаришга қодирдир. Ўтказилган тажрибалар асосида металлнинг оловбардошлик бўйича амалда нулли позициясидан 1200°C температурага дош берувчи материал хоссаларини олганлигини кўриш мумкин ва бу температура 90 минут давомида ушлаб турилди.

Кейинги ўн йилликда кўплаб янги олов ҳимояловчи қопламалар металл конструкцияларни ҳимоя қилиш учун кенг қўлланила бошланди. Минераль ва органик боғловчилар асосида олов ҳимояловчи шишувчи қопламаларнинг турли хил таркиблари ишлаб чиқилди. Улар металлдан ишланган конструкцияларнинг сирт юзасига 1-2 дан 5-6 мм гача бўлган юпқа қатламда берилади. 200-500°C температурада улар шиша бошлайди ҳамда 3-4 см гача ва ундан каттароқ қалинликка эга бўлган ғовакли термик изоляцияловчи қатлам ҳосил қилади. Паст иссиқлик ўтказувчан ғовакли қат-

лам ҳосил бўлиш эвазига химоя қилинаётган элементлар тез қизишининг олди олинади.

Олов химояловчи материаллар, қоидага кўра, органик ва (ёки) ноорганик компонентлардан ташкил топган кўп фазали тизимни ўзида намоеън этади. Енгиллаштирилган олов химояловчи материаллар ғовакли ва толали тўлдирувчилар ҳамда турли вазифалар (адгезияни оширувчи, физик-механик хоссаларни яхшиловчи ва ш.к. лар)ни бажарувчи ҳар хил махсус кўшимчалардан фойдаланган ҳолда минераль ва органик боғловчилар асосида тайёрланади. Шишувчи таркиблар учун минерал боғловчилардан эрийдиган суюқ (натрий силикати ёки калийнинг сувли эритмасини ўзида намоеън этувчи) шиша кўпроқ қўлланади. Бундан ташқари тез топиловчанлиги бўйича суюқ шиша цемент, фосфатли ва бошқа боғловчиларга нисбатан бир қатор учтунликларга эга. Унинг устун жиҳатларига захарли эмаслиги, пўлатга нисбатан юқори адгезияси ва қиздирилганда ҳажм бўйича ортишини киритиш мумкин. Эрийдиган шиша сувбардошлигини оширишга кремнийфторли натрийни, портландцементни, майдаланган домен печи шлакини қўшиш билан эришилади. Юқорида таъкидланган афзал жиҳатлар билан бир қаторда суюқ шиша (айниқса натрийли суюқ шиша) бир қатор камчиликларга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради, бундай камчиликлар самарали (эффektiv) олов химояловчи қопламалар олишга халақит қилади, мазкур камчиликларни уларни ҳар хил усуллар билан модификациялаш йўли орқали бартараф этиш мумкин. Шундай енгил (зичлиги 200-300 кг/м³ бўлган) қопламалар ёрдамида оловдан химоя қилиш конструкцияларнинг оловбардошлигини оширишнинг самарали (эффektiv) усули деб ҳисобланади.

Бу таркиблар, асосан, тўлдирувчилар, кўшимчалар ва қотиргичларнинг ҳар хил турлари билан билан бир-биридан фарқ қилишади. Улар паст ўртгача зичлик, иссиқлик ўтказувчанликнинг паст коэффициентига эга бўлиб, юқори олов химоялаш хоссаларини ўзида муҷассам этишган.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида адабиётлар манбаларини қилиш шуни кўрсатдики, кейинги йилларда қурилиш конструкциялари учун оловдан химояловчи таркибларни яратишга бўлган қизиқишнинг ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда, уларда қуйидагилар орқали самарага эришилиши кўриб чиқилган.

- юқори температурали ноорганик боғловчилар: алюмофосфатли, алюмоборфосфатли, алюмохромфосфатли ва титан икки оксиди, магний оксиди, кремний икки оксиди, алюминий гидрооксиди каби компонентлар билан бирга қўшила оладиган бошқалар;

- юқори температурали органик боғловчилар;

- мочевиноформальдегидли ёки мочевиномеламиноформальдегидли смолалар;

- антипиренлар: аммоний полифосфати, полифосфата аммония, алкилфосфоновли кислоталар ва бошқалар;

- махсус шишувчи компонентлар – оксидланган графит, полистирол чиқиндилари ва ҳ.з.лар.

Оловдан химоялайдиган қопламаларнинг аксарият гуруҳини фосфатли боғловчилар, минералли ғовак тўлдирувчилар ва толали материаллар асосидаги таркиблар ташкил этади. Улардаги фосфатли боғловчи компонентининг миқдори 16 дан 85 % гача бўлган чегарада тебранади. Боғловчи компонентининг сарфи тўлдирувчи тури ва унинг ғоваклилиги билан аниқланади.

Иссиқлик таъсиридан химоя қилишнинг самарали усулларини топиш мақсадларида металл конструкциялар устида бизнинг томонидан самарали таркиблар ва шу таркиблар асосида кенгаювчи оловдан химоялаш қопламаларини олиш учун тадқиқотлар олиб борилди. Вермикулит-кукуни ва волластонит минераль асосида қопламалар олиш учун самарали таркиблар ишлаб чиқилди ҳамда металл конструкцияларни химоя қилишда унинг самардорлигини аниқлаш бўйича экспериментлар ўтказилди.


НПБ 236-97 да белгиланган ҳолатларга мос келувчи шароитларда ўтказилган бундай экспериментнинг таркибий модули 2-расмда кўрсатилган. Тадқиқ қилинаётган оловдан химояловчи таркиб қуйидагилардан ташкил топган:

Намланган вермикулит кукуни 10 масс. % да, волластонитнинг кукунли минерали 5 масс. % да, ортофосфорли кислота билан қайта ишланган ёғоч қипиқлари 5 масс. % да, кукунли кальций карбонати (мармар, бўр), базальт 1-2 масс. % порошоквий қуруқ вермикулит, 10 масс. % порошоквий минерал волластонит, 5 масс. % да ва натрийли суюқ шиша 68-69 масс. % да. Металл пластина қиздирилиши ва унинг қарама-қарши томонидаги температура фиксацияланишига сарфланган вақт 150 минутни ташкил этди. Металл пластина температураси хромель-алюмель термпаралари ёрдамида аниқланди. Қопламага эга бўлган пластина 2 соат давомида қиздирилгандан кейин қопламада қандайдир сезиларли ўзгаришлар, бузилишлар кузатилмади.

Ўтказилган тажриба жараёнида таклиф этилаётган янги таркибли оловбардош ва иссиқдан химояловчи қопламалар юқори самарадор эканлиги илмий исботини топди. Ўтказилган тажрибаларнинг асосий илмий ютуқларидан волластонит минералининг оловбардошлиги

1630°C, валлостонит+Доломит кукунли ара-лашмасининг 0,1-0,3 мкм майдаланган фракциясининг 1560-1610°C ни ташкил этиши, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш учун ниҳоятда аҳамиятли деб топилди

3.-расмда юзаси 100 см² ва қалинлиги 1 см бўлган металл пластина бир томонини икки соат давомида 900-1000°C да қиздиргандаги температураси: 1-оловдан ҳимоялаш қопламаси бўлмаганда; 2-қалинлиги 0,15 см бўлган оловдан ҳимоялаш қопламаси; 3-қалинлиги 0,25 см бўлган оловдан ҳимоялаш қопламасига эга бўлганда, 15-20 минут давомида қиздирилгандан кейин 1 ва 2 эгри чизиқлардаги температуралар фарқи 50-60°C ни ташкил этган бўлса, 1 ва 3 эгри чизиқлар орасидаги температуравий фарқ 120-130°C ташкил этди ва бу температура 150 минут давомида эксперимент охиригача сақланиб қолинди.



3-расм. Янги таркиб билан ишлов берилган металл намунасининг 1600°C хароратгача таъсири берилган ҳолда ўтказилган синов графиги.

2.-жадвал.

Оловдан ҳимояловчи таркиб билан қопланган металл пластина температурасини ўлчаш

№	Пўлат пластина сиртидаги қопламанинг қалинлиги, см	Пўлат учун критик температура (500 °C) га эришиш вақти, мин.
1	Олов ҳимояси қатламига эга бўлмаган пўлат пластина	25±5
2	Олов ҳимояси қатламининг қалинлиги ≈ 0,10 см бўлган пўлат пластина	45±5
3	Олов ҳимояси қатламининг қалинлиги ≈ 0,15 см бўлган пўлат пластина	50±5
4	Олов ҳимояси қатламининг қалинлиги ≈ 0,25 см бўлган пўлат пластина	95±5

Изоҳ: қиздириш 2 соат давомида 860-1200°C олиб борилди.

Оловдан ҳимоялаш қатламининг қалинлиги 0,15 см дан 0,25 см гача ўзгартирилди. Қопламанинг максималъ қалинлиги (≈0,25 см)да пластина температурасини 135°C га пасайтириш мумкин бўлди (қопламасиз пластинага нисбатан). Барча кукунлар доналарининг ўлчамлари 160 мкм дан кичик бўлган қийматларни ташкил этди. Шундай қилиб, паст иссиқ-

лик ўтказувчанлик хоссаларига эга бўлган ҳолда қаралаётган таркиб ҳимоя қатламининг нисбатан катта бўлмаган (0,20-0,25 см атрофидаги) қалинликларига ёниш температурасини сезиларли равишда пасайтириш имконини беради. Бу жиҳат бир қатор ҳолларда ёғоч ва металл конструкциялар ҳамда материаллар учун олов ҳимояси қопламаси типини танлаш масаласида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, кўплаб ишланмаларда олов ҳимоси қопламаларининг иссиқликизоляцияон хоссаларини яхшилаш учун бошланғич таркибга шишган перлит, вермикулит, ичи ковак фосфатли микросфералар, пенополиуретан ва пенополистриол чиқиндилари, асбестли, каолинли, минераль ва шиша толалари ҳамда бошқа тўлдиргичлар киритилган. Ичи ковак фосфатли микросфералар қопламада бикр скелет ҳосил қилиш эвазига механик мустаҳкамликни оширади ва қопламанинг юқори иссиқликфизик характеристикаларини таъминлайди. Иссиқ ишлов бериш орқали майда туйилган лой ва фосфатли боғловчини уйғунлаштиришда бир жинсли материал олинади, бу материал кам ички кучланишларга эга бўлиши ҳамда фосфатли боғловчи ва оксидлар таркибида икки валентли металллар микдорини пасайтириш имконини бериш билан тавсифланади. Хризолитли асбест, минераль момик ва шишатоласидан толали тўлдиргичлар сифатида фойдаланилади. Глинозем, шамот, магнезит, майдаланган домен печь шлаки қўшимчалари олобардошликни оширади ва оловдан ҳимоялаш таркибининг ўтрувчанлигини пасайтиради, бу ўз вақтида ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари учун ёнгинларни самарали ўчиришни таъминловчи қўшимча вақтинчалик омилни беради.

Шишувчи қопламаларининг устун жиҳатлари (кам сарф ҳамда қўллашнинг технологиклиги туфайли нисбатан паст нархи) дан ташқари уларнинг бир нечта камчиликлари бор. Масалан, конструкция металлинини занглашга ва қоплама хоссаларининг ёмонлашувига олиб келувчи намни адсорбциялаш қобиляти ҳамда шишувчи бўёқлар қопламасининг ичида микроорганизмлар тўдасининг ривожланиши учун яхши шароит мавжудлиги шишувчи қопламаларнинг камчиликларига мисол бўла олади.

Шундай қилиб, тадқиқотларнинг юқорида келтирилган натижалари олинган натижаларнинг самарадор эканлигини кўрсатди, улар қуйидаги бош критериялар: олов ҳимоясининг самарадорлиги, сейсмиқҳимояловчи қурилиш конструкцияларини оловдан ҳимоя қилиш учун шишувчи таркибларни эксплуатация қилиш шароитларидаги умрбоқийлиги ва нархи бўйича такомиллаштирилади ва ривожлантирилади. Маҳаллий минерал хом ашё воллостонит минерали асосида ёғоч ва металл қурилиш материалларини олов ва юқори иссиқлик

таъсиридан химояловчи янги таркиблар яратилди. Амалдаги металллар учун критик ҳарорат 500°C ни ташкил этади, диссертант томонидан таклиф этилган янги таркиб асосли қоплама билан ишлов берилганда критик қиймати 1200-1500°C га оширилишига эришилди.

Яратилган оловдан химояловчи қопламаларни қўллаш орқали давлат стандарти талаблари бўйича ёғоч материаллари Е4 (кучли ёнувчан)дан Е1 (кучсиз ёнувчан) гуруҳга ўтишига эришилган, шунингдек, металлларда критик температурага етиш вақтини 15 дақиқадан 60-65 дақиқага (яъни амалда кенг ишлатилган қопламага нисбатан 4 мартадан ортиқ) ошириш имкониятини берган.

Адабиётлар:

1. Смирнов Н.В., Корольченко А.Я., Серков Б.Б. Комплексная оценка пожарной опасности полимеров, применяемых в строительных конструкциях // Сб. науч. трудов ВИПТШ. – М. 1989. – С. 156–170.
2. Серков Б.Б. Современные способы и средства огнезащиты строительных конструкций // Пожар взрывобезопасность. 2012. № 4. с. 93–95.
3. Попова Е.А., Расщепкина Е.А. Пожарная безопасность в строительстве: Учебное пособие / Кемеровский технологический институт пищевой промышленности. – Кемерово. 2015. – 128 с.
4. Машляковский Л.Н. Органические покрытия пониженной горючести / Машляковский Л.Н. и др. –Л.: Химия. 1989. С. 132–144.
5. Мосалков И.Л., Мосалков И.Л., Плюснина Г.Ф., Фролов А.Ю. Огнестойкость строительных конструкций/ М.: ЗАО «Спецтехника», 2001. 496 с.

МЕТОДЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ОГНЕСТОЙКОСТИ ДИСПЕРСИОННЫХ ПОКРЫТИЙ

Курбанова Мохира Абдувахобовна, Тиллаев Абдухофиз Тошевич

Ташкентский государственный технический университет;

Литяга Артём Валерьевич, Уралов Олимжон Гулом ўғли

Академия МЧС Республики Узбекистан

В данной статье, приведен технологический метод определения огнестойких водно-дисперсионных покрытий распространяющийся на производство огнезащитных водно-дисперсионных красок, представляющих собой суспензию пигментов и наполнителей в водной дисперсии синтетических полимеров с добавлением антипирена АП-1 и различных вспомогательных веществ.

Ключевые слова: антипирены, жидкое стекло, аддукт мочевины, фосфорная кислота, стеариновая кислота, формалин, водно-дисперсионная краска, эфир акриловой кислоты.

This article presents a technological method for determining fire-resistant water-dispersion coatings that applies to the production of fire-resistant water-dispersion paints, which are a suspension of pigments and fillers in the water dispersion of synthetic polymers with the addition of AP-1 flame retardant and various excipients.

Keywords: flame retardants, liquid glass, urea adduct, phosphoric acid, stearic acid, formalin, water-dispersion paint, acrylic acid ether.

Настоящий технологический метод определения огнестойких водно-дисперсионных покрытий распространяется на производство огнезащитных водно-дисперсионных красок, представляющих собой суспензию пигментов и наполнителей в водной дисперсии синтетических полимеров с добавлением антипирена АП-1 и различных вспомогательных веществ по ТУ 6.12-78-2000, ТУ 6.12-28-96 вырабатываемых путем смешивания компонентов в смесителях и диспергированием паст на бисерных мельницах. В итоге вышеперечисленная технология способствует получению новой огнезащитной водно-дисперсионной краски с модификацией антипиреном АП-1 кремнийорганической олигомерной композиции на основе метасиликата натрия (в виде жидкого стекла) со стеариновой кислотой и аддуктом мочевины с фосфорной кислотой. Показатель горючести краски до внедрения (до модификации) – краска относится к горючим материалам (III группа) по ГОСТу 16363-98 Межгосударственный стандарт «Средства огнезащитные для древесины. Методы определения огнезащитных

свойств».

Показатель горючести краски после модификации антипиреном - краска относится к огнестойким материалам (II группа) по ГОСТу 16363-98, то есть краска относится к Г2-слабогорючая, с умеренной дымообразующей способностью и умеренная по токсичности продуктов горения. Эти показатели являются разрешающими для использования краски в местах эвакуации по любым подложкам.

Методы испытаний. Отбор проб – по ГОСТ 9980.2. Подготовка образцов к испытанию. Перед испытанием краску размешивают и определяют массовую долю нелетучих веществ, pH, степень перетира, морозостойкость. Для определения других показателей краску при необходимости разбавляют питьевой водой по ГОСТ 2874 с жесткостью (1/2 Ca Cl₂) не более 7,0 моль/м³, конденсатом или дистиллированной водой по ГОСТ 6709 до вязкости 20-30 с по вискозиметру ВЗ-4 при температуре (20±0,5) °С при нанесении пневматическим распылением или до вязкости 40-80 с при нанесении кистью. Затем фильтруют через сетку

№ 1 по ГОСТ 6613 или через два слоя марли и наносят на подготовленные по ГОСТ 8832, пластинки. Цвет и внешний вид пленки, стойкость пленки краски к статическому воздействию воды определяют на деревянных пластинках- размерами 50x100 мм, толщиной 5-6 мм, укрывистость и время высыхания- на стеклянных пластинках специального назначения размером 90x120 мм, толщиной 1,2 мм по ТУ 21-0284461-058-90.

При определении времени высыхания краску наносят в один слой, при определении цвета и внешнего вида пленки краски, условной светостойкости краску наносят в два слоя на обе стороны пластинки, а также на боковые стороны. Продолжительность сушки между слоями – час при температуре (20 ± 2) °С. При определении укрывистости, второй и последующие слои сушат 1 час при температуре (20 ± 2) °С, затем при температуре (60 ± 2) °С и охлаждают 0,5 час при температуре (20 ± 2) °С.

Толщина однослойного покрытия 30-40 мкм, двухслойной 60-80 мкм. Толщину измеряют микрометром МК-25-1 по ГОСТ 6507 или прибором другого типа с погрешностью не более ± 3 мкм.

Перед испытаниями по показателям 8,12 табл.1 пленку выдерживают в течении 48 часов при температуре (20 ± 2) °С и относительной влажности 60-70 % по показателю 1- в течение 2 ч. При температуре (20 ± 2) °С.

Определение цвета и внешнего вида пленки краски. Цвет высушенной пленки краски определяют методом визуального сравнения с цветом соответствующих образцов картотеки завода- изготовителя при естественном или искусственном дневном рассеянном свете.

При разногласиях в оценке цвета и внешнего вида за окончательный результат принимают определение при естественном дневном свете.

Массовую долю нелетучих веществ определяют по ГОСТ 1737, навеску сушат при температуре (105 ± 2) °С в течение 40 мин.

Определение рН краски. Краску наливают в стакан вместимостью 50 см³, тщательно промытый дистиллированной водой и определяют рН. Новый стакан необходимо предварительно обработать горячим раствором соляной кислоты, а затем тщательно промыть дистиллированной водой.

За результат измерения рН краски принимают среднее арифметическое результатов двух параллельных определений, абсолютное расхождение между которыми не должно превышать допустимое расхождение равное 0,1 рН.

Определение смываемости. Устройство для определения смываемости типа УДС. Перед проведением испытания щетку выдерживают в

дистиллированной воде в течение 10 мин, выпарительную чашку высушивают в сушильном шкафу при температуре (50 ± 2) °С до постоянной массы (расхождение между результатами двух последовательных взвешиваний не должно превышать 0,0005 г).

Окрашенную пластинку помещают в держатель образцов устройства УДС, приводят щетку в движение, одновременно включают секундомер и на верхнюю часть пластинки из бюретки в течение 30 с подают 25 см³ воды при температуре (20 ± 2) °С. Смывную воду собирают в выпарительную чашку, находящуюся под пластинкой. Через 30 с щетку останавливают и промывают ее небольшими порциями воды до полного удаления частиц краски. Все промывные воды собирают в ту же чашку и выпаривают на водяной бане или электроплитке до удаления воды, затем чашку выдерживают в сушильном шкафу при температуре (105 ± 2) °С до постоянной массы, охлаждают в эксикаторе и взвешивают.

Смываемость краски (X), г/м², вычисляют по формуле:

$$X = m - m_1 / S,$$

где m- масса чашки с остатком краски, г;

m₁– масса чашки, г;

Хизмат кўрсатиш объектларни тикланиш баҳолари умумлаштирилган кўрсаткичлари тўплами»дан баҳоланаётган объект аналогини топиб, баҳонинг йириклаштирилган кўрсаткичини аниқлаб оламиз. Аналог объектнинг пойдевори – темирбетон, деворлари – пишиқ гиштдан, ора ёпмалар – темир бетон плита, поллари – бетон. Бинода қуйидаги муҳандислик жихозлари мавжуд: марказий исситиш тизими, иссиқ сув ва газ таъминоти, сувқувур, канализация, электр таъминоти, радио, телефон, телевидение.

Капиталлик гуруҳи – 1.

Ҳудудий коэффицент Самарқанд вилояти учун 1,007

Сейсмик коэффицентини -1,15

Капиталлик гуруҳига ўтиш коэффицентини -1,0

Бино баландлигига тўзатувчи коэффицент -1,0

Баҳолаш объектининг емирилишини аниқлаш учун Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида жойлашган қўрилиши тугалланмаган ёқилғи қўйиш шахобчасини қўрилиши тугатилиб эксплуатацияга топширилиши керак. Шунинг учун объектнинг ймирилишини 0% деб оламиз.

1-жадвал. Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида жойлашган қўрилиши тугалланмаган ёқилғи қўйиш шахобчасини қўрилиш қийматини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Микдори
Қўрилиши тугалланмаган ёқилғи қўйиш шахобчаси қўрилиш ҳажи, м ³	345,6
1 м ³ қиймати, сўм(УПВС18-076-03,1 китоб, жадвал 12 г)	83,2
Қўрилиши тугалланмаган ёқилғи қўйиш шахобчаси 1991 йилдаги тикланиш қиймати	28753
Бинони капиталлик гуруҳига тўзатиш	1,0
Бинони баландлига тўзатиш	1,0
Худудий коэффициент	1,007
Сейсмик коэффициент	1,15
Ободонлаштириш коэффициенти	1,11
Қимматлашув индекси 1991- 1998 й.	61,8
Индекс 1999-2009 й	8,57
Индекс 1.01.2010й	1,01
Индекс 1.01.2011й	1,208
Индекс 1.01.2016й	1,215
Индекс 1.01.2017й	1,213
Индекс 1.01.2018й	1,219
Индекс 1.01.2015й	0,927
Индекс 1.01.2016й	1,057
Индекс 1.01.2017й	1,122
Индекс 1.01.2018й	1,311
Индекс 1.01.2019й	1,396
Индекс 1.05.2019й	1,084
Қўрилиши тугалланмаган ёқилғи қўйиш шахобчасини қўрилиш қиймати, сўм	93585962

Ер майдони билан фойдаланиш ҳуқуқи

Ер майдони- 225 м², жамоат бино жойлашган ер майдони учун солиқ микдори - 27 979 000 сўм - 1га(10000 м²). 1 м²=2797сўм. Ер майдонидан олинган даромадни ер солиғидан аниқлаштирамиз:

$$225 \times 2797 = 629325 \times 12 = 7\,551\,900 \text{ сўм}$$

Капитализация ставкаси рефинансли ставкасига асосан олинди ва 16% ташкил этди.

$$7\,551\,900 / 0,16 = 47\,199\,375 \text{ сўм}$$

$$7\,551\,900 + 47\,199\,375 = 54\,751\,275 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб, ер майдонидан келиб тушадиган даромад - 54 751 275 сўмни ташкил қилади

Ёқилғи қўйиш шахобчасини қийматини аниқлаш учун унинг қолдиқ қийматига тадбиркорлик фаолияти даромади қўшилади. Тадбиркорлик даромади одатда 10-30%ни ташкил эта-

ди. Тадбиркорлик даромадини 10% деб қабул қиламиз.

2-жадвал. Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида ёқилғи қўйиш шахобчасини умумий қийматини аниқлаш

Бинонинг тури	Тикланиш қиймати, сўм	Тадбиркорлик даромадли коэф.	Қўшимча харажатлар, сўм	Ер билан фойдаланиш қиймати	Қиймат, сўм
Ёқилғи қўйиш шахобчаси	296355546	1,10	93585962	54751275	474328337

Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида ёқилғи қўйиш шахобчасини харажат ёндашувида аниқланган қиймати 474328337 сўмни ташкил қилди.

Ёқилғи қўйиш шахобчасини даромад ёндашуви билан баҳолаш бу даромадларга кўра баҳолашга ёндашиш, мурракаб маркетинг изланишлардан иборат бўлиб, қўтиш тамойиллардан иборат. Ёқилғи қўйиш шахобчаси қўрилиши тугалланмаган бўлиб, ундан даромад олишни имконияти мавжуд эмас.

Сотувларни қиёсий ига асосланган ёндашув тузатиш коэффициентларини ҳисоб –китоб қилишнинг мураккаблиги туфайли қўрилиши тугалланмаган ёқилғи қўйиш шахобчасини баҳолашда қиёсий ёндашув қўлланилмади.

Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида ёқилғи қўйиш шахобчасини турли ёндашувлар ёрдамида баҳолашда қуйидаги натижаларга эришдик:

Харажатли ёндашув – 435209405 сўм
Даромадли ёндашув - **қўлланилмади**
Қиёсий ёндашув – **қўлланилмади**

3-жадвал. Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида ёқилғи қўйиш шахобчасини бозор баҳосини аниқлаш

Кўлланилган ёндашувлар	Аниқланган қиймат, сўм	Кўрсаткичлар улушининг коэффициенти	Ҳисобланган баҳо, сўм
1 Қиёсий ёндашув	Қўлланилмади	-	-
2 Харажатли ёндашуви	474328337	1,0	474328337
3 Даромадли ёндашув	Қўлланилмади	-	-
Жами:		1	474328337

Демак, Самарқанд вилояти Иштихон шаҳарчасида ёқилғи қўйиш шахобчасини бозор қиймати 474328337 сўмни ташкил қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 19.08.1999 й. №811-1.

2. Мирзиёев Ш.М. «Стратегия действий 2017-2021 Т.: Узбекистон, 2017.

3. www. OLX .uz

УДК 629.113

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АВТОМОБИЛЬ СЕРВИСНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Исломов Шерзод Эшқувватович - катта ўқитувчи
Норқўзиёв Акмал Бахтиёр ўғли - магистрант
Жиззах политехника институти

Мазкур мақолада республикаимизнинг автомобиллаштириш даражаси, автомобиль сервисининг ҳолати қилинган. Автосервис корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Автомобиль, автосервис корхонаси, автомобиллаштириш даражаси, автомобилсозлик, кафолатли хизмат, «TRADE-IN» дастури, автомобиль саноати, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, аҳоли сони.

В данной рассмотрены степень автомобилизации республики и состояние автомобильного сервиса. Разработаны рекомендации по повышению эффективности работы автосервисных предприятий.

Ключевая слова: Автомобиль, автосервисное предприятие, степень автомобилизации республики, автомобилестроение, гарантийное обслуживание, программа «TRADE-IN», автомобильная промышленность, техническое обслуживание, ремонт, количество населения.

This article considers the degree of motorization of the republic and the state of automobile service. Recommendations on increasing the efficiency of car service enterprises have been developed.

Key words: Automobile, car service enterprise, degree of motorization of the republic, nuclear engineering, warranty service, TRADE-IN program, automobile industry, maintenance, repair, population

Республикаимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожлантириш боқичидан ўтмоқда. Бунга Президентимизнинг 2019 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ№4397-сонли қарори қабул қилинганлиги яққол мисол бўла олади.

Ушбу қарорда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини оширишни таъминлаш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усуллари жорий қилиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ишлаб чиқаришни яратиш, хусусан, энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача ошириш, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлган энгил автомобилнинг янги замонавий модели ишлаб чиқарилишини назарда тутган ҳолда автомобилларнинг моделлар қаторини янгилаш, 2019 йил 1 октябрдан харидорлар томонидан илгари фойдаланилган ўзларига тегишли автотранспорт воситаларини топшириш ҳамда улар қийматидаги фарқни тўлаш орқали маҳаллий автомобилларнинг янгисини харид қилиш имконини берувчи «TRADE-IN» дастурини тадбиқ этиш назарда тутилган.

«Uzautomotors» АЖнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватининг 40%га ўсиши автомобиллаштириш даражасининг ўсишига, ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг техник ҳолатини аъло даражада сақлаб туриш, ҳамда мижозларнинг ишончини ошириш мақсадида 2019 йилнинг 1 февралдан эътиборан компа-

ния янги автомобилларга кафолатли хизмат кўрсатиш муддатини қайси бири олдин келишига қараб 36 ой ёки 100 минг километрга узайтирилиши ва «TRADE-IN» дастурининг тадбиқ этилиши ўз навбатида компаниянинг расмий дилерлари ҳисобланган автосервис корхоналаридаги хизмат кўрсатиш меҳнат ҳажмларининг мос равишда ўсишига, ҳамда республикаимизда янги автосервис корхоналарини ташкил қилишга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, автомобилсозликда автомобиль моделининг мунтазам янгиланиб бориши натижасида автомобиль сервисидан янги турдаги хизмат кўрсатиш ишларига (автоматик узатмалар кутиси, АБС тормоз тизими, труба-наддувли таъминлаш тизими ва ҳ.к.) тезкор мослашувчанлик қобилиятини ҳам талаб қилади [3].

Илғор хорижий давлатларда автомобиль сервисини яхши шаклланданган, автомобиль сотиш билан бирга уларга хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Россия Федерациясида бугунги кунда ҳар 1000 кишига 334 автомобиль тўғри келади, мавжуд автомобилларнинг 80%и ёки 44 млн.га яқин энгил автомобиллар мавжуд бўлиб, автомобиллар сонининг йиллик ўсиш кўрсаткичи 8%ни ташкил этади. Автомобилларнинг ўртача ёши 12,3 йилни ташкил этади. Ҳозирда 76 мингдан зиёд автосервис корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Автосервис хизмати бозорида расмий дилерлик автосервис корхоналарининг улуши 17%, хусусий автосервис корхоналари 32%, ихтисослашган (автомобилларни

ювиш, кузов таъмирлаш, шина таъмирлаш) автосервис корхоналарининг улуши 51%ни ташкил қилади [4].

АҚШ, автомобиллаштириш даражаси бўйича етакчи ўринда, ҳар 1000 кишига 643 автомобиль тўғри келади, йиллик ишлаб чиқариладиган автомобиллар сони 8,6 млн тани ташкил қилиб, ТХК ва Т ишларининг 15,4%и дилерлик корхоналари томонидан амалга оширилади.

Ғарбий Европа давлатларининг автомобиллаштириш даражаси бир мунча юқори, мисол учун: ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиль сони Исландияда 747 тани, Италияда 682 тани, Испанияда 593 тани, Германияда 588 тани, Австрияда 585 тани, Полшада 580 тани, Францияда 578 тани, Португалияда 548 тани, Буюк Британияда 519 тани ташкил этади. Автомобилларнинг ўртача ёши 8 йилни ташкил этади. Автосервис корхоналарининг 66,3%и-мустақил, 33,7%и дилерлик корхоналари бўлиб, йиллик пул айланмаси-520 млрд евро, жумладан, автомобиль сотиш-81%, эҳтиёт қисм сотиш-11,5%, автосервис хизмати 7,6%ни ташкил қилади [2].

Автосервиснинг ривожига туртки бўладиган асосий факторлардан бири бу минтақанинг автомобиллаштириш даражасидир, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони билан аниқланади. Статистика бошқармасидан олинган маълумотлардан кўринадик, 2018 йилнинг якунига кўра республикада ҳар 1000 кишига тўғри келадиган умумий автомобиллар сони 83 тани, жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобиллар 74 тани ташкил қилади, бу кўрсаткичнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши ва йиллар бўйича ўзгариш динамикаси 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга тегишли автотранспорт воситаларининг сони тўғрисида маълумот (ҳар 1000 кишига нисбатан) [5]

Худуд	Йиллар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Республика аҳолиси сони млн*		30,49	31,02	31,57	32,12	32,6
Ўзбекистон Республикаси		63,3	67,4	68,8	70,2	74,0
Қорақалпоғистон Республикаси		45,6	47,4	47,2	53,8	54,5
Андижон вилояти		52,2	54,0	53,8	54,0	54,6
Бухоро вилояти		94,6	95,0	94,0	94,5	94,6
Жиззах вилояти		42,6	42,6	43,1	46,0	48,8
Қашқадарё вилояти		48,5	48,8	52,4	53,2	64,5
Навоий вилояти		76,5	75,7	76,1	77,3	83,7
Наманган вилояти		35,9	45,4	53,3	53,3	59,1
Самарқанд вил-ти		64,5	77,1	76,1	75,3	78,7
Сурхондарё вил-ти		44,1	48,2	49,8	51,4	53,6
Сирдарё вилояти		44,3	45,0	46,1	48,3	56,1
Тошкент вилояти		70,5	71,0	70,2	73,1	83,3

Фарғона вилояти	64,8	66,9	65,9	65,8	66,4
Хоразм вилояти	80,2	85,1	87,8	90,0	90,4
Тошкент шаҳри	120,0	130,7	137,4	141,8	143,5

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари [5].




1-график. Республикада жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сонининг ўзгариш динамикаси.


Республикада жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сонининг ўзгариш динамикасини қиладиган бўлсак, 2014 йилдан бошлаб ўзгариш қонунияти қуйидаги ифода бўйича ўзгараётганлиги маълум бўлади (1-график):

Бу ерда x – бир календар йили.

Қуйидаги 2-графикда 2014-2019 йилларда “Uzautomotors” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобиллар сони келтирилган.



2-график. “Uzautomotors” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобиллар сони [6].



3-график. Республикада аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси.

1 ва 2-графикларни ўзаро солиштирадиган бўлсак, автомобиллаштириш даражасининг ўзгариши республикада ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сонига узвий боғлиқ ҳолда ўзгараётганлиги, яъни 2016 ва 2017 йилда автомобиллаштириш даражасининг ўсиш

кўрсаткичи анча паст бўлганлиги яққол кўзга ташланади. Ҳолбуки, 3-графикни қиладиган бўлсак, аҳоли сонининг ўзгариши тўғри чизиқли ўсишда давом этаётганлигини кузатишимиз мумкин.

1 ва 3 графикларни ўзаро қилиб, 2030 йилни башоратлайдиган бўлсак, бу даврда республикамизнинг аҳолиси сони қарийб 39 млн.га яқинлашиши ва ҳар минг кишига тўғри келадиган жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар сони 106,1 автомобилни ташкил қилиши маълум бўлади.

Яъни, ҳозирги кунда Республикамизда жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар сони 2,15 млн.тани ташкил қилса, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 4,134 млн.тага етиши мумкин, бу ўз навбатида республикамизда автосервисга бўлган эҳтиёжнинг бугунги кунга нисбатан қарийб 2 баробар ортишини кўрсатади.

Республикамиздаги автосервиснинг мавжуд ҳолатини қиладиган бўлсак, бугунги кунда транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича юридик шахсларга тегишли автосервис корхоналарининг сони 1500 дан зиёдни ташкил қилиб, мазкур автосервис корхоналарининг салмоқли қисми, яъни 94%ини кичик регламентли хизматларга мўлжалланган автосервис корхоналари, ТХК постлари ва устахоналари ташкил қилишига гувоҳ бўламиз.

Қолган 6% сервис хизмат кўрсатиш ишлари “Uzautomotors” АЖ расмий дилерлик сервис корхоналарининг улушидир, бунда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари 43%ни, эҳтиёт қисмларни сотиш 57%ни ташкил қилади [2].

“Uzautomotors” АЖ расмий дилерлик сервис корхоналарига кирувчи автомобилларнинг улуши куйидагича:

-“Автотеххизмат”-республикамизда мазкур тизимдаги 32 та автосервис корхоналари мавжуд бўлиб, “Uzautomotors” АЖ расмий дилерлик сервис корхоналари миқдорларининг 63%ини қамраб олган, чунки мазкур корхоналарда катта спектрдаги таъмирлаш хизматини кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, постлар сони 466 тани, ишчилар сони 1667 тани ташкил қилади;

-“Автосавдо”-мазкур тизимдаги автосервис корхоналари “Uzautomotors” АЖ расмий дилерлик сервис корхоналари миқдорларининг 19%ини қамраб олган, мазкур тизимнинг потенциали майда регламентли хизмат кўрсатиш ишлари билан чекланади;

-“Лада”-мазкур тизимга автомобилларнинг кириши 14%ни ташкил этади;

-Бошқа дилерлар 4%.

“Uzautomotors” АЖнинг расмий маълумотларига таянадиган бўлсак, бугунги кунга қадар заводда 3,1 млн.дан зиёд автомобиль ишлаб

чиқарилиб, 2,0 млн.дан зиёди республикамизда сотилган, бу кўрсаткич республикамиздаги мавжуд автомобилларнинг 65-70%ини ташкил қилади.

Республикамиздаги автосервиснинг бугунги аҳолини қиладиган бўлсак куйидаги муаммолар борлиги аниқланди:

- автомобиль сервиси бўйича қонунчилик асослари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқилмаганлиги;

- технологик жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси пастлиги ёки мавжудлари ҳам маънавий эскирганлиги;

- комплекс хизмат кўрсатувчи автосервис корхоналарининг салмоғи камлиги;

- мулкчилик шаклини белгилашда соҳага оид бўлмаган атамалардан фойдаланиш (МЧЖ, ХК, ОК, ХТ каби, бу соҳани тартибга солиш ва соҳага оид статистик маълумотларни юритишда муаммоларни келтириб чиқаради);

- автосервис корхоналарининг ҳудудлар бўйича тақсимланишини рўйхатга олинмаганлиги, ҳудудларнинг автосервис хизматида бўлган эҳтиёжнинг номаълумлиги;

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим:

-автосервис корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятни тартибга солиш борасидаги қонунчилик асосини ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш;

-мулкчилик шаклидан қатъий назар, автомобиль транспортининг тармоқ корхоналари ҳисобланган автосервис корхоналарининг фаолиятини ягона тизимини шакллантириш ва соҳадаги муаммоларни қилиб бориш;

-автосервис корхоналарининг ҳудудлар бўйича тақсимланишини қайта рўйхатга олиш орқали ҳудудлардаги автосервис корхоналарининг фаолият тури, қувватини аниқлаш, ҳудудларнинг автомобиллаштириш даражаси орқали автосервис хизматининг турларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш ва бу орқали истиқбол режани шакллантириш;

-хорижий инвестицияни жалб қилиш, кредитлар ажратиш орқали янги автосервис корхоналарини ташкил қилиш, мавжудларини замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашиш;

-соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини сонини кўпайтириш ва уларни қўллаб қувватлаш;

-соҳага оид статистик маълумотларни мунтазам юритиб бориш орқали тизимнинг мавжуд ҳолати ҳақида ва келажак истиқболи тўғрисида аниқ башоратларга эга бўлиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, автосервисни ривожлантириш учун аввало, автосервиснинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик асосини ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарур.

Адабиётлар:

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ№4394-сонли қарори.

2. Мусажонов М. З. Автосервис корхоналарини лойihalаш асослари. Тошкент. Тамаддун нашриёти 2017 йил. 336 б.

3. Исломов Ш. Э. “Жиззах шаҳрида автомобил-ларга сервис хизмат кўрсатиш сифатини ошириш

муаммолари”; Иқтисодий тармоқлари ривожланишини таъминловчи фан, таълим ҳамда модернизациялаган энергия ва ресурс тежамкор технологиялар, техника воситалари: муаммолар, ечимлар, истиқболлар. Республика миқёсидаги илмий-техник анжуман. Жиззах: ЖизПИ, 17-18 апрел 2015 й. 407-409 б.

4. <https://www.autostat.ru/news/41081/>

5. www.stat.uz –Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти.

6. http://uzautomotors.com/articles/uzavtosanoat_z_a_9_mesyasev_2019goda

УДК. 274.11

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲУСУСИЯТИДАГИ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Ganieva Feruza Samievna. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Assessment of investment attractiveness of industrial real estate

Over the last years in the Republic of Uzbekistan the main directions of development of appraisal activity, measures on correction of appraisal activity are developed. This, in turn, is part of a larger effort to implement economic reforms in the country. At present, the sphere of services, which includes appraisal activity, is rapidly developing in the country. Services in the field of appraisal activity are developing rapidly in the country. It should be noted that real estate appraisal, denationalization, radical change of citizens' property ownership, use and disposal by the President and Government of the Republic of Uzbekistan. economic and legal literacy

Keywords: Services sector, manufacturing organizations, investment, investment attractiveness, real estate market, real estate, facility, valuation service, capital, profit, discounting method, revenue approach, forecast period, ownership, project, profitability, indicators process, project implementation, savings, coordination of results

Оценка инвестиционной привлекательности производственных объектов недвижимости

За последние годы в Республике Узбекистан разработаны основные направления развития оценочной деятельности, меры по коррекции оценочной деятельности. Это, в свою очередь, является частью более масштабных усилий по осуществлению экономических реформ в стране. В настоящее время сфера услуг, включающая оценочную деятельность, в стране стремительно развивается. Следует отметить, что Президент и Правительство Республики уделяют особое внимание оценке недвижимости, разгосударствлению, радикальному изменению безразличных взглядов наших граждан, повышению экономической и правовой грамотности в вопросах владения, пользования и распоряжения имуществом

Ключевые слова: сфера услуг, производственные организации, инвестиции, инвестиционная привлекательность, рынок недвижимости, недвижимость, объект, услуга оценки, капитал, прибыль, метод дисконтирования, доходный подход, прогнозный период, право собственности, проект, рентабельность, показатели процесс, реализация проекта, экономия, согласование результатов.

Ҳозирги кунда баҳолаш фаолиятини қамраб олувчи хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Республикаимиз Президенти ва ҳукумати томонидан кўчмас мулкни баҳолаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фуқароларимизнинг мулкка бўлган лоқайд қарашларини тубдан ўзгартириш, мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишдаги иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Калигли сўзлар: Хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш ташкилотлар, инвестицион жозибадорлик, кўчмас мулк бозори, кўчмас мулк, объект, баҳолаш хизмати, капитал, фойда, дисконтлаш усули, даромад ёндашув, прогноз давр, эгалик ҳуқуқи, лойиха, рентабеллик, кўрсаткичлар, иқтисодий жараён, лойихани тадқиқ этиш, фондоқайтим, натижаларни мувофиқлаштириш.

Қириш. Ўзбекистон Республикасида сунги йиллар мобайнида баҳолаш фаолиятини ривожлантиришнинг асосий юналишлари, баҳолаш фаолиятини ислох этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу эса, уз навбатида, республикада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган катта ишнинг бир қисмидир. Ҳозирги кунда баҳолаш фаолиятини қамраб олувчи хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Республикаимиз Президенти ва ҳуку-

мати томонидан кўчмас мулкни баҳолаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фуқароларимизнинг мулкка бўлган лоқайд қарашларини тубдан ўзгартириш, мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишдаги иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Асосий қисм. Мамлакатимизда Президент Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида бозорнинг барча бўғинларини ривожлантириш механизмлари яратилди. Кўчмас

мулк бўйича амалга ошириладиган битимлар замонавий бозор муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кўчмас мулк бозори фаолиятини тартибга солиш, уни давлатимизнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган йуналтирилган иқтисодий сиёсати тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадида миллий Қонунчилигимиз такомиллаштирилмоқда. Қачонки инвестиция лойҳаси баҳолашнинг мустақил объекти ёки ҳаражатли ёндашувда мулкнинг машиналар ва жиҳозлар, интеллектуал мулк ва бир қаторда ажратилдиган элементларидан бири бўлса, кўчмас мулк объектининг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш зарурияти бўлади. Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхонасига 10 000 000 000 сўм миқдоридagi инвестиция киритилапти. Бунда инвестицион жозибadorлигини баҳолаш муаммоси лойиҳага назарда тутилаётган кўилмалар, ундan фойдаланишдан олинadиган даромadлар oқими, даромadлилик даражаси ва ўзини oқлаш муддати сармоядорнинг талабларга мос келишини қилишдан иборат. Баҳолашнинг пулни вақтинчалик қийматига асосланган оддий ва мурракаблаштирилган усуллари мавжуд. Капитал кўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоб китоб қилишининг оддий усуллари кўрсаткичлар тизимига асосланади:

1. Капитал кўйилмаларнинг умумий иқтисодий самарадорлигининг коэффициенти \mathcal{E}_0 .

$$\mathcal{E}_0 = \frac{П}{К}, \quad (1)$$

бу ерда П- йиллик фойда; К - капитал кўйилмалари

$$\mathcal{E}_0 = 16\,358 \setminus 2\,075 = 7,8$$

Инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолашда қуйидаги икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Дисконтлаш бўйича баҳолашга асосланган динамик усуллар:

- соф жорий қиймат;
- рентабеллик индекси;
- даромаднинг ички меъёри;
- қоплаш муддати.

2. Ҳисоблаш бўйича баҳолашга асосланган статистик усуллар:

- инвестицияни қоплаш муддати;
- инвестиция рентабеллик коэффициенти.

Дисконтлаш бўйича баҳолашга асосланган динамик усуллар:

- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтлашнинг соф жорий қиймат усули асосида баҳолаш;

- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтлашнинг инвестиция рентабеллик индекси асосида баҳолаш;

- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини дисконтланган даромаднинг ички меъёри усули асосида баҳолаш;

- инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини

дисконтлашнинг қоплаш муддати усули асосида баҳолаш;

Инвестицион лойиҳани самарадорлигини дисконтлашнинг соф жорий қиймат усули. Инвестициялашнинг натижалари тўғрисида умумлаштирилган маълумот олишимконини беради, яъни унинг мутлоқ суммасидаги якуний самарасини.

Дисконтлашнинг соф жорий қиймати – бу мутлоқ вақт оралиғида даромад ва капитал кўйилмалар орасидаги дисконтланган фарқни ифодалайди. Жумладан, дисконтланган пул даромади, соф ҳозирги қиймат, соф жорий самара, соф дисконтланган даромад, дисконтланadиган фойда, ҳақиқий қиймат, қолдиқ қиймат сингари.

$T_0 = \text{Ўзини oқлаш йилидан аввалдаги йиллар сони} + (\text{Ўзини oқлаш йили бошидаги қопланмаган қиймат} / \text{Ўзини oқлаш йили мобайнида нақд пуллар oқими})$

1-жадвал. Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхонининг ўзини оқлаш муддатининг ҳисоби

Давр	0	1	2	3	4	5
Пўл oқими, млн сўм	1000	200	500	600	800	900
Дисконтланган пул oқими	1000	174	378	394	458	447
Тўпланган дисконтланган пул oқими	-1000	-826	-448	-54	+404	-
$T_0 = 3 + 54 \setminus 458 = 3,1$ йил						

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхонага киритилган инвестицияни ўзини оқлаш муддати 3,1 йилга тенг.

Даромаднинг соф жорий қиймати бу инвестиция лойиҳаларини таснифлаш ва ҳаражатларни инвестиция лойиҳаси бўйича жорий қийматга келтирилган даромадлар билан таққослаш асосида қарор қабул қилиш имконини беради.

$$K = D - X, \quad (2)$$

бунда: D- умумий келтирилган даромадлар;

X- лойиҳа бўйича келтирилган ҳаражатлар.

$$K = 1851 - 1000 = 851$$

Жорий қийматини К- нинг ижобий миқдори лойиҳани амалга оширишдан сармоя активларнинг қиймати қанчалик ўсганлигини кўрсатиб тўрибти.

К- кўрсаткичи мўтлоқ кўрсаткичлар тоифасига киради, бу эса умуман инвестиция портфели бўйича олинган натижаларни жамлаш имконини беради.

2-жадвал.

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхонининг жорий қийматини ҳисоби

Давр	0	1	2	3	4	5
Пўл oқими, млн	1000	200	500	600	800	900

сўм						
Дисконтланган пул оқими	1000	174	378	394	458	447
Даромадларнинг умумий келтирилган оқими	174+378+394+458+447=1851					

Лойиҳанинг даромадлилик ставкаси бу харажатлар миқдори ва даромадлар оқими билан фарқ қиладиган инвестиция лойиҳаларни таққослаш имконини беради.

$$C = K/X * 100\%, \quad (3)$$

$$C = 851/1000 * 100\% = 85,1\%$$

ёки $C = 1851/1000 = 1,85$

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхоннинг киритилаётган инвестиция лойиҳанинг даромадлилик ставкаси 85,1% ни ташкил қилди

Рентабеллик коэффициенти усули ёрдамида ҳисоб ишларини амалга оширишда амортизация ажратмасини чизикли усулидан фойдаланилди. Лойиҳани тугатиш қиймати 0 га тенг деб қабул қилинган ҳолда, ёрдамида амалга оширилади. Инвестиция рентабеллик коэффициенти куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади

$$RK = \frac{B_s \cdot f}{IX_{up}}, \quad (4)$$

SERVIS XIZMAT KURSATISH SHAXOBCHALARIDA BAJARILADIGAN XIZMATLAR SIFATINI ANIQLASH USLIBINI ISHLAB CHIQUISH

Raxmatullaev Mustafouqul - dotsent; **Tagayev Xolmurot** - katta o'qituvchi
Jizzax politexnika instituti

Maqolada servis xizmat kursatish shaxobchalarida bajariladigan xizmatlar sifatini aniqlash uslibini ishlab chiqish muammolari kurib chiqilgan. Xizmat ko'rsatishda qo'l mexnatining ulushi katta bo'lganligi uchun servis sifati xizmat ko'rsatuvchining malakasiga bog'liqligi kursatilib utilgan.

Avtomobililar – o'ziga hos yuqori texnologik mahsulot bo'lib, ularni harid qilish, ekspluatatsiya qilish va doimiy texnik soz bo'lishini ta'minlovchi servisini tashkil etish uchun yuqori saviyali mutaxassislar talab etiladi.

Avtomobillarga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash texnologik jarayonlarini ko'rib chiqishda asosiy diqqat zamonaviy konstruktiv echimlarga va ularga xizmat ko'rsatishning zamonaviy usullariga qaratilgan.

O'zbekistonda avtomobil servisi sifatli va keng turda xizmatlar ko'rsatish bo'yicha davomli an'alariga ega. Avtoservis tarmog'i turli xildagi avtoservis korxonalaridan tashkil topgan: avtomobililar ishlab chiqaruvchi zavodlarning servis markazlaridan to ucha katta bo'lmagan avtomobil ta'mirlash ustaxonalari va mayda ta'mirlash postlarigacha.

Servis – xizmat ko'rsatishga qaratilgan faoliyatdir. Uning alohida xususiyati shundaki, xizmat ko'rsatish jarayonida ba'zi material resurslar sarf qilinsada, servis material ko'rinishida emas, balki ehtiyojini faoliyat orqali qondirishidir.

$$PK = (16,2/54,2) * 100 = 30\%$$

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхоннинг киритилаётган инвестиция лойиҳанинг рентабеллик коэффициенти 30% ташкил қилди. Натижадан кўришиб турибдики инвестицион лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса. Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхонанинг инвестицион жозибдорлиги аниқланди ва киритилган инвестицияни ўзини оқлаш муддати 3,1 йилга тенг бўлди. Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган ишлаб чиқариш корхоннинг киритилаётган инвестиция лойиҳанинг даромадлилик ставкаси 85,1% ни ташкил қилди. Киритилаётган инвестиция лойиҳанинг рентабеллик коэффициенти 30% ташкил қилди. Натижадан кўришиб турибдики инвестицион лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 19.08.1999 й. №811-1.
2. Мирзиёев Ш.М. «Стратегия действий 2017-2021 Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. www. OLX .uz

ta'minlaydigan omillardan asosiysi ko'rsatiladigan xizmat sifatidir. Avtoservis korxonasi raqobatbardoshlik darajasini oshirishning asosiy yo'nalishlari quyidagilar:

- xizmat ko'rsatish sifatini oshirish;
- buyurtmani bajarish vaqtini kamaytirish;
- xizmat ko'rsatishning imtiyozli va siylovli baho siyosatini olib borish;
- mijozlar uchun qulayliklar yaratish, ularga hurmat va ehtirom bilan muomala qilish va xizmat ko'rsatish madaniyatini oshirish;
- ishlab chiqarishni rivojlantirish, yangi texnika va texnologiyani qo'llash, xizmat ko'rsatishning yangi shakllarini taklif etish.

Xizmat ko'rsatish sifati – xizmat turlari, xizmatni bajarishga sarflangan vaqt, ish bajarish sifati, taqdim etilgan qulaylik va madaniyat darajasi bilan xarakterlanadi.

Xizmatning yuqori sifatiga zamonaviy jihozlarni qo'llash, mehnatni to'g'ri tashkil qilish va rag'batlantirish, sifatli ehtiyot qismlarni ishlatish, ish sifatini nazorat qilish orqali erishiladi.

Xizmat ko'rsatishning yuqori sifati avtoservis firmasining xizmatiga talabni oshiradi va uning iqtisodiy holatini yaxshilaydi.

Buyurtmani bajarish vaqtini kamaytirish – aholiga xizmat ko'rsatish darajasiga, korxonaga faoliyati samaradorligiga, aylanma mablag'lar aylanishni tezlashtirishga va korxonaning foyda bilan ishlashga olib keladi.

Avtoservis korxonasining ish tartibi mijozlarga qulay va moslashgan bo'lishi lozim. Zarur bo'lganda ish vaqti cho'ziladi yoki dam olish kuni ham ishni tashkil etiladi.

Xizmat ko'rsatishning imtiyozli va siylovli baho siyosatini olib borishda quyidagi shakllar qo'llaniladi:

- kafolatli bahoni qo'llash, ya'ni dastlab belgilangan baho qo'shimcha ishlar chiqqanda ham o'zgarasligini ta'minlash;
- kechki, tungi vaqtda va dam olish, bayram kunlarida hamda katta hajmdagi buyurtma bo'lganda imtiyozli bahoni qo'llash;
- diagnostikaning ayrim turlarini bepul o'tkazish, mijozlarga sovg'alar topshirish.

Xizmat ko'rsatishning imtiyozli va siylovli baho siyosatini olib borish korxonaga imidjini va ishdagi obro'sini oshiradi.

Mijozlar uchun qulayliklar yaratish, ularga hurmat va ehtirom bilan muomala qilish va xizmat ko'rsatish madaniyatini oshirish quyidagilarda namoyon bo'ladi:

Mijozning ishonchini, xohishini va servis xizmatiga ehtiyojini oshirish uchun xizmat madaniyatini yuqori darajaga ko'tarish lozim. Xizmat madaniyatining asosiy elementi bo'lib, xizmat ko'rsatish xodimlarining malakaviy axloqi hisoblanadi.

Malakaviy axloq mijozga xizmat ko'rsatuv-

chining tashqi qiyofasi, tozalik va shinamlik, hurmat va ehtiromda namoyon bo'ladi. Malakaviy axloqni yaxshilash xodimlarni tanlash, tayyorlash va malakasini oshirish, ular bilan tarbiyaviy ishlarni olib borish va iqtisodiy rag'batlantirish orqali amalga oshiriladi.

Xizmatning estetik madaniyati–xizmat ko'rsatish estetikasi, interer, xodimning estetik qiyofasidan iborat.

Xizmat ko'rsatish estetikasi mijozning korxonaga kelishidan yaxshi taasurot olishi, ko'ngildagidek sharoitning mavjudligi va salonlarning qulayligiga asoslanadi.

Xodimning estetik qiyofasi tozalik, orastalik, korxonaga belgisi tushirilgan firma kiyimida namoyon bo'ladi.

TXK va ta'mirlash sifati quyidagi omillarga bog'liq:

1. Ishlab chiqarishni texnologik tayyorlash;
2. Moddiy-texnika ta'minoti;
3. Kadrlarni tayyorlash va malakasini oshirish;
4. Metrologik ta'minot;
5. Xizmat sifatiga bo'lgan talablarni me'yorlashtirish va xizmat sifati darajasini barqarorlashtirish;
6. Xizmatni baholashdan o'tkazish (sertifikatsiya);
7. Xizmat sifatini yaxshilashni rag'batlantirish;
8. Xizmat sifatini boshqarishni huquqiy ta'minlash;
9. Davlat tomonidan davlat standartlarining joriy etilishi va unga rioya qilinishini, texnik shartlarni, texnik o'lchov vositalari holatini nazorat qilish;
10. Xizmat sifatini muassasalar tomonidan nazorat qilish;
11. Tizimni ma'lumot (axborot) bilan ta'minlash.

Avtoservis xizmatida sifat ikki qismdan, ya'ni avtomobilda bajarilgan ishlarning sifati va avtomobil egalari-mijozlarga ko'rsatiladigan xizmat sifatidan iboratdir .

Kadrlarni tayyorlash va malakasini oshirish xizmat ko'rsatish sifatiga katta ta'sir ko'rsatadi.

Zamonaviy murakkab jihoz va elektronika bilan ta'minlangan avtomobillarga xizmat ko'rsatish yuqori malakali, maxsus ma'lumotga ega bo'lgan kadrlarni taqazo etadi. Avtoservis xizmati bozori rivojlanishi bo'yicha dunyo amaliyoti avtoservis korxonalarining mutlaq ko'pchiligida oliy ma'lumotli xodimlar ishlashini ko'rsatadi.

“Ishni bajarish va xizmat ko'rsatishni baholash” ishni va xizmatni bajaruvchining malakasi bilan o'lchanadi.

Servis bo'yicha texnologik amallarni bajarishda ishning murakkabligiga qarab, har-xil razryadli ishchilar va mutaxassislar jalb qilinadi. Ularning malakalari muntazam oshirib borilishi va ular vaqti-vaqti bilan qayta tayyorlash kurslarida

o'qishlari lozim.

Xizmat sifatiga bo'lgan talablarni me'yorlash-tirish va xizmat sifati darajasini barqarorlashtirish.

Sifatli xizmat ko'rsatish buyurtmachiga sidqidildan, diqqat-e'tibor bergan holda, texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishlarini sifatli, kafolatli va o'z vaqtida bajarishdan iboratdir.

Xizmat sifatiga umumiy va maxsus talablar qo'yiladi.

Umumiy talablar mehnat haqidagi qonun, ichki ishlash tartib-qoidalari va boshqa hujjatlar bilan belgilangan.

Maxsus talablar ATXKSlarda xizmat ko'rsatish qoidalari, mutaxassislik bildirgilari, mansab yo'riqnomalari va boshqa turdagi me'yoriy aktlarda o'z aksini topgan.

Avtoservis korxonasiidagi xizmat sifatini baholash borasida ma'lum davriylikda mijozlardan so'rov o'tkazib turiladi va uning natijalari bo'yicha xizmat ko'rsatishdagi yutuq va kamchiliklar aniqlanadi, ular oldingi erishilgan natijalar bilan solishtirib ko'rib, chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqiladi va amalga oshiriladi.

Xizmat sifati darajasini barqarorlashtirish uchun korxonada quyidagi tadbirlar oshirilishi maqsadga muvofiq:

1. Korxonada barcha ishchi-xodimlar uchun qat'iy rioya qilinadigan yagona xizmat qoidalari bo'lishi va unga amal qilinishi;

2. Korxonada tomonidan o'z ishchi-xodimlariga aniq va ravshan talablar qo'yish;

3. Ishchi xodimlarni muttasil o'qitish, malakalarini oshirish;

4. Ishchi xodimlarni o'z korxonasi, firmasiga sadoqatli ruhda tarbiyalash.

5. Ijodga yo'l ochish;

6. Ishchi xodimlarni moddiy va ma'naviy

rag'batlantirish

Xizmatni baholashdan o'tkazish (sertifikatsiya).

Xizmat sifatini sertifikatlash ISO-9000 seriyadagi standartlar bo'yicha amalga oshiriladi [18, 19, 20, 21].

ISO-9001, ISO-9002 va ISO-9003 standarti 1994 yili qayta ko'rib chiqilgan, 2000 yili "ISO-9000" ning yangi tahriri tasdiqlangan va hozirgacha amalda.

Xulosa qilib aytganda ishchidan tortib korxonaning birinchi rahbarigacha o'z ishchi o'zni va vakolati yuzasidan sifat menejmentiga jalb etilsagina, xizmatning yuqori sifatli bo'lishiga erishiladi. Sifatni boshqarishda xaridor talabi, nosozliklar, adashish va xatoliklar haqidagi ma'lumotlar va xaridor fikri ahamiyatli o'rinni egallaydi.

Adabiyotlar.

1. Mirzиеv Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyanob xalqimiz bilan birga quramiz.-T: O'zbekiston, 2017. - 488 b.

2. Otaboev Sh. Ekologiya din va salomatlik.- T.: Islom universiteti, 2007 yil.

3. Abduazizov T. Avtotransport ekologiyasi. Monografiya. Jizzax 2011.-267-bet.

4. Prudovskiy B.D., Uxarskiy V.B. Upravlenie texnicheskoy ekspluatatsiey avtomobiley po normativnym pokazatelyam. M.: Transport,

5. O.Namraqulov, Sh.Magdiyev, "Avtomobillarning texnik ekspluatatsiyasi", Toshkent, "Navro'z nashiryoti", 2006 yil, 224 bet.

6. Рахматуллаев М., Тоғаев Х.С. Автомобилларга сервис хизматини кўрсатишда диагностиканинг роли. Самарканд. Самарканд Давлат Архитектура-қурилиш институти илмий-техник журналы 2019 йил.

УДК 658.14/71

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Рахимов Санжар, Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти

Мақолада тижорат банкларининг муддатли депозитларини иқтисодий аҳамияти ва уни жалб қилиш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари АҚШ ва Ўзбекистон тижорат банклари мисолида тадқиқ этилган, бунда асосий эътибор банкларнинг ресурслари таркибида депозитлар улушининг пастиги ва унинг сабаблари атрофлича ёритилган ҳамда мазкур масала билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Марказий банк, тижорат банк, пасив операция, актив операция, депозит, муддатли депозит, монетар, мегорегулятор, ликвид, транзакцион депозит, девальвация даражаси.

Актуальный вопросы срочных депозитов коммерческих банков

В статье рассматриваются экономические и теоретические последствия срочных депозитов коммерческих банков, на примерах из коммерческих банков США и Узбекистана, акцентируется внимание на низкой доле вкладов в ресурсах банков и их причинах, а также способы решения этих проблем. рекомендации и рекомендации, которые можно сделать.

Ключевые слова: Центральный банк, коммерческий банк, пассивная операция, активная операция, депозит, срочный депозит, сберегательный депозит, монетар, мегорегулятор, ликвидность, транзакционный депозит, степень девальвации.

Topical issues of term deposits of commercial banks

The article discusses the economic and theoretical consequences of term deposits of commercial banks, using examples from commercial banks in the USA and Uzbekistan, focuses on the low share of deposits in bank resources and their causes, as well as ways to solve these problems. recommendations and recommendations that can be made.

Keywords: Central Bank, commercial bank, passive operation, active operation, deposit, term deposit, savings deposit, monetary, megoregulyator, liquidity, transactional deposit, devaluation of degree.

Кириш. Глобал даражада молиявий муассалар ва банклар ўртасида рақобатнинг кучайиб бориши шароитида муддатли депозитлар ҳажмини ошириш долзарб масалага айланиб бормоқда, бу масала айрим ҳолларда банкларнинг фаолиятида қатор муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, тижорат банклари муддатли депозитларининг мустақамлиги халқаро амалиётда уларнинг молиявий барқарорлиги сифатида баҳоланади. Тижорат банклари молиявий барқарорлиги уларнинг молия бозорлари ёки молия инфратузилмалар маблағларининг эндоген таъсирлар остидаги рискларга бардош бериш даражасини англатади².

Аслида тижорат банклари молиявий барқарорлиги нафақат уларнинг фаолиятида балки, миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсишга, Марказий банкнинг монетар сиёсатини самарадорлигига, аҳолининг тўлов қобилиятини ошишига ижобий ва кучли таъсир кўрсатади. Бироқ, нафақат миллий мегорегуляторларнинг сиёсати, балки халқаро даражада ҳар 10-15 йилда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирозлар тизимли муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, “кейинги чорак аср мобайнида 93 мамлакат молиявий муассалаларда 117 марта тизимли ва 50 дан ортиқ жиддий молиявий муаммолар юз берди”³, буларнинг барчаси тижорат банклари муддатли депозитлари ҳажмини ошириш бўйича долзарб масалаларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Асосий қисм. Депозитлар банкларнинг мажбуриятларининг асосий қисмини ташкил этиб, уларнинг барқарорлик даражаси банкнинг даромадлигини ва ликвидлигини таъминлаш имконини беради. Халқаро банк амалиётида, ҳозирги даврда, тижорат банклари муддатли депозитлари барқарорлигига баҳо беришда асосан депозит базасининг етарлили-

ги эътибор олинади ва бу даража куйидаги депозит базасининг етарлилиги (ДБЕ) формуласи орқали аниқланади:

$$ДБЕ = \frac{ТД}{ТД + ЖД + МД} \times 100\%$$

бу ерда ТД – трансакцион депозитлар; ЖД – жамғарма депозитлари; МД – муддатли депозитлар.

ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкнинг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

Муддатли депозитлар, умуман, депозитлар тижорат банклари ресурслари таркибида асосий ва муҳим манба бўлиб хизмат қилади, бунинг қатор сабаблари бор. Хусусан, иқтисодиётдаги вақтинча бўш пул маблағлари, айниқса аҳоли кўлидаги пул маблағлари банкдан ташқарида эмас, балки банкларда сақланади, шунингдек мазкур пул маблағлари тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг пулга эҳтиёжи мавжуд соҳаларига тегишли таймлайлар асосида қайта жойлаштирилади. Куйидаги жадвал, солиштириш нуқтаи назардан АҚШ тижорат банклари мажбуриятлари таркибини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

АҚШ тижорат банклари мажбуриятлари таркиби ва динамикаси⁴ (йил охирига, фоизда ҳисобида)

Мажбуриятлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Депозитлар	77,0	78,4	79,7	80,4	81,2
Шу жумладан:					
Узоқ муддатли депозитлар	12,4	12,0	10,4	10,8	11,4
Бошқа депозитлар	64,6	66,3	69,2	69,6	69,8
Қарз маблағлари	13,4	13,9	14,1	14,1	13,2
Хорижий офислар олдидаги мажбуриятлар	5,2	3,3	1,9	1,7	2,1
Бошқа мажбуриятлар, савдо мажбуриятлари	4,3	4,5	4,3	3,8	4,5
Жами мажбуриятлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШ банк тизими мажбуриятлар тарки-

⁴ Federal rezerv tizimi rasmiy sayti statistic ma'lumotlari- www.federalreserve.gov-AQSh

² J. Fell and G. Schinasi(2005), “Assessing Financial Stability: Exploring the Boundaries of Analysis”, National Institute Economic Review, No 192, April, pp. 102-117.

https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/fsr/art/ecb.fsrart200512_01.en.pdf?ef20eaf76d11c8410c68157e6401ff3a

³ Financial stability: 10 questions and about seven answers. Speech delivered by Mr Jaime Caruana, General Manager of the BIS, at the 50th Anniversary Symposium of the Reserve Bank of Australia, Sydney, 9 February 2010. <https://www.bis.org/speeches/sp100209.htm>

бининг асосий улуши депозитлар хиссасига тўғри келиб, ушбу манбаа этилаётган давр мобайнида ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 81,2 фоизни ташкил этган бўлиб, 2014 йилга нисбатан 4,2 пунктга ортган. Банкнинг кейинги асосий молиявий манбааси қарз мабл ағлари ҳисобланиб, ушбу манба жами мажбуриятлар таркибида 13-14 фоиздан иборат бўлган.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари депозитлари таркибида жамғарма ва муддатли депозитлар уларнинг барқарор молиявий манбааси ҳисобланиб, банклар ушбу манбаа ҳисобидан рискли активлар моддаларини (кредит, инвестиция) шакллантириш мумкин. Шу билан бирга, банкларнинг депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлар улушининг пастлиги мажбуриятлар билан боғлиқ талабларни вужудга келмаслигига ҳамда трансформацион рисклар даражасини пасайишига хизмат қилади.

Ўзбекистон тижорат банклари мажбуриятлари таркибида муддатли депозитлари, ҳатто депозитлар салмоғининг пастлиги асосий муаммолардан бири бўлиб, бунга қатор омиллар таъсир этмоқда. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон тижорат банклари мажбуриятлари таркиби ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари жами ресурслари таркибида депозит бўлмаган манбаларнинг салмоғи ва динамикаси [12]* (1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

№	Маблағларнинг манбаси	Йиллар				
		2015	2016	2017	2018	2019
I	Депозит маблағлар	58,3	56,2	49,5	40,8	37,3
II	Нодепозит маблағлар, шундан	41,7	43,8	50,5	59,2	62,7
1	Марказий банкнинг ҳисоб варақлари	5,6	3,5	0,4	0,4	0,3
2	Бошқа банкларнинг маблағлари	2,3	1,8	5,4	4	3,8
3	Қимматли қоғозлар эмиссияси	0,8	1	0,3	0,1	0
4	Олинган кредитлар	28,1	32,3	35,7	49,9	55,6
5	Бошқа мажбуриятлар	4,9	5,2	8,7	4,8	3
ЖАМИ:		100	100	100	100	100

*Тижорат банкларининг эълон қилган ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тижорат банклари жалб қилинган ресурслари таркибида депозит маблағлари ҳажми пасайиш тенденциясига эга бўлиб 2015 йил 1 январь ҳолатига 58,3 фоизни ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 37,3 фоизга ёки этилаётган давр ичида 21 пунктга пасайган. Бу ўз навбатида, банкларнинг жалб

қилинган маблағлари таркибида нодепозит маблағлар улушининг ошишига сабаб бўлган, банкларнинг ушбу ресурс манбаси 2015 йил 1 январь ҳолатига 41,7 фоиздан 2019 йил 1 январь ҳолатига 62,7 фоизга етган.

Тижорат банклари нодепозит маблағлари таркибида асосий улуш олинган кредитлар хиссасига тўғри келиб, жалб қилинган ушбу манба, биринчидан нисбатан қиммат ва иккинчидан жалб қилиш даври бир йилдан ортмайди. Бундан ташқари нодепозит маблағлар таркибида қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан маблағларни шакллантирилмаслигини ҳам салбий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, банкларнинг ушбу манбаси хориж банк амалиётида жуда кенг ривожланган бўлиб, тижорат банкларига нафақат молиявий ресурсларни жалб қилиш, балки банкнинг бозордаги имиджи, мижозлар ва ҳамкорлар сонини ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон тижорат банклари депозит базаси трансакцион депозитлар, муддатли ва жамғарма депозитларини ўз ичига олади. Уларнинг депозит базаси таркиби ва динамикасини баҳолаш мақсадида қуйидаги расмий маълумотларидан фойдаланамиз.

3-жадвал

Ўзбекистон тижорат банклари депозитлар таркиби* (1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

Депозитлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Юридик шахслар депозитлари	69,3	70,1	71,3	75,9	73,5
а) Талаб қилиб олгунча ва 30 кунгача бўлган депозитлари	50,1	48,6	49,6	58,6	42,5
б) Жамғарма депозитлари	1,4	1,5	2,0	2,2	2,1
с) Муддатли депозитлар	17,9	20,0	19,7	15,1	28,9
Жисмоний шахслар депозитлари	30,7	29,9	28,7	24,1	26,5
а) Талаб қилиб олгунча ва 30 кунгача бўлган депозитлари	9,3	9,9	9,7	5,5	6,1
б) Жамғарма депозитлари	9,3	9,9	9,2	8,4	9,2
с) Муддатли депозитлар	12,07	10,10	9,8	10,2	11,2
Жами	100,00	100,0	100,0	100,0	100,0

*Ўзбекистон "Ахбор-Рейтинг" Рейтинг агентлиги чораклик нашр маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тижорат банклари депозитларининг асосий улуши юридик шахслар ҳисобига тўғри келмоқда, этилаётган давр мобайнида ушбу кўрсаткич ош бориш тенденциясига эга бўлган. Жисмоний шахсларнинг депозитлари жами депозитлар таркибида 2014 йилда 30,7 фоизни ташкил этгани ҳолда 2018

йилга келиб 26,5 фоиз ёки шу даврда 4,2 пунктга пасайган. Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари ҳажми ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлган, бу аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг юқори эмаслиги ва муддатли депозит ҳисобидан олаётган иқтисодий фойда уларнинг манфаатини қондирмаётганлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар. Тижорат банкларида муддатли депозитларнинг аҳамияти ва жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар доирасида амалга оширилган тадқиқотлар, ўрганишлар ва лар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Калитли сўзлар: Коммунал хизмат, газ таъминоти, сув ва оқова таъминоти, ободонлаштириш, санитария хизмати, ижтимоий соҳа, коммуникация тармоғи, мижоз, хизмат, тўлов, тежамкорлик, муаммо, аҳоли, талаб, таклиф, бозор муносибатлари, шартнома, корхона, вилоят, шаҳар, иқтисодий ислохот, қарор, моддий, коммунал хўжалиги, субъектлар, барқарор ривожланиш, моддий ва энергия ресурслари, сарф, тежамкорлик, механизм, коммунал хизматлар, таннархнинг арзонлашуви, сифат, устувор омил.

Пути эффективного управления отрасли коммунальных услуг Самаркандской области

Ряд возникающих проблем в процессе реформирования коммунальных служб и повышения качества государственных услуг в Самаркандской области привел к необходимости кардинальных изменений в отрасли и начала нового этапа экономических реформ. Процесс совершенствования оказания коммунальных услуг Самаркандской области, требует экономических преобразований в жилищно - коммунальном хозяйстве. Последовательное улучшение материальной и культурной жизни населения нашего региона, быстрое и сбалансированное развитие нашей экономики обеспечивает прочную основу для устойчивого повышения уровня жизни. Поэтому, улучшение управления жилищно-коммунальными услугами определяется как важная социально-экономическая задача для повышения благосостояния населения.

Ключевые слова: коммунальные услуги, газ, очистка воды и сточных вод, благоустройство, санитария, социальные услуги, связь, потребитель, услуга, оплата, экономика, проблема, население, спрос, предложение, рыночные отношения, договор, предприятие, регион, город, экономическая реформа, решение, материал, коммунальные услуги, субъекты, устойчивое развитие, материальные и энергетические ресурсы, стоимость, экономика, механизм, коммунальные услуги, снижение затрат, качество, приоритет.

Ways of effective management of the utilities sector of the Samarkand region.

The process of improving the provision of public services in the Samarkand region requires economic reforms in housing and communal services. A number of emerging problems in the process of reforming public utilities and improving the quality of public services in the Samarkand region have led to the need for drastic changes in the sector and the beginning of a new phase of economic reforms. Consistent improvement of the material and cultural life of the population in our region, rapid and balanced development of our economy provides a solid foundation for a steady rise in the standard of living. One of the social criteria for such a progressive improvement is the provision of centralized heating, water, gas, etc. to provinces and other settlements. Therefore, improvement of management of housing and communal services is defined as an important socio-economic task for improving the welfare of the people.

Key words: publica officia, Gas copia, aquam copia et purgamentorum, constructione, salutem cura, socialis network societatem proferre mos muneris, exosculatio, efficientiam, quaestio est populus: demanda, copia, forum rationes, contractibus, negotiis, regionis, in arbitrium urbis, economic, reformationibus, oconomus, utilitas, negotiis, sustainable progressionem, industriae eius defensionem Gabinii, commeatibus iuuant upmarket mechanism, sumptus reductionem, qualis publica officia, de prioritare elementum.

Кириш. Самарқанд вилояти аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича юзага келган бир қатор муаммолар, соҳада кескин ўзгаришларни амалга оширишни, иқтисодий ислохотларни янги босқичини бошлаш заруратини келтириб чиқарди. Вилоятимизда аҳоли моддий ва маданий турмуш савиясининг изчил яхшиланиб бораётганлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бундай изчил яхшиланишнинг ижтимоий мезонларидан бири вилоятлар ва бошқа аҳоли пунктларини марказлашган иссиқлик, сув, газ ва ҳоказолар билан таъминланиши ҳисобланади. Шунинг учун, уй-жой коммунал хўжалиги тизими бошқарувининг такомиллашуви халқ фаровонлигини ошириш юзасидан муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа сифатида белгиланган.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Президентимиз Миризиёев Ш.М., ўз асарларида “Харакатлар стратегияси 2017 -2021 йй”да: “Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй жой, 515 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 219 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган” деб таъкидлайдилар. Бу масала алоҳида минтақалар даражасида янада муҳим амалий аҳамиятга эга. Аҳолиси, минтақавий демографик жараёнлар, хўжалик тузилмаси ва ундаги ислохотлар, ривожланиш суръати, салоҳияти билан ажралиб турувчи Самарқанд вилоятида, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ва бошқариш муносабатларини тадқиқ этиш, бугунги кунда вилоятда мавжуд бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида ўзига хос ўрин тутади.

Самарқанд вилояти “Сувоқава” корхонаси

томонидан истеъмолчиларга кўрсатилган ичимлик ва оқова сув хизматларидан бўлган дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида 2019 йил 12 ой якуни билан 59 та улгуржи истеъмолчи 2,8 млрд.сўмга хўжалик судларига берилиб, 32 та истеъмолчилардан жами 2,2 млрд. сўм маблағлар ундирилди. Бундан ташқари, аҳоли хонадонлари бўйича жами 1153 та истеъмолчи 792,5 млн.сўмга фуқаролик судларига берилиб шундан, 883 та истеъмолчиларни 585,7 млн.сўмга ҳал қилувчи қарори чиқарилиб, ижро департаменти орқали 130 та истеъмолчилардан 28,0 млн.сўм маблағлар ундирилди.

Аҳолига кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошмаслиги ҳамда дебиторлик қарзларнинг ўсиши коммунал хўжалиги корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда Самарқанд вилояти коммунал хизматлардан фойдаланиш корхоналари томонидан 5 та хизмат (совуқ сув таъминоти, иссиқлик, газ таъминоти, санитар тазолаш, электр энергияси) тури бўйича мижозлардан тўловлар йиғиш йўлга қўйилган. Тўлов масалалари билан барча ташкилотларда бевосита банд бўлган ходимларга йиллик харажатлар ҳажми ҳам тегишли суммани ташкил этади. Мижозларнинг сурункали дебиторлик қарзлари камайтириш ва тегишли хизматлар учун тўловларни йиғиш ҳам паст самарали натижа билан тавсифланмоқда. Хар бир мижоз билан боғлиқ ноқулайлик ва камчиликлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Хар бир мижоз кўрсатиладиган коммунал хизматлар таркибий тузилишидан келиб чиққан ҳолда хар бир коммунал хизмат турига мос 5 та мижозлик дафтарчаси ва ҳисоб рақамига зга бўлиши талаб этилади. Бу билан тўловларни амалга ошириш учун хар бир хизмат турига

мос бўлган хисоб рақами кўрсатилган холда 5 та квитанция тўлдирилади.

2. Мижоз учун тўловга аниқлик киритиш зарур бўлганда 5 та ташкилотга боришига тўғри келади.

3. Аксинча холатда, тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган мижозларникига 5 та ташкилот вакиллари ёки хўжалик суди вакиллари 5 мартагача ташриф буюришади.

Юқоридаги вазиятни ўрганиш ва ўтказилган тахлилларга кўра тўловлар йиғишни яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналарнинг юқори ташкилоти - Самарқанд вилояти хокимлиги “Уй жой коммунал хўжалигида ислохотларни амалга ошириш департаменти” томонидан МЧЖ шаклидаги махсус ташкилот - ягона хисоб-китоб маркази ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Вилоят ва туман худудларида замонавий ахборот компьютер тизими билан жиҳозланган хисоб-китоб пунктлари ишга туширилади. Ягона

хисоб-китоб маркази барпо этилгач, барча ташкилотларда тўлов масалалари билан бевосита банд бўлган ходимлар сони камаяди. Билдирилган таклиф буйича қурилаётган натижа куйидаги йўналишларда баҳоланади:

1. Тўловлар буйича: аниқлик, ишончли назорат, салбий холатларга барҳам бериш, малакали юридик хизмат, қарздорлар билан мақсадли ишлаш, тушум яхшиланиши, тўловчанлик ва молиявий барқарорлик тикланиши, малакасиз ноинсоф шахслар томонидан пулларнинг ўзлаштирилиши каби салбий холатларга барҳам берилиши таъминланади,

2. Янги шароитда олдинги шароитдагига нисбатан тўловлар йиғишдаги ходимлар улуши камаяди. Бу эса, тўловлар йиғишдаги ходимларга йиллик харажатлар хажмини тежаш имконини беради. Таклиф этилаётган илмий натижаларни амалиётга жорий этиш бошқарув такомиллашуви хисобига меҳнат унумдорлиги 26% ортишига олиб келади. Тўловларни йиғиш тизимини тубдан қайта ташкил этиш махсус ташкилот ягона умумвилояти хисоб-китоб марказининг фаолияти корхоналарни анъанавий ёндашувдан халос этади. Дастлабки хисоб-китобларга қараганда бундай марказ аҳоли билан ишлашни тубдан яхшилаш, тўловлар тушумининг тезлашувини ва хизматларни реализация қилиш харажатларини қисқартириш имконини беради. Икки томонлама бўйсунувчи ва унга махаллий шарт-шароитлар катта таъсир ўтказувчи кўп кичик тармоқли, мураккаб соҳа хисобланган уй-жой коммунал хўжалигининг ягона хисоб-китоб марказини ташкил этиш тўловларни тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этади, демак, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида йирик вилояти уй-жой коммунал хизматларига тўловнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан холда тўлов меха-

низларини тартибга солиш уй-жой коммунал хизматлари тўловлари тўлиқлигини таъминлаб, ходимлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга ўтилади. Бунда коммунал хўжалиги хизматлари учун истеъмолчилар томонидан тўловлар тўлиқлигини таъминлашнинг услубий асослари такомиллаштирилиши кўрсатилаётган коммунал хизматлар ва уларга амалга оширилаётган тўловларнинг ўзаро номуносаблигига барҳам беришга қаратилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор суръатларда ривожланиш тамойилларидан бири тежамкорлик хисобланади. Тежамкорлик мижозларнинг иссиқлик, совуқ сув, газ ва электр энергияси каби ижтимоий товар ва хизматларни истеъмол қилиш жараёнларини муайян меъёрларга мувофиқ холда ташкил этилишидаги муносабатларини ифодалайди. Яъни, коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг молиявий-иқтисодий салоҳият даражаси тежамкорлик фаолиятининг барқарорлиги билан бевосита боғлиқ.

Бундай холат коммунал хизмат корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилган ишлар хажмидаги таннарх шаклланишида ҳам ўз аксини топмоқда. Яъни, анъанавий хизмат усулидаги мавжуд тарифлар монополь хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўз салоҳиятларидан самарали фойдаланмаётганлиги билан бир қаторда истеъмолчиларнинг ҳам тежамкорлигини рағбатлантирмаётганлиги билан тавсифланади. Яъни, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар томонидан иссиқ ва совуқ сув истеъмолида сурункали равишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши хали ечимини кутаётган амалий муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Бу билан коммунал хўжалиги субъектлари барқарор ривожланишига эришиш учун моддий ва энергия ресурслари сарфи тежамкорлиги механизмининг такомиллаштириш юзасидан илмий ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурати ортмоқда, коммунал хизматлар буйича тежамкорлик механизмининг фаоллашув даражаси таннархнинг арзонлашуви, кам маблағ билан хизмат кўрсатиш кўлами ва доирасини кенгайтириш, сифатнинг яхшиланиши каби-ларга эришишда устувор омил хисобланади.

“Самарқанд худудий газ таъминоти” корхонаси вазибалари ва ваколатлари доирасида етказиб бериладиган газнинг хажми, газ қувурларининг техник холати, маълумотларга ишлов бериш ва газ қувурларининг ишлаш холати тахлили буйича ахборотлар тўпланади. Ахборотлар хажми, шакли ва тақдим этиш графиги асосида тўпланган ахборотлар қайта ишланади. Қайта ишланган ахборотлар асосида бошқарувда қарорлар қабул қилинади. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларида ахборот таъминоти бошқарувнинг таклиф этилаётган назарий модели иқтисодий

ва ишлаб чиқариш жараёнларининг барча манфаатдор иштирокчилари билан алоқанинг самарали тизимини йўлга қўйиш имконини берган холда, қарорлар қабул қилиш тартиботларини соддалаштиради ҳамда унинг вақти ва жараёнларини қисқартиради, шунингдек, газни етказиб беришни жадаллаштиришга, тизимнинг газ саноати ахбороти билан халқаро алмашувга интеграциялашувига қўмаклашади.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимларида бошқарув муаммоларини ҳал этишнинг умумий чизмаси сифатида вилояти (туман) газ бўлимининг автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида ташқи муҳитдан келиб тушадиган маълумотлар асосида бошқарувчи ахборот оқимини яратишни тақлиф этиш мумкин.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимининг мазмуни ушбу ишда корхонани бошқариш натижаларига йўналтирилган доимий ахборот таъминотини таъминловчи ахборот операциялари ва стратегик ҳисобга олиш, режалаштириш, назорат ва қилиш усуллариининг мажмуи сифатида белгиланган. Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимидан фойдаланиш натижасида “Самарқанд худудий газ таъминоти” корхонасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти режа билан бошқариладиган бўлиб қолади.

Минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида бошқарув ахборот тизимларининг белгилари

№	Белгилар
1	Кўпинча минтақавий газ етказиб бериш мажмуи даражасида ахборот тизимини шакллантиришнинг вилоятимиз газ саноати иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олмайди
2	Ушбу тизимлар харакати ахборот-технологик майдонида катта фарқлар мавжуд
3	Ушбу тизимлар вилоятимизнинг улкан ахборот маконларини, шу жумладан, ахборот тизимларини қуришдаги минтақавий жихатларни ҳисобга олмайди

“Самарқанд худудий газ таъминоти” корхонаси локал тармоғига уланган фойдаланувчиларни жамоа бўлиб, маълумотларни қайта ишлаш ва улар ўртасида маълумотлар алмашишга, шунингдек, ташкилий иқтисодий бошқариш тизимларида янги АКТларини амалга оширишга имкон беради. Глобал тармоқнинг ривожланиши ва ахборотларни олиш, қайта ишлаш, ишлатишнинг янги технологиялари пайдо бўлиши билан Интернет тармоғида турли шахс ва ташкилотларнинг эътибори қаратади.

УДК 712.3. 911.5

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИДА ПИЁДА ТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИНФОРМАЦИОН-ОРИНТАЦИЯ ТИЗИМИ ВА ДОМИНАНТЛАРНИНГ РОЛИ.

Аташова К.Б. магистрант; Исамухаммедова Д. У., доцент

Кўплаб ташкилотлар ўз локал тармоқларини глобал тармоққа улашга қарор қилишган. Глобал тармоққа ўтишнинг асосий мақсади масофадан туриб, маълумотларга эга бўлиш ва маълумотлар алмашувини тезкорлик билан амалга оширилишидир.

Хулоса. Шундай қилиб, ичимлик суви ва канализация тизимларини янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилишдаги устувор йўналишлар:

- 2020 йилгача барча вилоятларидаги аҳолининг марказлаштирилган ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини 100%гача ва қишлоқ аҳоли пунктларида 85-90 %гача кўтариш, канализация хизматлари билан таъминланган вилоятлар ва вилояти типидagi аҳоли пунктларидаги қамров даражасини 70 %гача кўтариш;

- янги технологиялар асосида ичимлик сув ва оқова сувларни тозалашни жорий этиш, узок муддат хизмат қиладиган қувурлар ва ускуналарни қўллаган холда тармоқларни реконструкция қилиш ва қуриш;

- сув таъминоти объектларидан фойдаланиш тизимларини яхшилаш, норматив йўқотишлар, электро - энергия сарфини камайтиришга йўналтирилган янги технологияларни жорий этиш ҳамда замонавий машина механизмлар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражасини ошириш;

- ичимлик сув ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида доимий равишда, шу жумладан халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган холда молиялаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”. Халқ сўзи. 2017 йил 20 апрель, №78, (6772)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иш юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”. Халқ сўзи. 2017 йил 30 май, №106,(6800)

3. Мирзиёев Ш.М. «Стратегия действий 2017-2021 Т.:Ўзбекистон,2017.

- 3 Акбаров С. Коммунал хизмат кўрсатиш тармоғини самарали бошқариш йўллари (Ўзтрансгаз Наманган вилояти филиали мисолида), Наманган, 2017.

Тошкент архитектура курилиш институти

Ушбу мақолада Ўзбекистон тарихий шаҳарлари марказий қисмида пиёда туристик маршрутларини (ПТМ) ташкил этишда инфор­мацион-ориентация тизимининг аҳамияти кўриб чиқилган. Шу жумладан, пиёда туристик маршрутларни тўғри ташкиллаштиришда доминантларнинг роли ҳақида ҳам кенг фикр юритилган.

Калит сўзлар: Пиёда туристик маршрут (ПТМ), инфор­мацион алоқа, ахборот белгиси, образ, ахборот технологиялари, ПТМнинг ориентацияси ва доминанти.

В статье рассматривается важность информационно-коммуникационной системы при организации пешеходно туристических маршрутов (ПТМ) в центральной части исторических городов Узбекистана. Кроме того, широко обсуждалась роль доминант в правильной организации пешеходных туристических маршрутов.

This article considers the importance of information and communication system in organizing pedestrian tourist routes (PTM) in the central part of historical cities of Uzbekistan. In addition, the role of dominants in the proper organization of pedestrian tourist routes was widely discussed.

Тарихий шаҳарлар пиёда туристик маршрутларини ташкил этишда ахборот хизматлари ва доминантларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар орқали сайёҳлар ўз йўналишларини аниқлаб олиш ва кўзлаган манзилларига қисқа вақт ичида етиб олиш имконига эга бўладилар. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари марказида ПТМни ташкиллаштириш учун ахборот хизматлари ва доминантларни қўллаш сайёҳларга қўп­лаб қулайликлар яра­тади.

Информацион алоқа ёрдамида пиёдалар ПТМ йўналиши буйлаб йўналтирадиган ёрдамчи гид вази­фасини ўтайдиган тизимга эга бўладилар. Катта шаҳарлар туристик мар­казлари шароитида ПТМни ахборот билан таъмин­лаш бир қанча муаммоларни ҳал қилади:

- шаҳар, туман, микрорайон, кварталлар тузилмасида умумий ориентацияни таъминлайди;
- объектнинг қайерда жойлашганлиги ҳақида маълумот беради;
- объект ҳақида, унинг тарихи, ўтмиши ҳақида маълумот беради;
- эҳтимолий ҳавф-ҳатардан огоҳлантиради.

Барча турдаги ахборот-коммуникация тизими­ни ташкил қилувчиларни 3 турга ажратган ҳолда классификациялаш мумкин: ахборот белгиси, тасвир, ахборот технологиялари.


Ахборот белгиси - объект ҳақидаги маълумотни кўрсатувчи (ахборот тахтаси), ёки туристик маршрут ҳаракат йўналишини кўрсатувчи (белги) кўрсаткич ҳисобланади. Ахборот белгилари қурилмаси учун турли ҳил форматлар мавжуд. Булар:

Тасвир – кичик меъморий шакллар, одатда шаҳар рамзлари ёки кичик ҳайкаллар, бирор нарса ҳақида маълумот бериш ёки тарихий қисимларни акс эттириш учун мўлжалланган. Одатда умумшаҳар ориентири бўлмаган тақдирда маршрутга йўналтириш учун жойлаштирилади.

Овозли ёки визуал ахборот технологиялари – маршрут ҳақидаги маълумотни қабул қилиб олиш учун ишлатилади. Овозли технологияга аудиотаржимон ва ташриф бюрадиган объект-

лар яқинида ўрнатиладиган турли ҳил овозли экскурсиялар киради. Визуал технологияларга – сифатида ишлатиладиган телевизор маниторлари киради [1]. (1-расм)

Электрон гид - қўлланма



1-расм. Электрон ҳарита, инфор­мацион алоқа ёрдамида гид вази­фасини ўтайдиган тизим.

Турист­ик маршрутларни лойиҳалашда турли йўналиш воситалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик моделлари яратилиб, мавжуд ҳудудлар, мавжуд шароитлар, тарихий ва ма­даний салоҳият ва атроф-муҳитнинг морфоло­гиясига боғлиқдир.

ПТМнинг ориентацияси ва доминанти.

ПТМнинг ривожланиши нуқтаи назаридан, шаҳарсозлик йўналишлари ва доминантлар муаммоси қуйидаги жиҳатларни қамраб олади: атроф-муҳит ориентацияси; шаҳар композициясини англаш ва идрок қилиш; унинг силуэтини; эски ва янги доминантлар ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсирини англаш қабиларни. Агар шаҳар атрофида сайёҳларни жалб қилувчи жозибдорлиги юқори даражада бўлса, йўқолган доминантларни қайта тиклаш ёки йўқолган элемент ўрнида бошқа белгини яратиш мумкин.

Агар ўрта даражадаги жозибдорлик қўламига эга бўлса, у ҳолда асосий омил сифатида хизмат қилувчи мавжуд доминантлар муҳим рол ўйнайди. Доминантлар шаҳар панора­маси кузатиш ва уни, топиш учун ишлатилиши мумкин. Мисол тариқасида, Бухородаги-

Минораи Калонни келтириш мумкин. Унинг баландлиги 46,5 м ни ташкил этган бўлиб, уни узоқ масофадан туриб ҳам пайқаш мумкин ва унинг жойлашган ҳудудига қараб ориентир олиш мумкин бўлади. Минораи Калон ёриткич чироқлари билан безатилгани бойис кечаси ҳам кўзга ташланиб туради, бу эса оқшом пайти сайёҳларнинг йўналиш бўйича ориентир олиш имконини яратади. (2-расм)



2-расм. Бухоро шаҳри тарихий марказидаги Минораи-Калон тарихий мажмуаси. (Кундузги ва тунги ҳолати)

Атроф-муҳитнинг жозибодорлиги паст даражада бўлса, у ҳолда ориентир учун янги доминант ва арт-объектларни жорий этиш лозим бўлади.

ПТМни ривожлантиришда шаҳарсозлик доминант муаммоси қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

- шакиллантириш ва идрок этиш даражасига қараб: 1) кичик шакллар ёки акцентлар, жумладан, арт-объектлар; 2) доминантлар; 3) доминантлик қиладиган тузилмалар, шу жумладан, шаҳарнинг композицион каркази;
- масса бўлинишининг тури ва жойлашувига кўра (фрагментли; ҳажм қисми; ҳажм);
- атроф-муҳит туташув даражасига қараб (маҳаллий; йўналишли; айлана йўналишли; бир томонлама; тўлик);
- минтақанинг ўлчамига ва “доминантлик қиладиган ҳаракат нуктаси” га қараб (маҳаллий; фронтал; секторли ва айланма ҳаракат; чизиқли ва полисентрик тугун);
- оптимал масофага ва “доминантлик қиладиган ҳаракатга” қараб (30 м дан кам, 30-100 м, 100-400м, 400-1000м, 1000-1500м, 1500 м дан ортик).

Идрок этиш нуктаи назардан ориентирлар ва доминантлар 3 гуруҳга бўлинади: “масофавий”, узоқ масофада ва турли хил нуктадан туриб идрок этиш, “маҳаллий”, фақат маълумбир масофадан туриб идрок этиш, “ориентирлар”, композицион ва мантиқий равишда бир қанча шакллар боғланган бўлади.

Фредерик “шаҳар атроф-муҳитининг магнитланиши” (кўпчиликни ўзига тортадиган объект ёки гуруҳлар) тушунчасини тарғиб этади. Ориентирлар ва доминантлар атрофида муайян зона яратилади, унга кўра кишини психологик жиҳатдан ҳаракатланишга ундайди ва мантиқий жиҳатдан қизиқиш уйғотган гўзал нуктага йўналтиради. ПТМнинг ориентир ва доминант атроф-муҳитнинг туристик жозибодорлик даражасига боғлиқдир. Шу бойистан Ўзбекистон тарихий шаҳарлари туристик марказларида ПТМни ташкил қилиш учун аввало унинг туристик жозибаси қай даражада эканлигини ўрганиб чиқиб, сўнгра ориентир ва доминант каби муҳим белгиларига эътибор қаратиш зарур бўлади [2].

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўрта аср ёдгорликларини кўриш мақсадида келаётган сайёҳларнинг оқими йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Шохруҳ Шарахмедов сўзига кўра 2017 йилда мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар сони 3 млн га еган. Бу 2016 йил билан солиштирганда 30 % кўпроқ ҳисобланади [3].

“Бошқа давлатлар туристик тажрибасини ўрганиш жараёнида, шунга амин бўлдики туризм иқтисодиётга сезиларли даражада даромад олиб келадиган ва мамлакат тараққиётига катта ёрдам берадиган тармоқлардан бири бўлиши мумкин”, деди “Ўзбектуризм” МК раисининг биринчи ўринбосари Нemat Абдуллаев. Бу кўрсаткични янада юқори даражага чиқариш учун зарур инфраструктура яратилса, у ҳолда туризм ҳар йили Ўзбекистон бюджетига 15 миллиард доллар даромад келтириши мумкин бўлади [4].

Бу эса ўз навбатида ПТМнинг савиясини янада ошириш кераклигини ва сайёҳлар сафарини имкон қадар сифатли даражада таъминлаш зарур эканлигини кўрсатади. Шулар қатори инфор­мацион-ориентация ва доминантларни қўллаш орқали ПТМ бир нечта қулайликларга эга бўлади ҳамда тарихий муҳитни юқори даражага олиб чиқишга катта замин яратади.

Агар сайёҳларга имкон қадар сифатли хизмат кўрсатилса, бу билан биз мамлакатимизда туризмнинг тез суратларда ривожланишига ҳамда иқтисодиётимизга катта даромад олиб келинишига имкон яратган бўла­миз.

Адабиётлар:

1. Кулаков А.И., Шишкинов В.С., Шишкинов М.А.а “Организация пешеходных туристических маршрутов в исторических городах”. ВЕСТНИК ИрГТУ №3 (98) 2015 ISSN 1814-3520 стр. 154.
2. Дьяченко Е.В. “Архитектурно-Ландшафтная организация туристических маршрутов (на примере города Москвы)”. –Москва. Диссертация. 92 с. 2010.

3. <https://tj.sputniknews.ru/asia/20180316/1025022020/uzbekistan-turizm-rost.html>.

4. <https://iwpr.net/ru/global-voices/turizm-v-uzbekistane>.

МАМЛАКАТ ТУРИЗМИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

Халимова Файёза ассистенти. Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Илмий мақолада Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар, Ўзбекистонда туризм соҳасини ҳозирги кундаги ривожланиш ҳолати, туристик ташрифлар кўрсаткичлари, сайёҳларнинг визасиз келишга рухсат этилган давлатлар баён этилган, шунингдек мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

В научной статье изложены постановления и указы по развитию туризма в Узбекистане, о текущем состоянии развития туризма в Узбекистане, показатели туристических посещений, страны безвизового режима, а также предложения и рекомендации по развитию туризма в стране.

In article were given decrees of the development of tourism in Uzbekistan, current state of tourism development in Uzbekistan, indicators of tourist visits, visa-free countries, as well as suggestions and recommendations for the development of tourism in the country.

Мамлакатда туризм соҳасига давлат даражасида миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда яқин истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг манتيқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган.

Туризм соҳасида миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чоратадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мабойнида мамлакат туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Амалга оширилган асосий ислохотларга қўйидагилар қиради.

Туризм соҳасининг қонунчилик асосини мустаҳкамлаш, соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш доирасида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Туризм тўғрисида”ги қонун

лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 16 апрелда қабул қилинди, Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланди. Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди. Хусусан қўшимча равишда 2019 йил август ойида имзоланган президент фармони билан чет эл фуқаролари Ўзбекистонга визасиз кела оладиган давлатлар сони 85 тага етди. Энди улар ҳеч қандай визасиз 30 кун давомида мамлакатда бўлишлари мумкин. Шунингдек, 77 давлат фуқаролари эса Ўзбекистонга келиш учун электрон виза олиш имконига эга бўлди, кунлик визасиз тартиб йўлга қўйилди. Айтиб ўтиш жоизки Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун, яъни «Vatandosh», «Student visa», «Academic visa», «Medical visa», «Pilgrim visa», «Investment visa» қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифалари жорий этилди.

Шунингдек, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, мамлакатнинг барча ҳудудларида жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, сабабли мамлакатда жаҳон стандартлари даражасидаги туризм инфратузилмасини яратиш мақсадида энг аввало, жойлаштириш воситалар сони ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-

шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 433-сон қарори билан Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланди. Бу низомга асосан меҳмонхона хизматларини лицензиялаш тартиби бекор қилинди, тадбиркорларга меҳмонхоналар ташкил этиши учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар бериш ҳамда 3 ва 4 юлдузли меҳмонхоналар ташкил этиш учун тегишли шартлар асосида инвестиция харажатларининг бир қисмини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш механизми жорий этилди.

Натижада бугунга келиб Ўзбекистондаги хорижий ва маҳаллий сайёҳларга мўлжалланган жойлашув воситалари 966 тага етди, яна 138тасида қурилиш ишлари давом этмоқда.

Хусусан 2018 йилда давлат томонидан хостелларга қўйилган талаблар енгиллаштирилди жумладан уларга нисбатан қўйилган 22 та талаб бекор қилинди. Бугунги кунда хостеллар сонини 85 тани ташкил қилса 2020 йилда 120 тага етказиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистонда 2017-йилга қадар биронта оилавий меҳмон уйлари мавжуд бўлмаган, ҳозирги кунда меҳмон уйлари ташкил қилиниши ва ундан фойдаланишга рухсат берилди, бунинг натижасида 248 та бу турдаги жойлаштириш воситалари ташкил қилинди.

Бундан ташқари мамлакатнинг 1000 тага яқин жойлаштириш воситаларини бирлштирган «E-MENMON» автоматлаштирилган тизим ишга туширилди. Меҳмонхоналардаги хорижий ҳамда маҳаллий фуқароларни ҳисобини олиш жараёни ва буларни ҳисоботини бериш тартиби электрон шаклга ўтказилди.

Туризм соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида Ўзбекистонга ташриф буюраётган турислар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи ичида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепцияси”ни амалга ошириш доирасида мамлакатга сайёҳлар оқимини оширишга доир тизимли ишлар амалга оширилди.

Статистика маълумотларини ўрганиш натижалари Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳлар сони ўсишида юқори суръатларни намойиш этмоқда. Шундай қилиб, 2019 йил давомида Ўзбекистонга 6 748 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич 5 346 200 кишини ташкил этган бўлиб, туристлар оқими ҳисобот даврига нисбатан 26,2 фоизга ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган бўлиб, уларнинг сони 5 764 500 кишига етган. МДХ мамлакатларидан келганлар сони 495 600 кишини ташкил қилган. Узоқ хорижий мамлакатлардан ташриф буюрилганлар сони эса 488 400 минг кишидан иборат бўлган.

Узоқ хориж ҳамда МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга саёҳат қилганлар орасида энг кўп ташриф Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлардан қайд этилган.

Ойлар кесимида энг кўп хорижий сайёҳлар сони август ойига тўғри келади – 692,2 минг киши. Шу билан бирга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан январь ва февраль ойларида саёҳат қилаётган хорижликлар сони кескин ошган. Январь ойида Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 64 фоизга (266,2 мингдан 437,2 мингга), февраль ойида 48 фоизга (264,9 мингдан 393,5 мингга) ошган.

Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг ёш тоифасига назар ташлайдиган бўлсак, унда 31-55 ёшдаги кишилар кўпчиликини ташкил қилишини кўриш мумкин, бу ёш тоифасидаги кишилар сайёҳлар умумий сонининг 51 фоизини ташкил қилади. Ундан кейинги ўринларда 30 ёшгача бўлган туристлар ташриф буюрган – 29 фоиз, 55 ёшдан ошган хорижий сайёҳлар эса 20 фоизни қайд этган.

Сайёҳларнинг асосий қисми, яъни 82,5 фоизи ўтган тўққиз ой давомида Ўзбекистонга қариндош-уруғлари ва дўстлари билан кўришиш мақсадида ташриф буюрган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даврига нисбатан бироз пасайган, ўтган йили бундай мақсадда юртимизга келганлар 88,4 фоизни ташкил қилган. Шуниси диққатга сазоворки, дам олиш ва кўнгилочар тадбирларда қатнашиш мақсадида Ўзбекистонга келганлар улуши кескин ошган.

Хорижий меҳмонларнинг Ўзбекистонда қолиш давомийлиги бўйича қуйидаги вазият кузатилди: келаётган сайёҳларнинг асосий қисми, яъни 65 фоизи 1-3 кунга мамлакатимизда қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланишига ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратганлиги ички туризмни ривожланишига ва оммавийлашишига олиб келди, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари вакиллари қизиши ортиши ва соҳага маҳаллий инвестиция киришига сабабчи бўлди. Ички туризмни ривожлантириш ҳукуматимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир. Чунки ички туризмни ривожланишидан фойдаланган ҳолда ташқи туристик оқимларни кенгайтириш ва уларни ички туристик йўналишларга йўналтириш имконияти яратилади. Мамлакатимизда туризм соҳасини

янада ривожлантириш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

Биринчиси, сайёҳлик мавсумини имкон даражада узайтириш лозим. Ҳаракатлар нафақат юқори мавсумда туризмни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда, балки уни кенгайтириш чораларини ҳам кўриш керак.

Иккинчидан, замонавий кўнгилочар инфра-тузилмани яратиш орқали саёҳат ва туризм учун мотивацияни шакллантириш. Кўнгил очиш ва ҳордиқ чиқариш соҳаси ривожланмаганлиги потенциал сайёҳлар ва диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиш учун мотивацияни шакллантиришга имкон бермайди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги турли хил объектлари кўпайиб бормоқда, аммо уларни сайёҳлар учун ҳақиқатан ҳам қизиқарли ва жозибали деб ҳисоблаш қийин. Ички туризмдан турли даражадаги бюджетларга улкан молиявий оқимлар тушадиган мамлакатлар фақатгина ташкил этилган сайёҳлик марказларини қўллаб-қувватлабгина қолмасдан, балки ички туристик ташрифларни ривожлантириш учун ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Учинчидан – саёҳатчилар учун оммавий дам олиш жойларига борадиган автомобил йўлларини таъмирлаш ва харажатларни оптималлаштириш орқали темир йўл транспортини ривожлантириш. Туризм соҳасининг ўсишига тўсқинлик қиладиган омиллардан бири транспорт соҳасининг юқори нархидир. Мамлакатимизда аксарият ҳолларда дам олиш жойларига борадиган поезд чипталари ва авиачипталар нархи юқорилигини кузатишимиз мумкин. Темир йўл транспортининг қимматлиги туфайли мамлакатимиз фуқаролари кўпинча мамлакат бўйлаб шахсий автоуловларда саёҳат қилишади ва уларнинг хавфсизлигига ҳеч ким жавоб бермайди.

Тўртинчидан – Ўзбекистонда ички туризм бўйича тегишли статистика тизимини шакллантириш лозим. Бутун жаҳон туризм ташкилотининг туристик оқимларни ҳисоблаш бўйича тавсияларида "ташриф буюрувчи" тушунчаси мавжуд бўлиб, бу "бир кеча ташриф

буюрувчи-турист" ва "бир кунлик ташриф буюрувчи-экскурсант" каби тушунчалар учун умумий атама ҳисобланади. Мамлакатимизда туризм соҳасида "турист", "ташриф буюрувчи" ва "экскурсант" атамалар бўйича ҳам алоҳида статистикани юритиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан – темир йўл ва авиабилетларни хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун онлайн бронлаш ва сотиб олишни такомиллаштириш лозим. Кўп ҳолларда Тошкентга келган хорижий сайёҳлар 1-2 кундан кейин бошқа туристик шаҳарларга темир йўл орқали боришда муаммолар мавжуд, чунки 1-2 кун ичида темир йўл билетини сотиб олиш имкони мавжуд эмас.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармони. Тошкент. 13.08.2019
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ПФ-5611-сонли "Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони. Тошкент. 5.01.2019 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 3-февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармони. Тошкент. 3.02.2018 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПК-3217-сонли «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. Тошкент. 16.08.2017 й.
5. Косолапов А.Б. Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер. / А.Б. Косолапов. – М.: КНОРУС, 2006. – 400 с
6. Государственное и муниципальное управление в сфере туризма: учебник/коллектив авторов; под общ. ред. Е.Л. Писаревского. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 192 с.
7. www.uzbektourism.uz
8. www.Kun.uz.

УДК: 536.46; 666.9.011

ФОРМАЛИЗАЦИЯ ЗАДАЧИ ОПТИМИЗАЦИИ МНОГОСТАДИЙНЫХ ПРОЦЕССОВ МЕТОДОМ ДЕКОМПОЗИЦИИ

Якубов М.С. - Тошкент ахборот технологиялари университети

Алишев Ш.А. - Джизакский политехнический институт

Ортиков З.У. - Андижанский государственный университет

Статья посвящена решению проблемы разработки теории моделирования и создания алгоритмов системы управления, основанные на определении и формализации целей функционирования системы, предложена новая концепция в решении задач оптимального управления многостадийными процессами, позволяющей свести многомерную оптимизацию к некоторой комбинации нескольких локальных задач существенно меньшей размерности с соответствующей увязкой их целей.

Ключевые слова: формализации целей, многокритериальная оптимизация, технологический режим, декомпозиция, моделирования, алгоритмизация, информационные потоки.

The article is dedicated to solving the problem of developing a theory of modeling and creating algorithms for a control system based on the definition and formalization of the goals of the system's functioning, a new concept is proposed in solving the problems of optimal control of multi-stage processes, which allows reducing multidimensional optimization to a certain combination of several local problems of significantly lower dimension with the corresponding linking their goals.

Keywords: goal formalization, multicriteria optimization, technological mode, decomposition, modeling, algorithmization, information flows.

Важным шагом успешного решения проблемы разработки теории моделирования и создания алгоритмов системы гибкого управления дискретно-непрерывными многостадийными процессами (МСП) является правильное формирование глобальной и локальных целей функционирования его, так как неадекватное существующим многообразным факторам внешней среды определение цели системы при самом хорошем ее построении приведет к далеким от ожидаемых результатам [1,2,9].

Разработка методов математического моделирования и создание алгоритмов системы оптимального управления основана на определении и формализации целей ее функционирования, а последующая эксплуатация связана с реализацией методов оптимизации управляемого МСП, рациональным распределением функции управления между людьми и автоматами. В проблеме оптимального управления такими сложными объектами важное место занимают различные задачи моделирования и оптимизации [5,13,14,10]. Нелинейный характер используемых моделей, сложный вид целевого функционала и ограничений, наложенных на управляющие воздействия и фазовые переменные объекта исследования, затрудняют решение возникающих задач оптимизации с помощью тех или иных формально строгих алгоритмов математического программирования. В связи с этим возникает необходимость в разработке новой концепции в решении задач оптимального управления МСП, позволяющей свести многомерную задачу оптимизации к некоторой комбинации нескольких локальных задач существенно меньшей размерности с соответствующей увязкой их целей.

Идея такого подхода состоит в декомпозиции сложной функциональной схемы МСП на взаимосвязанные внутренними материальными и энергетическими потоками контуры управления.

Декомпозиция осуществляется путем минимизации количества выделяемых контуров управления с однозначным определением функции цели всей схемы через промежуточные параметры потоков контуров управления.

Согласно методу декомпозиции решение задачи оптимизации осуществляется с использованием многоуровневых методов, а структура управления строится по иерархическому принципу [3,4,5,6,7,8,15]. На верхнем уровне оптимизации определяются оптимальные связи ме-

жду контурами и оптимальные величины выходных переменных каждого из них, обеспечивающих получение экстремума выбранной целевой функции управления для всей схемы. На нижнем уровне на основе математических моделей отдельных контуров определяются такие оптимальные величины управляющих переменных, в результате которых выбранный критерий эффективности достигает экстремума.

Общая постановка задачи управления МСП формулируется следующим образом: пусть математическое описание МСП имеет вид

$$Y = F(Y, X, U, Z, t).$$

Необходимо найти такое значение U вектора, при котором выбранный критерий оптимальности достигнет экстремума

$$Q = \Phi(Y, X, U, Z, t) \rightarrow \max_{u \in U},$$

где X, Y, U, Z - векторы входных, выходных, управляющих и возмущающих параметров.

На основе применения принципов декомпозиции общая задача оптимизации представляется в виде двух задач существенно меньшей размерности:

1) глобальная межконтурная

$$Q = Y(x_j, y_j, t); \quad j = \overline{1, n},$$

$$Q \rightarrow \max(\min)$$

при ограничениях

$$\Psi(x_j, y_j, t) \geq 0,$$

$$x_j^- \leq x_j \leq x_j^+, \quad y_j^- \leq y_j \leq y_j^+, \quad T_{\min} \leq t \leq T_{\max},$$

$$x_j > 0, \quad y_j > 0, \quad t > 0,$$

$$Q_{onm} = Y(x_j^{onm}, y_j^{onm}, t); \quad j = \overline{1, n},$$

где x_j, y_j - вход и выход j -го контура; n - количество контуров; T_{\min}, T_{\max} - интервал времени, на котором целесообразно достичь экстремум функции Y .

2) локальная контурная

$$Y_j = f_j(x_j, u_j, t), \quad j = \overline{1, n},$$

$$W_j(U_j) = \sum_{k=1}^{n_j} C_k U_{kj} \rightarrow \min$$

при ограничениях:

$$|Y_j^{3ag} - f_j(x_j, u_j, t)| \leq \rho,$$

$$|x_j - x_j^{3ag}| \leq E, \quad x_j \geq 0,$$

$$U_j^- \leq U_j \leq U_j^+, \quad U_j \geq 0,$$

$$T_j^{\min} \leq t_j \leq T_j^{\max}, t_j > 0,$$

$$Y_j^{\text{zag}} = f_j(x_j^{\text{zag}}, U_j^{\text{omn}}, t),$$

$$W_j(U_j^{\text{omn}}) = \min_u W_j(U_j),$$

где C_k - стоимость k -го управления; U_{kj} - значение k -го управляющего параметра j -го контура; n - количество управляющих воздействий в j -ом контуре; W_j - критерий оптимизации j -го контура.

Отсюда следует, что сложность управляемого объекта определяется составом подсистем и способом связи между ними. Способ связи, в свою очередь, определяется целями функционирования объекта. Вследствие этого проблему функциональной структуризации системы управления необходимо решить на основе программно целевого подхода, обеспечивающего наиболее эффективное достижение поставленных целей.

При этом выработка и принятие управленческих и инженерных решений производится с учетом содержания и направленности глобальной цели всей системы и последовательном подчинении ее достижению частных целей множества составляющих подсистем. Вследствие этого выбор наиболее предпочтительных альтернатив и оптимальных решений осуществляется исходя из общих критериев оценки достижения глобальной цели, комплексно учитывающих не только основные, но и сопутствующие результаты функционирования отдельных подсистем и системы в целом.

Целью проводимых исследований является создание теоретических основ моделирования и оптимизации и их практическая реализация автоматизированного решения широкого класса задач, связанных с принятием рациональных управленческих решений при планировании и управлении дискретно-непрерывными МСП.

Процедура создания структуры интегрированной автоматизированной системы гибкого управления МСП является весьма сложной комплексной задачей, требующей решения широкого круга вопросов и детальной их переработки на основе прогнозирования перспектив развития производственной системы и промышленной продукции в условиях конкретного предприятия.

При исследовании МСП как объекта моделирования и управления возникает необходимость сочетания системно-структурного подхода с системно-функциональным, т.е. наряду с выделением структурных свойств системы должны определяться функциональные свойства элементов, подсистем и всей системы. С этой точки зрения МСП состоит из двух взаимосвязанных частей: технологической части и

совокупности систем управления на различных уровнях иерархии, между которыми в процессе работы происходит постоянный обмен информацией.

Основным моментом исследования МСП является анализ качества ее функционирования, установление степени влияния изменения выходных параметров отдельных элементов системы на общий показатель качества функционирования системы в целом.

Системный подход представляет собой комплексный и взаимосвязанный качественный анализ МСП как целостной системы, состоящей из определенным образом интегрированных подсистем.

Методологическая специфика системного подхода определяется тем, что он ориентирует исследование на раскрытие целостности объекта и обеспечивающих ее механизмов, на выявление многообразных типов связей сложного объекта и сведение их в единую систему связей.

Анализ МСП - это операция изучения свойств и эффективности функционирования системы в зависимости от структуры технологических связей между элементами и подсистемами, а также в зависимости от значений конструкционных и технологических параметров системы и от параметров технологических режимов ее элементов.

Синтез МСП - это операция выбора типов элементов и структуры технологических связей между ними (т.е. выбора технологической топологии МСП), определения параметров элементов и технологических потоков системы, которые обеспечивают оптимальное значение критерия эффективности МСП, исходя из установленных в ТЗ на проектирование выпуска требуемых целевых продуктов, желаемых количественных оценок характеристических свойств МСП и заданных параметров внешней окружающей среды.

